

ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВ

**КЎЗГУДАГИ
ҲАЁТ**

*Адабий-танқидий мақолалар,
суҳбатлар*

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2013

УДК: 821.512-1
КБК 83.3(5Ў)
С 77

Солижонов, Йўлдош.

Кўзгудаги ҳаёт: адабий танқидий мақолалар, суҳбатлар./ Й. Солижон. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. — 148 б.

Буюк француз адиби Стендаль адабиётни йўл бошига қўйилган кўзгу деб таърифлаган эди. Инсон ҳаёти ана шу кўзгуда нечоғлик тиниқ ва ишонарли акс этса, китобхон ундан шунчалик кўп завқ ва сабоқ олади. Таниқли адабиётшунос Йўлдош Солижоновнинг ушбу китобидан ўрин олган адабий-танқидий мақолалари, эссе ҳамда суҳбатларида XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида яратилган бадий асарларда реал ҳаётнинг кўзгудаги рангин манзаралари, айрим қора доғлари тўғрисида ҳолисона фикр юритилади.

Рисола бадий адабиётга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК: 821.512-1
КБК 83.3 (5Ў)

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2013 й.



Биринчи бўлим

XXI АСР НАСРИ МАНЗАРАЛАРИ

Романда мавзу, муаммо ва ечим

«Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишига қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда».

**И.А.Каримов,
Ўзбекистон Президенти, «Адабиётга эътибор
– маънавиятга, келажакка эътибор» асаридан**

Мана, XXI асрнинг дастлабки ўн йили ҳам ниҳоясига етди. Тарих учун ушқдек ҳисобланган бу қисқа муддатда мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон республикаси ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий-маданий, ҳам маънавий-маърифий соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Айниқса, жаҳон миқёсида иқтисодий танқислик кучайган сўнгги йилларда рўй берган ўсишлар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасидаги обрўсини янада ошириб юборди. Албатта, ҳар қандай ҳукуматнинг иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда қўлга киритган улкан ютуқлари, аввало, халқининг маънавий тафаккури, ўзини ва ўзлигини ан-

лаш даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, мамлакат иқтисодий жиҳатдан бой бўлса-ю, халқи маънавий томондан қашшоқ япаса, бундай давлат ҳеч қачон юксак тараққиёт босқичига эриша олмайди. Аксинча, маънавий томондан етуклик даражасига кўтарилган халқ моддий жиҳатдан қийналса ҳам чидайди, бориға шукур қилади, эртасидан умид қилиб, турмушини яхшилаш учун курашади. Шу манода моддий ва маънавий ҳаёт эҳтиёжлари ўзаро уйғунлашади.

Иқтисодиётда икки йирик соҳа — ишлаб чиқариш билан пул муомаласи доимий мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади, тўлдиради ва бойитади. Айни чоғда, бу икки соҳа бир-бирини ямламай ютишга, бири иккинчисини ўзлаштиришга астойдил уринади. Қийин-қийин, бу икки юҳо оралиғида қолган инсонга қийин. У икки орадаги мусобақа қурбонига айланишга маҳкумдир. Бу соҳаларнинг ғолибидан кўра қурбони кўпроқ. Пул бойликнинг асоси ҳисобланар экан, у ҳар икки томонни ҳам ўзига бирдек мафтун этишга, кўнглини олишга уринади, керак бўлса, ишва-ю нози билан ўзига боғлаб олади. Аввало, ишлаб чиқаришни юргизиш, тиклаш, йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун катта миқдорда пул керак. Ишловчига қанча кўп пул берсанг, бойликка ўч одам шунча яхши ишлайди ва аксинча. Бундай қисматдан соғ-саломат қутилиш учун одамзоднинг аввало, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий тафаккури ривожланган бўлиши керак.

Янги аср бошида жамиятдаги фан ва техника соҳасида рўй бераётган кашфиётлар, ўзгаришлар инсон тафаккури тараққиётига, унинг тез ўсиши ва янгиланишига жиддий таъсир кўрсатди. Турмуш тарзининг бозор муносабатларига ўтиши одамларнинг иқтисодий тафаккурини бутунлай ўзгартириб юборди. У бу талотўп ҳаётда эвини қилиб яшаб қолиш, турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ҳеч иккиланмай ўзини ўтга, чўққа ура бошлади. Дастлаб бу уринишларининг оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмади, бугун топсам, есам бўлди деб ўйлади. Кейинроқ эса, бугунги топганига қаноат қилмай, янада хавфлироқ, янада мураккаброқ, янада ма-

шаққатлироқ ўпқонларга ўзини олди. Натижада, унинг маънавий тафаккури сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тафаккурлар шамоли олдида ожиз қолган шамдек ўчиш ҳолига келди. Бу хавфнинг олдини олиш, қандай бўлмасин, маънавий тафаккурнинг яшаб қолиши йўллари излаш зарур эди.

Инсон тафаккурининг янгилинишида, унинг онгига маълум бир ғояни сингдиришда ҳеч қайси соҳа адабиётчалик куч ва имкониятга эга эмас. Чунки адабиёт бадиий сўз ва образлар воситасида омма руҳиятида тубдан ўзгариш ясади. Бунинг учун ижод аҳли эркин нафас олиш, хоҳлаган мавзусида қалам тебратиш, истаган муаммосини кўтариш ва, албатта, кўнглига маъқул келадиган қаҳрамон тимсоли орқали тасвирлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Қарийб чорак кам бир аср мобайнида қоғозда бор-у, амалда бўлмаган бундай «эркинлик» адибларимизни тушовга солиб қўйганди. Мустақиллик туфайли бу тушов узилди. Адабиётга – сўз санъатига чинакам эркинлик берилди ва у қонун асосида мустақамлаб қўйилди. Натижада, адабиётда жуда катта ижобий ўзгаришлар юз берди.

Бунинг самараси тез орада аниқ кўзга ташланди, яъни жадаллик билан ўсиб бораётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тафаккурлар таъсирида адабий-бадиий тафаккур ҳам шаклланиб, улғайиш йўлига кирди. Дастлаб одамзоднинг иқтисодий бўронлар уммонидаги сузиш қийинчиликлари, чўкиш азоби, иккиланиш, бемақсад кулоч отишларини реал тасвирлашдан ўзини тийган адабиёт аҳли янги асрнинг илк йилларидан бошлаб, бу мавзунини жиддий ишлашга киришди. Бозор ва инсон тақдири кейинги йиллар ўзбек насрининг энг кўп ишланаётган муаммосига айланди.

Бозор муносабатлари ўз-ўзидан инсоннинг жамият, оила, жамоа, ўзга юрт ва одамлар ўртасидаги зиддият ҳамда алоқалар силсиласини ҳам юзага чиқаради. Бундай вазиятда турмушини ўнглаш учун уринаётган шахс манфаати билан янгилинишга юз тутаяётган жамият ва сиёсат манфаатлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар вужудга келади. Улар, ўз навбатида, оилавий муносабатларга ҳам, ахлоқий эврилиш-

га ҳам, инсоннинг ёвузлик сари юз тутишига ҳам у ёки бу даражада таъсир ўтказмай қолмайди. Ҳақиқий санъаткорнинг вазифаси эса, инсониятнинг келажагини таъминловчи умидбахш ғояларни илгари суриш, улар дунёқарашида эзгулик, меҳр-оқибат ва бағри кенглик каби фазилатларни ифодалашга хизмат қиладиган ибратли образларни яратишдан иборатдир. Бунинг учун ижодкорнинг эстетик идеали ғоятда соғлом, маънавий дунёқараши етук, халқи ва Ватани олдидаги масъулияти барқарор бўлиши керак.

Маълумки, роман, қисса, ҳикоя сингари эпик тур жанрларининг ҳар бири ўзига хос талаблар ва қонуниятлар асосида яратилади. Танланган мавзу кўлами, кўтарилган муаммо юки, яратилган персонажлар миқдоридан тортиб, шакл-шамойилигача қатъий ўлчамга эга бўлган бу жанрлар ҳозир ўзлигини йўқотиб, қоришиқ бир нарсага айлангандек тасаввур қолдирмоқда. Аввало, романда қўйилган муаммонинг юки ғоятда залворли бўлиши талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозир баъзи адиблар учун асарда романбоп муаммони кўтаришдан кўра, «роман» деган атама билан китоб чиқариш муҳимроқ бўлиб қолди. Кейинги йилларда «Янги аср авлоди» нашриёти айрим китобларни «XXI аср романи» деган ном билан чиқара бошладики, уларни ўқиб, кишида агар янги аср романлари шунақа бўлса, ҳали ҳеч нарсага эришмабмиз, деган фикр уйғонади.

Бундан 20 йил аввал жаҳон адабиётининг синчков билимдони, адабиётшунос Т.Солиҳов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) суҳбатларидан бирида «Назаримда, XXI аср адабиётининг пойдеворида иккита муҳим нарса бўлиши керак: бири – миллий анъана, адабиётимиз, санъатимиз соҳасидаги миллий анъана ва, иккинчиси, жаҳон адабиётининг даражаси, жаҳон бадиий тафаккурининг даражаси ва жаҳон адабиётида эришилган тажриба. Ана шу нарсалар пойдевор асоси бўлади, пойдеворнинг пойдевори бўлади» («ЎзАС», 1.02.1991) деб орзу қилганди. Дадил айтиш мумкинки, бугун ўзбек адабиёти кўп асрлар мобайнида шаклланган миллий ўзига хослигини тўла сақлаган ҳолда, жа-

ҳон адабиёти таркибига қўшилиш йўлларини излаб топиш имкониятига эга бўлди. Аслида ҳар қандай халқ адабиёти баркамоллик чўққисига аввало, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданий, маънавий, маърифий анъаналарига қатъий риоя қилиши, уларга ҳурмат билан қараши орқали эришади. Бизда эса, бундай анъаналарнинг туганмас хазинаси мавжуд. Ўлмас халқ оғзаки ижоди, бой ёзма адабиётимиз, ранг-баранг ахлоқий қадриятларимиз ва миллий урф-одатларимиз пойдеворнинг пойдевори борлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ўтган 20 йиллик хирмонимизга бир қур назар ташласак, буюк Шарқ адабиётининг миллий анъаналарини бойитган ҳолда, жаҳон бадиий тафаккури даражаси билан бемалол бўйлаша оладиган талай асарлар дунёга келганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон республикаси Давлат мукофотининг лауреати Омон Мухтор, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Асад Дилмурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Тилаволди Жўраев сингари адибларнинг асарлари тўлақонли миллий руҳи ва жаҳон адабиётида мавжуд энг янги бадиий усулларнинг табиий уйғунлашуви туфайли ўқувчиларнинг чинакам муҳаббатига сазовор бўлди. Шу билан бирга, бу даврда юки енгил, шиширилган шардек ҳавойи қисса ва романлар ҳам вужудга келдики, бу домла Т.Солиҳовнинг орзуси тўла амалга ошмаганини, XXI асрнинг дастлабки ўн йили ўтиб бораётган бўлса-да, жаҳон бадиий тафаккури даражасига олиб чиқувчи пойдевор ҳали мукамал битмаганлигини кўрсатиб турибди.

Хўш, сўнгги ўн йиллик хирмонимизга мана шу талаблар нуқтаи назаридан ёндашсак, уларнинг қанчаси истеъмом қилишга арзигулик чиқади? Агар:

Ғалвир сувдан кўтарилса...

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган инсон тафаккурида бойликка эришиш истаги ҳал қилувчи ўрин тутаети. Бу ҳодиса бадиий адабиёт олдига ҳам муҳим вази-

фаларни қуймоқда. Энг аввало, қаҳрамон концепциясини янгилаш талаб этиларди. Шу пайтгача яратилган персонажлардан фарқли ўлароқ, энди бозор муносабати шароитида шаклланаётган одамлар характерини яратиш зарур эди. Қандай бўлмасин, бойлик орттиришга уринаётган, бу йўлда ҳар қандай қабихлик ва разилликдан тап тортмайдиган, ўз уринишининг оқибатини ўйламай қадам босиши натижа-сида, фожиага учраган кишилар тоифаси пайдо бўлди. Аини чоғда бозор талабларига мослашиб, бугунги топганига шукур қилиб, оиласи ва келажагини таъминлаётган одамлар ҳам бор. Ҳаёт ижод аҳли олдига ана шундай қаҳрамонлар галареясини яратиш вазифасини қўя бошлади. Бундай мураккаб масалани тасвирлашда етарли тажриба тўпламаган адиблар олдида бозор одамининг сурати ва сийратини қандай усулларда ифолалаш қийинчиликлари пайдо бўлди. Натижада, ҳам ғоявий, ҳам бадиий, ҳам услубий томондан турли савиядаги асарлар яратилди. Дастлабки пайтда бозор иқтисодиёти шароити қийинчиликлари туфайли ҳаётнинг олдинги сафига чиққан айрим мафияларнинг ўзаро кураши, ўғрилик, жиноятчилик, фоҳишабозлик сингари иллатларни акс эттиришга ружу қўйилди. Бу билан муаллифлар ўқувчи оммасини огоҳликка чақирмоқчи бўлдилар. Аммо бу эзгу ният ёзувчилар томонидан бадиий жиҳатдан етарли даражада исботлаб берилмаганлиги оқибатида акс таъсир қила бошлади.

Бинобарин, бозор муносабатлари инсонни саралайди. Бу саралаш ҳар доим ҳам ижобий натижалар беравермаслиги мумкин. Унинг ҳам ўзига яраша талаблари, шартлари, қийинчиликлари мавжуд. Унга мослашолмаган одам чиқитга айланади. XXI асрнинг дастлабки ўн йилида яратилган насрий асарларнинг ўзига хос фазилати шундан иборатки, уларда ана шу жараёнда эзгулик ва ёвузлик қутбларига ажралаётган одамлар образи дунёга келди. Бундай қаҳрамонлар орасида, айниқса, аёллар характерининг ўзига хос талқини муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти бошқаруви шаклланаётган пайтда аёллар фаоллик кўрсата

бошлагани ҳам сир эмас. Негаки, аёл шахси ўз табиатига кўра рўзғори доим бадастур, бекам-кўст бўлишини истайди. Бу мақсадига эришиш йўлида баъзан шаллақилик қилади, эрини тинч қўймайди, жанжал кўтаради. Мақсадини амалга ошириш учун ўзини қурбон қилишгача боради.

Шу жиҳатдан Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Тилаволди Жўраев, Абдуқайом Йўлдош, Саломат Вафо, Зулфия Куролбой қизи сингари истеъдодли адиблар томонидан яратилган бозор ва инсон тақдирига бағишланган бадиий жиҳатдан юксак, ғоявий томондан етук қисса ва романлардаги персонажлар характерлидир. Бундай қаҳрамонлар тимсолида бозор муносабатлари шароитида тўғри йўл тополмай адашган, миллий ўзлигидан жудо бўлган, баъзан ўз ихтиёри билан ёки мажбуран ахлоқий бузуқлик йўлига кирган шахсларнинг фожиали қисмати ўқувчига ибрат қилиб кўрсатилди.

Албатта, ёзувчи ўзи тасвирлаётган мавзу ва муаммога мослаб танлаган шахс «мен»ининг манфаатлари, хоҳиш-истаги, ана шу шахсий манфаат индивидуаллигидан келиб чиқадиган эҳтиросларининг тўпорилиги, вақтинча ёки доимийлиги билан ҳам ҳисоблашишга мажбур. Агар бу ҳолат меъёрида тасвирланмас экан, шахс «мен»и бора-бора хираланиб қолиши, асарда жонли образ эмас, шунчаки силуэт яратилиши мумкин, холос. Аслида инсон оний лаҳзаларда жунбишга келган эҳтирослар турғени совигандан кейин ўзини беихтиёр тафтиш қилади. Чунки эҳтироснинг тийиқсиз ва бемаъни таъсири унинг онгига ўтгач, шахснинг ўзида яхшими, ёмонми — муносабат пайдо бўлади. Энди у эҳтирослари жунбишга келган онда мулоҳаза юритишга улгурмаган майл ва интилишлари ҳақида мушоҳада қила бошлайди, уларни таққослайди, хулоса чиқаришга уринади. Ҳақиқий санъаткор бу жараёни иложи борича ростгўйлик билан, табиий йўсинда, энг муҳими, миллий ўзига хосликка қатъий амал қилган ҳолда тасвирлашга масъулдир.

Шу маънода бозор муносабатлари ҳақиқий санъаткорларни ҳам саралашга киришди. Чинакам ёзувчи бозор мав-

зусини ёритишдан олдин чуқур ўйга ботди, ҳаёт, ўқувчи, жамият ва эл-юрт олдидаги масъулиятини теран ҳис қилди. Айни чоғда бозор ёзувчиси ва бозорбоп адабиёт пайдо бўлди. Профессional маҳоратга эга бўлмаган бозорчи ижодкорлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, нукул олди-қочди, ур-йиқит, фоҳишабозлик, ўғрилик, жиноятчилик ҳақидаги асарларни қалаштириб ташладилар. Тўғри, бозор фақат бойлик манбаи эмас, айни чоғда у тубанлик, пасткашлик, ахлоқсизлик, ёлғончилик, ўғрилик, юлғичлик макони ҳамдир. Унинг бу иллатларидан кўз юмиш бир ёқламаликка олиб келади. Бироқ бозор воситасида нукул ахлоқсизлик, жиноятчилик, севгифурушлик каби ўткинчи ҳодисаларни эҳтирос билан тасвирлашга уриниш адабиётнинг тарбиявий вазифасини тан олмасликдан бошқа нарса эмас.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай бадиий асарда яратилажак образ, аввало, ёзувчининг кишиларга ва ҳаётга муносабатини акс эттириш воситаси ҳисобланади. Айни чоғда, у муаллифнинг ҳаёт ҳодисаларига берган эстетик баҳоси ҳамдир. Ҳар бир персонаж ўзида ёзувчининг эстетик идеалини у ёки бу даражада тажассум этади. Бу вазифани бажариш учун ўша образ муайян ижтимоий шароитда, руҳий-маънавий муҳитда ҳаракатланиши зарур. Бу табиий равишда рўй бериши керак. Мабодо, санъат асарида муаллиф ҳаётдаги мавжуд нарсаларга, воқеа-ҳодисалар ва одамлар тақдирига фақат сунъий, расмий тақлид қилиш мақсади билан ёндашса, бу бадиий асар эмас, балки маҳорат билан ясалган нарсалар мажмуасидангина иборат бўлиб қолади. Бундай сунъийликдан холи бўлиш учун санъаткорнинг эстетик тафаккури аниқ ва барқарор бўлмоғи шарт. Биз таҳлил доирасига тортган асарларга шу нуқтаи назардан мурожаат қилсак, адибларнинг эстетик идеали турлича савияда эканлиги аён бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур асарлар ғоявий-бадиийлиги билан ҳам бир-биридан фарқ қиладилар.

Масалан, Зулфия Куролбой қизининг «Армон асираси», «Машаққатлар гирдоби», Саломат Вафонинг «Оворанинг

кўрган-кечирганлари», Ҳабиб Темировнинг «Қасос ва муҳаббат», «Қора қаср асираси», «Макрми ё муҳаббат» каби асарларида бевосита бозор муносабатлари авжига чиққан шароитда шаклланган, тафаккури уйғонган, ўзлигини англаган ва англай олмаган одамлар тоифаси ҳақида ҳикоя қилинади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳар бир адиб танланган мавзу ва муаммога ўз эстетик дунёқараши ва идеали нуқтаи назаридан ёндашади. Бу асарларда бозор бошқаруви шароитида аёл шахсининг ўрни ва қисматига алоҳида эътибор берилган. «Армон асираси» романи қаҳрамонлари Насиба, Ҳулқар Армон, Зуҳра, «Машаққатлар гирдобидеги Наргиза, Санобар, Гулруҳ, «Оворанинг кўрган-кечирганлари» асарида тасвирланган Салтанат, Малика, Мақсуда, Ҳ.Темировнинг «Қасос ва муҳаббат» деб номланган роман-дилогиясидаги Тўтиё, Лайло, Амалия, икки китобдан иборат «Қора қаср асираси» ва «Макрми ё муҳаббат» номли севги қиссаларидаги Афифа, Меҳри, Мақсуда ва бошқа эпизодик характердаги кўплаб персонажларнинг ҳар бири ўқувчида турлича таассурот қолдиради. Аввало, яратилган бу образларнинг ҳар бири катта-кичиклигидан қатъий назар, ўз ғоявий-бадий юкига эга эканлигини алоҳида қайд этиш зарур. Бироқ қаҳрамон мана шу юкни ёзувчи кўзлаган манзилга олиб бора олдимиз, ўз вазифасини қай даражада адо этди деган савол билан ёндашадиган бўлсак, ижодкорларнинг бадий савияси яққол намоён бўлади. Бунинг учун дастлаб Зулфия Қуролбой қизи билан Саломат Вафонинг асарларига назар ташлайлик. Чунки бу адибалар жинсдоши бўлган аёллар табиатидаги фазилат ва иллатларни теран тасвирлашга, уларнинг суратию сийратини ўзига хос тарзда очишга уринганлар.

Иккала адиба ҳам турли тоифаларга мансуб бўлган аёл қаҳрамонларининг ҳар бир ҳаракати, ўйи орқали даврнинг муҳим муаммоларига ишора қиладилар. Насиба билан Мақсуда опалар оддийгина уй бекаси, Ҳулқар Армон ва Салтанат ижодкорлар тоифасидан, Малика – ўқитувчи, Гулруҳ – шифокор, Наргиза, Санобар, Зуҳралар олди-сотди савдоси

билан шуғулланиб, бойишни орзу қилган аёллар ҳисобланади. Қаҳрамонларнинг бундай ранг-баранг галареяси муаллифлар учун бозор муносабатлари авжига чиққан даврдаги жиддий муаммоларни кўтариш ва ижобий ечим топиш имкониятини яратади. Масалан, уй бекалари Насиба билан Мақсуда опа образлари орқали аёллар характеридаги борига шукроналик, сабр-тоқат, эрнинг топганига қаноат қилиб яшаш, унга ва ўзига ишониш, бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар ҳамда қусурлар очилса, ли ёзувчи Ҳулкар Армон билан кўшиқчилар идорасининг профессионал мутахассиси Салтанат Маҳмудова образлари бозор иқтисодиёти шароитида адабиёт ва санъатнинг ўрни муаммосини чуқур таҳлил этишга ёрдам беради. Бу масалани Зулфия Куролбой қизи мусаввир Ҳаким, ҳайкалтарош Беҳзод, журналист Икром тимсоллари орқали янада чуқурлаштиради. Афсуски, С.Вафо асарида бу муаммо изчил тадқиқ этилмайди. Ўқувчи Салтанатни Ҳулкар сингари касб масъулиятини чуқур ҳис қилган, унинг софлиги ва ҳақиқийлиги учун курашувчи шахс сифатида кўрмайди.

Зулфия Куролбой қизи давр манзарасини, бозор иқтисодиёти кун тартибига қўяётган муаммоларни кенгроқ қамраб олишга уринади. Айрим фирибгарларнинг лоторея ўйини орқали бойиб кетаётгани, кун сайин кўпайиб бораётган хусусий газеталарнинг савияси, уларнинг саҳифаларида эълон қилинаётган енгил-елпи, олди-қочди ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи мақолалар одамлар ҳаётига салбий таъсир ўтказаятгани (Зухра образи мисолида) Ҳулкарнинг афсус-надоматли ўйлари орқали ўз ифодасини топган. Шуниси муҳимки, ёзувчи яратган ҳар бир образ катта-кичиклигидан, муҳим ёки номуҳимлигидан қатъий назар, ўзи мансуб бўлган табақанинг характерли хусусиятларини мужассам этиши билан ёзувчи гоъвий ниятининг аниқ ифодаланишига ёрдам беради. Аввало, ёзувчининг эстетик идеали мусаффолиги билан эътиборни тортади. У ҳамма нарсадан поклик, эзгулик унсурларини қидиради. Масалан, «Армон асираси» романидаги Насиба эри Донишнинг ўли-

мидан сўнг жинсий эҳтиёжни хаёлига мутлақо келтирмаган ҳолда, кўпол ва безори кимса Талгатга аёллик меҳрини бағишлаб, уни ҳам жисмоний хасталикдан, ҳам миясига ўрнашиб қолган ёвузлик ниятидан халос этади. Эри ташлаб кетиб бева қолган Хулкар Армон ҳам ҳаётда, ҳам ижодда покиза ахлоқини намоён қилади. Бу борада ўзи намуна кўрсатибгина қолмайди, балки «ёмон» йўлга кириб кетган Насиба ва Зухрани излаб топиб, танбеҳ беради. Ёки «Машаққатлар гирдоби»га тушиб қолган Гулруҳ ўзининг ташқи гўзаллиги билангина эмас, балки ахлоқий покизаллиги, муомаласининг ширинлиги билан нафақат мардикорларнинг, айни чоғда, бутун вужудидан «аллақандай ёвузлик ҳиди келади»ган Пўлат Дамировични ҳам, кўлини қаёққа узатса етадиган бошлиқ Ҳаким Назарични ҳам тиз чўктиради. Бу аёллар ўзларининг ахлоқий гўзаллиги билан ўзгалар ахлоқининг ўзгаришига ҳам ижобий таъсир кўрсатадилар. Дарвоқе, «Дунёни гўзаллик қутқаради» деганларидек, асарда «эзгулик ва ёруғлик фариштаси» сифатида намоён бўлган Гулруҳ ўз гўзаллиги, ахлоқий покизаллиги билан қуллик ва охир-оқибатда ўлимга маҳкум этилган кишиларни ҳалокатдан қутқаради.

Бинобарин, санъат асарининг бош мақсади азал-азалдан инсонга хос эҳтиросларнинг қандайлигидан қатъий назар, поклантиришга йўналтириш ва шу йўл билан кишиларни яхшиликка ўргатишдан иборат бўлиб келган. Файласуф Гегелнинг таъкидлашича, санъат инсоннинг ахлоқий камолотини тарбиялаш учун, энг аввало, «дағалликни жиловлаши, эҳтиросларни маданийлаштириши керак». Шу жиҳатдан Насиба, Хулкар Армон ва Гулруҳларнинг характери ибратлидир. Насиба романнинг бошидан-охиригача бир дунё эҳтирослар қуршовида яшайди. Ишга бормаётган «дангаса», пул топиб келишга «нўноқ», оила рўзгорини эпплотмаётган «ношуд» эри Донишга дастлаб кўрс, дағал, бетгачопарлик билан муомала қилади. Эри вафот этгандан кейин эса, бирданига мулойимлашади, унинг ўлимида ўзини айбдор деб билади. Эрига ўз вақтида кўрсатолмаган меҳрини аёлларни

қийнаб азоблашдан лаззатланадиган худбин Талгатга инъом этади. Эрининг руҳи олдидаги қарздорлик ҳисси туфайли аёл табиатида пайдо бўлган қўрқинч, андиша, раҳм-шафқат, ҳаяжон ва изтироб унга тинчлик бермайди. Бу ҳис-туйғулар бир-бири билан тинимсиз курашади. Натижада, Насиба бозорга ҳам чиқмай қўяди, пул топишни, ўзи ва болалари қандай кун кечиришини ўйламайди. Ҳар куни Талгатни йўқлаб боради, уни овқатлантиради, уйини тозалайди, кирини ювади. Насиба бу ишни бир беморнинг кўнглини олиш, унинг ҳаста тани ва руҳига бардамлик бағишлаш ниятида беминнат бажаради. Аёл ўзининг мана шундай покиза ахлоқий гўзаллиги билан Талгат тафаккурида томир отган ёвузликни эзгулик сари йўналтиради.

Адиба Саломат Вафо ҳам Салтанат тимсоли орқали жамиятда вақтинчалик бардамалаб кетаётган айрим масалаларни қаламга олади. Шулардан бири қўшиқчилик санъатининг жамият ва инсоният ҳаётидаги ўрнини аниқлаш масаласидир. Гарчи адиба фикрини исботлаш учун қўшиқчи аёл Ойзода Камол исмини бир неча бор тилга олса ҳам, уни ҳаракатга солмайди, Салтанатнинг тасаввурида қолиб кетади. Салтанат ўқувчида умумлашма образ сифатида таассурот қолдиради. У ҳам худди Ҳулкар сингари омадини синаб кўрмоқчи бўлиб бозорга чиқади. Бироқ унинг бозордаги фаолияти Ҳулкарники сингари хайрли кечмайди. Чунки Салтанат мансуб бўлган бозорчи аёлларнинг биронтаси ҳам покиза эмас. Улар эркакчасига бемалол сўкинадилар, бир-бирини ҳақорат қиладилар, тўйгунча ароқ ичадилар ва эркаклар билан ўтказган лаззатли онларини иштиёқ билан сўзлаб берадилар. Бу борада, аввало, Салтанатнинг ўзи намуна кўрсатади. У эрини қайтариш, оиласини мустаҳкамлаш ҳақида мутлақо ўйламайди. Аксинча, унинг хаёлида умрида кўрмаган аллақандай Султонбек ҳақиқий эркак тимсоли сифатида гавдаланаверади. Аббос Сулаймонов билан бемалол ишрат қилади, у истамаса ҳам уйига бораверади. Бир марта дугонасиникида учрашган Маҳмуд исмли йигитга ҳам кўнгли суст кетади. Умумий ҳовлидаги ижара уйда қўшниси Дилдо-

ранинг эри Мавлон билан суҳбатлаша туриб, «Қани эди шу йигит эрим бўлиб қолса» деб ўйлашдан уялмайди. Бу каби енгилтаклигини ёзувчи қаҳрамони тилидан «Бировнинг ғам-хўрлигидан ийиб кетардим, айниқса, яхшиликни эркак киши қиладиган бўлса» деб исботлаб ҳам қўяди.

Бу адибанинг эстетик идеали у қадар тиниқ эмаслигини исботлайди. Ёзувчи Салтанат нигоҳи орқали атрофни кузатар экан, бирон-бир жойда ёруғликни, эзгулик ва яхшиликни кўрмайди. Ҳикоячи-қаҳрамон назарида бозор ҳам, вокзал ҳам тўс-тўполон, жирканч, жанжалнинг уяси. Қишлоқ эса хароба, ҳанузгача ўзгариш йўқ. Салтанатнинг қишлоқ ва бу ерда яшаётган одамлар тўғрисида чиқарган хулосалари ниҳоятда жўн ва бачкана. Масалан, у қишлоқ кутубхонасидан чиқиб уйига кетаётганда шундай ўйлайди: «Атроф қоронғилашган, кўчаларда одам камайган, камаймаган тақдирда ҳам, қишлоқ кўчаларида чироқ бўлмагани учун биронта одам мени танимасди. Худо унутган элатда чироқ ҳам белгиланган тартибда икки-уч соат ёнарди». Шу тасвирнинг ўзи жуда катта мазмунни, қишлоқнинг яхлит манзарасини, қийинчиликларни, одамларнинг турмуш тарзини аниқ ва жонли кўрсатиб турибди. Бу реал тасвирдан кейин ёзувчининг ҳикоячи-қаҳрамони тилидан «Одамлар орасида ривоятнома (аслида «намо», яъни ўхшаш маъносини англатувчи қўшимча бўлиши керак. Й.С.) гап юрарди: «Чироқ йўқлиги учун қишлоқ одамларининг боласи кўп» дея масхараомуз тарзда изоҳ бериши баён юкини енгиллатиб, бачканалаштириб юборган.

«Оворанинг кўрган-кечирганлари» романида тасвирланган аёллардан биргина Мақсуда опа имон-этиқодли ва оиланинг, эрнинг қадрига етадиган аёл сифатида таассурот қолдиради холос. Асар воқеалари силсиласидан яхшигина ўрин олган ва Салтанатга таъсири кучли бўлган қишлоқдаги ўқитувчиси, колхоз раисининг ёлғиз қизи, гўзалликда танҳо Малика опа дастлаб тасвирланишича, «эркак зотига қайрилиб қарамасди. Маъбудалардай мағрур эди». Шундай аёлнинг ҳам кейинроқ совунфурушлик билан шу-

гулланадиган бозорчига айланиши, тирикчилик илинжида Кувончбой деган проводник билан «ўйнаш» тутиниши, йўл-йўлакай учраган Ҳамид исмли таниши билан ўпишиб кўришиши, гоҳ кабобчига, гоҳ бошқасига кўзини сузиб, қошини учуриб кулиб қараши, умуман, унинг бузуқчилик йўлига кириб кетиши ўқувчини қаттиқ ранжитади. Одатда, бадий асарда ҳар бир қаҳрамон асар бошланишидаёқ ўз қиёфаси ва генезиси, мустақкам эътиқоди билан туғилиши шарт. Мабодо, асар воқеалари давомида унинг характерида ўзгаришлар юз берса, улар муаллифсанъаткор томонидан бадий жиҳатдан исботланиши талаб этилади. Назаримда, Малика тасвирида мана шу ҳақиқат етишмаётгандек туюлади.

Шуларни ўйлаганимда, хаёлимда Саломат Вафо ва Ҳабиб Темиров асарларидаги персонажлар, айниқса, аёллар нега қатъиятли эмас? Нега бир-икки учрашувдан кейиноқ эркак кишининг хоҳиш-иродасига бўйсуниб, иффатини бой бериб қўявердилар? Нега улар аёллик шаънини улуғламайди? Нега улар иқтисодий қийинчиликка бардош беролмай, енгил-елпи йўлларни излайдилар? деган изтиробли саволлар пайдо бўлади ва уларга ижобий жавоб топгим келади. Аммо тополмай, охир-оқибатда бу ёзувчиларнинг эстетик идеали тиниқ эмаслигига ишончим ҳосил бўлади. Ёзувчи С.Вафо ҳикоячи-қаҳрамони Салтанат Маҳмудова нигоҳи билан нуқул ҳаётдаги қора доғларни, ахлоқий бузуқликни, ишончсизлик, алдамчилик, менсимаслик, инсонни ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиш каби иллатларни кўради. Салтанатнинг тан олишича, унинг умри фақат «йўлларда, аросат ва қувғинда» ўтди. У ҳеч кимдан яхшилиқ, меҳр-оқибат кўрмайди, ҳамдардлик кўрсатганларга эса (масалан, Мақсуда опага) бўйин эгмайди. Унинг нуқтаи назаридан қаралса, бу дунёда умуман соғлом, келишган, ақлли одам ҳам, дурустроқ нарса-буюм ҳам йўқ. Ҳатто идеалидаги ошиғи Султонбек телефонда ҳол-аҳвол сўраганда ҳам унга йигитнинг «сўзлари самимийга ўхшамас, қандайдир баландпарвоз» гаплар бўлиб туйилади. Сал-

танатнинг ишонч билан айтишича, «Бугунги куннинг моҳияти: ҳеч кимга ишонмаслик, барчага шубҳа билан қараш»-дан иборатдир. Ваҳоланки, қаҳрамоннинг ўзи бирон марта ҳам «хўб, мен ўзим кимман? Нима қиялман?» деб ўйламайди. Салтанат ўзини ўзи таҳлил этиш қобилиятидан маҳрум образдек таассурот қолдиради. У роман воқеалари тизимида қўшиқчи-шоира, журналист, мардикор, фоҳиша, маҳбус, бозорчи, ароқхўр, бемор каби турли қиёфаларда кўринади-ю, бироқ на оилапарвар аёл, на болаларига меҳрибон она, на эрига вафодор хотин, на курашчи шахс сифатида намоён бўлди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам уни имон рамзи бўлган Мадина тарк этиб кетгандир?

«Адабиёт йўл бошига қўйилган кўзгудир» деган эди ёзувчи Стендаль. Бу кўзгуда қандай қиёфани кўрсатиш санъаткорнинг маҳоратига боғлиқ. Кўзгуда аён бўладиган инсон қиёфаси нечоғлик ёқимли, нурли, тиниқ бўлса, унга қараган одам қувонади, ўзини ўнглашга уринади. Аксинча, бадбашара, ахлоқсиз, шаллақи ва беҳаё бўлса, киши ундан жирканади. Ана шу қабул қилишнинг икки усулидан қайси бирини танлаш ёзувчининг эстетик идеалини ёрқин кўрсатувчи восита ҳисобланади. З.Қуролбой қизи, С.Вафолар яратган образлардан китобхон ҳам ибрат олади, ҳам жирканади.

Муаммо ва ечим

Роман ёзувчидан узукнинг кичкина кўзига бутун бир оламни сиздира олиш ва уни турли рангларда акс эттира билишдек гоаят мураккаб меҳнатни талаб қилади. Роман ёзишга киришган ижодкор бир пайтнинг ўзида ҳам заргар, ҳам дурадгор, ҳам сангтарош, ҳам архитектор, ҳам синчи бўлиши керак. Адиб бу касб эгаларига хос барча хусусиятларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Токи у яратган асарда заргарнинг зийраклиги, дурадгорнинг донолиги, сангтарошнинг сайқали, архитекторнинг ақл-фаросати, синчининг саралаш туйғуси акс этиб турсин. Асарларни шу нуқтаи назардан кўздан кечирсак, ҳозирги ўзбек насрининг баъзи ютуқ ва камчиликларидан бўлади:

Романда, энг аввало, муаммо қўя билиш муҳим аҳамиятга эга. Роман эпик турнинг энг йирик жанри бўлганлигидан унда кўтариладиган муаммо ҳар қандай замонда ҳам, шароитда ҳам долзарблиги ва замонавийлигини йўқотмаслиги керак. Ҳаёт инсоният олдига ҳар кунги, ҳар соатда янги-янги муаммоларни кўндаланг қиляпти. Бу муаммолар вазнига кўра енгил ёки залворли, кўламига қараганда катта ёки кичик, аҳамиятига кўра арзирли ёхуд арзимас, моҳиятига нисбатан ўткинчи ёки доимий, йўналиши жиҳатидан умуминсоний ёки шахсий бўлиши мумкин. Гап унинг адиб томонидан танлай ва қай даражада ифодалай ҳамда жамият манфаатлари билан боғлай олишидадир. Чунки инсон жамиятнинг бир винти экан, унга дахлдор муаммо, шубҳасиз, бошқа механизмларнинг ҳам нормал ҳаракатланишига таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан биз таҳлил доирасига тортган асарларнинг аксарияти қўйилган муаммонинг романик аҳамиятга эгаллиги, замонавийлиги ва ғоятда долзарблиги билан ажралиб туради. Бироқ, очиғини айтганда, уларнинг ечими бир хил савияда эмас.

Нормурод Норқобилонинг «Дашту далаларда», Туроб Мақсуднинг «Илинж», Зулфия Қуролбой қизининг «Армон асираси» ва «Машаққатлар гирдоби», Жаббор Халилнинг «Довул» ҳамда «Тақдир бекатлари», Саломат Вафонинг «Оворанинг кўрган-кечирганлари», Ҳабиб Темировнинг «Қасос ва муҳаббат» сингари асарларида кенг маънода олганда инсон ва табиат, инсон ва жамият, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқий поклик ва бузуқлик каби адабиётнинг кўҳна ҳамда азалий муаммоларига мурожаат қилинган. Албатта, бу муаммолар умумий характерга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири санъаткордан заргарона зийраклик билан зарур қирраларини ажратиб олишни, синчилик салоҳияти билан ўқувчига маъқул томонларини аниқлашни, архитекторлик ақлини ишлатиб, нимани қаерга ўрнатишни талаб қилади. Бўлмаса, асар шиширилган шардек ҳавойи, танлаган қаҳрамонлари эса муаллақ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Масалан, Нормурод Норқобилонинг инсон ва табиат муам-

мосини кўтарар экан, уларнинг бир-бирисиз яшолмаслигини, бир-бирини тўлдирадиган ягона вужуд эканлигини ифодалаш мақсадида роман бошланишидаёқ ўқувчининг кўз ўнгида инсон — табиат ва ҳайвонот олаmidан иборат уч қатламни намоён қилади. Бу қатламларнинг ҳар бири аниқ тим-соллар орқали гавдалантирилади. Инсон қиёфасида табиатни тушунган, уни асраб қолиш учун ўзини масъул деб билган Эшқул полвон; табиат тимсолида кўм-кўк майсалар билан қопланган қиру адирлар, белоён дангту далалар; ҳайвонот олаmidан бўри, тулки, итлардан тортиб юмронқозигу қурт-қумурсқаларгача... Уларнинг ҳар бири муаммонинг маълум бир қиррасини ечишга беминнат кўмаклашади. Ёзувчи бу уч қатлам ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблиги ва зиддиятларга бойлигини ҳам теран тасвирлашга эришган. Ёзувчи асарида тасвирланган инсон ўз «мен»ини йўқотмаган ҳолда, табиат билан очиқ мусоҳабага киришади. Албатта, бундай мусоҳабада ёзувчи табиатнинг инсондан кучли эканини эсдан чиқармайди. Аммо бу ғояни асарига зўрлаб ҳам киритмайди, балки воқеалар силсиласидан табиий равишда сизиб чиқишига эришади.

Туроб Мақсуд эса, ўз романида эзгулик ҳар доим ёвузлик устидан ғолиб чиқиши муқаррар эканлигига инсон кўнглида туғилган озгина илинж туйғуси ҳам асос бўлишини ифодалашни мақсад қилиб олган. Бу мақсадини бадиий жиҳатдан ифодалаш учун антиқа исм ва қиёфага эга бўлган қаҳрамони Ҳайбатнинг ҳаёт йўлини танлайди. Ота-онасининг кимлигини билмай, болалар уйида вояга етаётган Ҳайбатнинг мурғак кўнглида қуйидаги илинжлар куртак ота бошлайди: биринчиси, меҳр илинжи. У дунёга келган кунданок инсон меҳрига муҳтож бўлиб яшади, она кўксини эммади, илиқ кучоғида эркаланиб ётмади, алла эпшитмади. Болалар уйида гап эшитиб, калтакланиб, четга сурилиб ўсди. Шу меҳрдан униб чиқадиган иккинчи илинж — аёл зотига муҳаббат, уни асраш ва умрини узайтириш. Чунки у онам мени туғибоқ оламдан ўтган деб ўйларди. Шу сабаб ўқувчилик пайтидаёқ унинг тарафини олган тенгдоши До-

нохонга бир умр қаттиқ меҳр қуйди, уни унутмади ва унга интилиб яшади. Учинчиси, илмга интилиш илинжи; У инсоннинг умрини узайтириш йўлларини ўрганди. Устози академик Улуғ Барака (кейин отаси бўлиб чиқди) илгари сурган ген масаласини ривожлантириб, фанда кашфиёт яратди, яъни ўлган одамни ҳаётга қайтарди. Бу унинг тўртинчи илинжи эди.

Ёзувчи ўзининг илмий мантиққа асосланган ғоявий-бадий ниятини турли тасвирий санъат элементлари ва геометрик чизгилар ёрдамида баён қилади. Улар орқали инсон организмда зурриётга тегишли эзгулик ва ёвузлик унсурлари мавжудлигига, уларнинг қачондир, кимдадир пайдо бўлиши мумкинлигига эътиборни тортади. Бунинг ёрқин мисоли Ҳайбатнинг ўзидир. Маълум бўлишича, Ҳайбат бутун умри ва илмий қобилиятини инсон генини аниқлашга сарфлаган йирик олим Улуғ Барака билан яна бир ли олма Малика Ражабнинг никоҳсиз туғилган ўғиллари бўлиб чиқади. Бироқ улар ўртасидаги муносабатлар ўқувчини ишонтира оладиган даражада аниқлик касб этмайди. Шу билан бирга, инсон зурриётига оид муаммолар моҳиятини янада чуқурроқ ва ишонарлироқ очиш учун ёзувчи биологик, зоологик ҳамда физиологик фанлар нуқтаи назаридан ёндашуви, бундай кашфиётнинг илмий-фалсафий асосларини янада мукамалроқ ўрганиши зарурга ўхшайди.

«Армон асираси» ва «Машаққатлар гирдоби» романларида адиба Зулфия Қуролбой қизи бозор иқтисодиёти шаклланаётган мураккаб бир жараёнда инсоннинг ўрни, қийинчиликларни енгиш йўлидаги эврилишларини қаламга олади. Бозор бошқаруви қоидалари шу қадар шафқатсиз ва ўжарки, у ўзига мослаша олмаган ҳар қандай касб эгасининг тақдирини ўзгартириб юборади. Бу ғоявий ниятни ёзувчи конкрет образлар орқали илгари суради. Булар оддий уй бекаси Насиба, эри олий маълумотли инженер Дониш, ёзувчи Ҳулқар Армон, мусаввир Ҳаким, ҳайкалтарош Беҳзод, безори Талгат, шунчаки пул топиш ва онасини даволатиш ниятида бозорга чиқиб, кейинчалик таниқли фоҳи-

шага айланган Зухра («Армон асираси»), рўзғоридаги иқтисодий етишмовчиликларга барҳам бериш ниятида бойлик ва омадини ўзга юртлардан қидиришга мажбур бўлган, аммо мақсадига эришолмай майиб-мажруҳ бўлиб ва янада қашшоқланиб қайтган ёки ўлиб кетганлар — «ғоят истеъдодли бўлатуриб ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган» илмий ходим Даврон, тадбиркор Сафарали, турли тоифага мансуб Юнус ота, Алишер, Камолиддин, Хусанбой, Наргиза, Санобар, Гулруҳ («Машаққатлар гирдоби») кабилардир. Уларнинг ҳар бири асар марказига қўйилган муаммонинг маълум бир қиррасини ўз зиммасига олиб, финишгача етказиб боради ва муаллифнинг ғоявий ниятини амалга оширади. Натижада, ҳар иккала романда ҳам қўйилган барча муаммолар у ёки бу тарзда ўз ечимини топади.

Ёзувчи Жаббор Халилов ҳам ўз романлари марказига жамият ва инсон, зулм ва адолат, тазйиқ ва умид каби масалаларни қўяди. Жумладан, «Довул» романида XX аср бошларидан то янги асргача бўлган давр мобайнида шаклланган уч хил тузум — чор Русияси, Шўролар ҳокимияти ва мустақиллик даврида яшаб, бахтсизликдан бахтга, қулликдан озодликка томон борган уч авлод тақдири ёритилди. Ана шу авлодлардан ҳар бирининг ҳаёти, яшаш тарзи, кураши ва интилишлари мақсадга мувофиқ равишда махсус бўлимларда баён қилинади. «Оқар дарёлар» деб номланган бўлимда биринчи авлод вакили Боёрнинг Шаҳрисабз беги томонидан ўн икки қишлоқни ўз ичига олган Сахвант музофотига аминлик лавозимига тайинланишидан то ўлимигача бўлган давр қамраб олинган. Ўтган асрнинг энг мураккаб 30–70 йиллари воқеаларини ўз ичига олган «Дардли чўққилар» қисмида иккинчи авлод вакиллари Ҳамиджон, Фанижон, Саминжонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш учун уринишлари, ўқиш ва ишдаги баъзи қийинчиликлар ифодаланади. Бу қисмда кўпроқ отаси Боёрамнинг орзу-умидларини амалга ошириш ниятида қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиб етишган Фанижон фаолияти асосий ўринни эгаллайди. «Интилиш» деб ном-

ланган учинчи бўлимда ана шу Фанижоннинг уч ўғли ўқитувчи Раҳмонали, колхоз раиси Шарифжон, дастлаб ўқитувчи, кейинроқ КГБ ходими бўлиб етишган Шавкатжонларнинг 70—90 йиллардаги ҳаёти, «пахта иши» оқиба-тида тортган азоблари, мустақиллик эълон қилиниши муносабати билан ҳамма нарсанинг ўз жойига тушиши, уларнинг дарҳол тadbиркорга айланиб кўплаб заводлар қури-ши, бой-бадавлат бўлиб кетишлари, ота-боболари етиш-маган орзуларга болаларнинг етишганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бироқ романда зиддиятли воқеалар, характерли тўқна-шувлар жуда силлиқ кечади. Масалан, эндигина 20—22 ёшга кирган Боёр аминлик лавозимига тайинлангандан кейин барча хайрли ишларини осонгина амалга ошираверади. Ви-лоятни қаттиққўллик билан бошқариб турган рус ноиб унамаса ҳам, маблағ ажратмаса ҳам, халқ ҳашарини таш-кил этиб, канал қазийди, узумзор, мевазор боғлар таш-кил этади, одамларга саховат кўрсатади, камбағалларни қўллаб-қувватлайди. Тўғри, ана шундай адолатли, меҳр-оқибатли мансабдор ота-боболаримиз тарихда бўлган, бироқ уларга осон бўлмаган, ахир. Амин эса, ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Ҳатто уни аминликка тайинлаган Шаҳрисабз беги ҳам кейинроқ воқеалар силсиласидан бутунлай чиқиб кетади.

Афсуски, кейинги авлод вакиллари ҳам ўз ниятларига етиш йўлида жиддий тўсиқларга учрамайдилар. Ваҳолан-ки, русларга қарши кураш олиб борган зотларнинг бола-ларига советлар даврида осон бўлмаганлигига тарих гу-воҳлик беради. Ушбу асарда қарийб чорак кам бир асрлик мураккаб даврнинг чирсиллаб турган муаммоларини тан-лаб олиш ва аниқ образлар тимсоли орқали тасвирлаб бе-риш маҳорати етишмайди.

Худди шундай майда-чуйда масалалар атрофида ўрала-шиб қолиш қусури «Тақдир бекатлари» романи структура-сига ҳам дахлдордир. Ёзувчининг бу романи ҳам воқеалар-нинг силлиқ ривожланиши, қаҳрамони Жавлон Алиевнинг

йўлида учраган тўсиқларни осонгина енгиб ўтиши, қадам-бақадам муваффақиятга эришиши билан ўқувчини ҳайратга солади. Ҳар иккала романда ҳам муаллиф баёни қуруқ ахборот, ечим эса ғоят баландпарвоз публицистик оҳанг, ҳамду санолар билан тугайди. Тасвирда бадиийликдан кўра мақоланавислик усули устун туради. Ёзувчида ғоявий ниятини ифодалашга хизмат қиладиган воқеаларни саралаш маҳорати етишмаётганлиги сезилади.

Бадиий асарда воқеанавислик энг жиддий қусурлардан бири саналади. Ёзувчи воқеаларни бирин-кетин қалаштириб ташлаш ва ҳиссиз баён қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки қаҳрамон кўп воқеалар юки остида қолиб, муаллифнинг асосий ғоявий ниятини ечимга қадар кўтариб кетолмай қолади. С.Вафо, Ж.Халил, Ҳ.Темиров, Н.Исмоилов, Н.Ҳошимов, М.Исмоилов каби ёзувчиларнинг асарларида ана шу қусур кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг устига, улар яратган персонажлар кўпинча муаллифнинг карнайи бўлиб хизмат қиладилар. Асар муаллифи нимани хоҳласа, шуни айтадилар, қандай ишни буюрса, ўшани бажарадилар ва охир-оқибатда ўзига хосликдан маҳрум бўладилар. Тўғри, асар учун танланган персонажлар, одатда, ёзувчининг ғоявий ниятини ўқувчига етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бироқ чинакам ёзувчи ўз қаҳрамонларини нима ишни қилишга, қандай гапни гапиришга мажбур қилиши кераклигини билиши нечоғлик муҳим бўлса, нималарни қилиш ёки қандай сўзларни гапиришга мажбур қила олмаслигини билиши ундан ҳам муҳимроқдир. Бадиийлик меъёри шуни талаб қилади. Меъёрни ҳис қилмай туриб ҳақиқий санъаткор бўлиш мумкин эмас.

Унутмайликки, адабиёт ҳар доим поклик, гўзаллик, адолат, ҳақиқат, имон ва эътиқод кўзгуси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи лозим. Ёзувчи ҳар қандай разолат ва қабоҳат, ифлослик ва имонсизлик, разиллик ва ахлоқсизлик заминида ўзининг покиза эстетик идеалини илгари суришни унутмаслиги шарт. Бусиз ўқувчини эзгулик руҳида тарбиялаб бўлмайди.

Конфликтсизлик касри

Бадиий асарда инсон ҳаётининг мураккаблигини, жамият билан унинг манфаатлари ўртасидаги келишмовчиликлар, норасолик ва номуносибликни реал тасвирлаш учун ёзувчида туғма истеъдод бўлишидан ташқари, менинг назаримда, буюк жасорат ҳам бўлиши шарт. Ҳозирги ёзувчиларнинг айримларида ана шу жасорат етишмаётгандек туйиляпти. Воқеалар силсиласида зиддиятлар ўпқонига чуқурроқ кириб бориш имкониятлари туғилган жараёнда муаллиф қаҳрамонини бундай гирдобга олишдан ҳайиқаётгандек, ўзини эҳтиёт қилаётгандек таассурот туғилмоқда. Қарама-қаршиликлар таҳлилини чуқурлаштириш ўрнига енгил-елпи эпизодлар баёнига ўтиб, ундан четлашиш, вазиятни юмшатиш ҳоллари юз беряпти. Бунинг оқибатида, асар воқеалари тизимида заифлик, айтиш жоиз бўлса, жарлик, характерлар динамикасида сустрлик пайдо бўляпти. Айрим асарларни мутолаа қилиб, воқеаларнинг бир текис ва силлиқ кечаётганини кўргач, ҳаёлимга ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган конфликтсизлик касаллиги қайталанмаяптими деган хавотир келади.

Конфликт бадиий асар сюжети учун мотор вазифасини бажаради. Усиз сюжет механизми ҳаракатга келмайди. Мабодо, узоқ сафарга чиқилса-ю, ярим йўлда мотор ишламай қолса ёки фаолияти сустлашса, киши кўзланган манзилига етиб боролмаганидек, асар конфликтни воқеалар давомида бўшашса, ёзувчи ҳам ғоявий ниятига етолмайди. Ҳар бир бадиий асар ҳам яхши маънода ўқувчи қалбига уюштирилган сафардир. Бу сафарда турли-туман ҳодисалар, яхши-ёмон одамлар, ўйдим-чуқурлару кескин бурилишлар учраши табиий. Агар асар сюжети ғоялар, қарашлар, характерлар, гуруҳлар ўртасида рўй бераётган қарама-қаршиликлар асосига қурилмаса, бундай асар таъсирчан бўлмайди. Бинобарин, ҳаётий ҳақиқатнинг аниқ ва изчил ифодаланиши зиддиятларнинг моҳияти ва ишонарлилиги билан ўлчанади. Айни

чоғда, инсон қалбида юз бераётган тўқнашувлар ҳам ифодаланаётган муаммо ва характернинг янада ишонарлироқ чиқишига кўмаклашади. Кейинги йиллар насрида инсоннинг ички кечинмаларини жиддий қарама-қаршилиқлар асосида тасвирлашга эътибор берилаётгани бежиз эмас.

XXI аср бошида яратилган асарларга шу нуқтаи назардан қаралса, кўплаб маҳоратли адибларимиз конфликтнинг ранг-баранг турларидан унумли фойдаланиб, таъсирчан ва қизиқарли сюжетлар асосига қураётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айни чоғда сунъий ҳамда ишониб бўлмайдиган уйдирма воқеалар тўқиб чиқарилаётган асарлар гуруҳига ҳам дуч келамиз. Баъзи адибларда зиддиятларни чуқурлаштириш имконияти туғилганда ҳам уни ривожлантира олмаслик, тўқнашувларни енгил-елпи йўллар билан ҳал этиш, қаҳрамонларни оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтказишга уриниш қусури сезилади.

Мустақиллик йилларида адабиётимизда ижтимоий конфликт тури, яъни қаҳрамон билан у яшаётган муҳит, кенгроқ маънода жамият ва инсон ўртасидаги зиддиятларни тасвирлашга эътибор хийла сусайиб қолганлиги сезилмоқда. Адибларимиз бундай қарама-қаршилиқларни тасвирлашдан ўзларини бироз эҳтиёт қилаётгандек, гўё мустақилликка эришганимиздан кейин инсон билан жамият ўртасида зиддият қолмади деган тушунча қарор топгандек туйиляпти. Ваҳоланки, ҳанузгача мустақилликнинг қадрига етмай, унинг афзалликларини тушунмай ношукурлик қилиб юрганлар ёки истиқдол яратган имкониятлардан фойдаланмай, «берсанг — ейман, урсанг — ўламан» қабилида яшаётганлар, турмушини ўнглай олмагани учун бошқарув тизимини айблаётганлар учрайди. Уларнинг фожиаси ёки курашини турли ракурслар орқали кўрсатиш мумкин-ку!

Шуларни ўйлаганимда, Нормурод Норқобилов, Туроб Мақсуд, Жаббор Халил, Зулфия Куролбой, Саломат Вафо, Ҳабиб Темиров каби адибларнинг сюжет қуриш ва конфликт яратиш борасидаги ўзига хос ютуқ ва камчиликлари кўз ўнгимга келади. Бадий асарда дастлаб воқеаларни ривож-

лантиришга ёрдамлашадиган тугунни ўртага ташлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар шу тугун асарнинг барча персонажларини, улар билан боғлиқ эпизодларни бирлаштириб, конфликтни ривожлантирса, воқелик сўнггига қадар тизгинни маҳкам ушлаб тура олса, асар композициясининг яхлитлиги таъминланган бўлади. Шу жиҳатдан ўқувчи илк саҳифаданок «ўзи тунд ва ҳафсаласиз бир қиёфада» юрган чеҳраси ғамнок Тўланбой («Дашту далаларда»), «ҳаяжонли, иккиланган бир ҳолда оқ қоғозга аллақандай шакллар чизаётган» Ҳайбат («Илинж»), «Эшикдан кирган заҳоти чор атрофга турли майда-чуйдалар сочилган, жавон ғаладонлари очилиб, кийимлар ивирсиб» ётганини кўриб «юраги шувиллаб» кетган Салтанат («Оворанинг кўрган-кечирганлари»), бир неча кундан бери «қалбига чироқ ёқса ёришмай, ишлари ҳам юришмай» изтироб чекаётган Жавлон Алиев («Тақдир бекатлари»)лар билан учрашганида ҳаёлига дарҳол «нега?» деган савол урилади. Табиийки, бу савол уни асарни тезроқ мутолаа қилишга ундайди. Жавобни топгач, баъзиларидан қониқади, баъзиларидан эса қониқмайди.

Гарчи бошқа асарларда сюжет тугуни бу қадар кескин тарзда қўйилмаса-да, воқеалар марказида асосий ўрин эгаллаган персонажлар ҳаётидаги муҳим ўзгариш, бунинг натижасида, инсон кайфиятида пайдо бўлган қувонч ёки ташвишлардан хабар бергувчи диалоглардан бошланади. Масалан, З.Қуролбой қизининг «Армон асираси» романи эрхотиннинг янги уйга кўчиб келишганидан ниҳоятда хурсандлиги, оилада кўпдан бери бунақа шодлик ва мўл дастурхонни кўрмаган болаларнинг шовқин-сурони, эртага бундан-да яхши яшаш ҳақидаги орзулари, «Машаққатлар гирдобии» асари эса, аксинча, бош қаҳрамон Давроннинг «Бир қолипга тушиб қолган ҳаётини бирданига бир юз саксон градусга ўзгартириб юборган» эр-хотин ўртасидаги можаро ва бунинг натижасида эрнинг уйдан бош олиб чиқиб кетиши-ю, ўзини машаққатлар гирдобига отиши билан бошланади. Ҳ.Темировнинг «Қасос ва муҳаббат» романининг биринчи китобида никоҳ кечаси келиннинг қочиб

кетиши ҳақидаги хабардан воқиф бўламиз. Булар шубҳасиз, ўқувчида қизиқиш уйғотади ва уни воқеаларнинг давомини тезроқ билиб олишга ундайди.

Албатта, бадиий асарда ташланган сюжет тугуни конфликтнинг кескинлашуви ҳамда муаммонинг ечимига мустақкам пайванд қилингандагина асар макроструктураси яхлит ҳолга келади. Шу жиҳатдан қараганда, Н.Норқобил, Т.Мақсуд кабиларнинг воқеликка ижодий ёндашуви ибратлидир. Масалан, Тўланбойнинг дилгирлиги, қиёфасининг тундлиги, Ҳайбатнинг ҳаяжонли ҳолати, айни чоғда, иккиланиб, қоғозга алақандай мавҳум шаклларни чизаётганлиги сюжет охиригача сир тугилади. Ёзувчилар баъзан ўқувчини бошқа воқеалар билан алахситиб, четга чиқаётгандек туюлади. Аммо бу чекинишлар бежиз бўлмай, улар қаҳрамонларнинг сирли ҳолатини тўлдиришга, янги тугунчалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Тўланбойнинг кўзи тасодифан қопқонга илинган тулкига тушгач, унинг терисини шилиб, азоблаб ўлдиришни ўйлайди (худди аламини тулкидан олмақчидек). Ҳайбат эса, «чуқур хаёлга чўмган» ича «хона ўртасидаги диванда ётган» оқ чойшабдаги гавдани очади. Унда гўзал бир қиз ётарди. Муаллифлар томонидан киритилган бу қўшимча деталлар асосий тугун кўламини янада кенгайтиради, персонажлар қиёфасига янги чизиқлар тортади, ўқувчида қўшимча саволлар пайдо қилади. Бу саволларига фақат асар охиридагина жавоб олади. Унгача китобхон қалбида ҳаяжон ва қизиқиш ошгандан-ошиб бораверади.

С.Вафо билан Ж.Ҳалил асарларида келтирилган тугунлар ҳам қаҳрамонлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Масалан, Салтанатнинг овораи сарсонлиги уйидаги ана шу тартибсизликдан бошланди. Бироқ эрининг ташлаб кетиши уни мутлақо ташвишга солмайди. Аксинча, хаёлида «Яхши бўпти. Барибир, ажралишамиз. Мажбурий иттифоқдан оила бўлмайди» деган ўй билан ишига кетаверади. Аслида эрининг жонига теккан бундай яшашнинг моҳияти очилишини сюжет тизими талаб қилиб турибди. Негаки, агар бундай ажралишга ёлғиз эрнинг ўзи айбдор бўлганида кейин-

роқ Салтанатни мажбуран қишлоқдаги уйига олиб кетмаган, даволаш ҳамда ўзи ва болаларига нисбатан меҳрини ошириш ниятида зиёратгоҳларга олиб бормаган, Салтанат бу ердан ҳам индамай ёлғиз кетиб, Тошкентдаги касалхонада ётганида атайлаб кўргани келмаган бўларди. Демак, бу ажралишда кўпроқ Салтанатнинг айби бор. Воқеалар давомида англаб етамизки, Салтанат бироз қаноатсиз аёл, у қийинчиликларга бардош беролмайди.

Жаббор Халилнинг «Тақдир бекатлари» романи қаҳрамони Жавлон Алиев чекаётган изтиробнинг сабаби эса, «беш йилдан буён тиним нималигини билмай, кечаю кундуз демай, иссиғу совуқни ҳам сезмай, бетиним кунг билан ёзиб тугатган янги асарини қандай қилиб бўлса-да, чиқариб олишу, мухлислари ҳукмига топшириш» экан. Хўш, бундай қутлуғ мақсаднинг амалга ошишига нима, ким халақит беряпти? Эр-хотиннинг узоқ давом этган суҳбатидан шуни англаймизки, китобни нашр эттириш учун оиланинг тўлайдиган пули йўқ экан. Биринчи тўпланини чиқаришга рўзғордаги «қўй-эчкидан тортиб, ўғли миниб юрган мотоциклгача сотиб» беришган. Кейин «қиссалари чиққунча бор бисотидан» айрилишган. Маълум бўлишича, уйларида ҳам ҳеч вақо қолмабди, пенсия ҳалигача келмабди. Хотинининг ғоят адабий тилда сўзлашига қараганда рўзғорда ҳам етишмовчиликлар кўпайиб кетибди. Демак, эр ҳам, хотин ҳам ишсиз деган хулосага келамиз. Хўп, бозор иқтисодиёти ҳукмронлик қилаётган шароитда бундай вазият бўлиши мумкин ва табиий. Лекин асар қаҳрамонлари бу қийин ҳолатдан қандай чиқиб кетадилар? Ўқувчини шу савол қизиқтиради.

Чиндан ҳам, эр-хотин диалогда ўртага ташланган фикрлар ёзувчига инсон ва муҳит, иқтисодий эврилиш даврида тафаккурнинг ўзгариши, адабиёт ва мафкура ўртасидаги зиддиятларни ёритиш имконини берарди. Йўқ, ёзувчи бу йўлдан бормади, уни ривожлантириш, қаҳрамон изтиробининг сабабларини очиш ўрнига Жавлоннинг ёшлик хотираларини баён қилишга киришиб кетади. Бу ҳам, аслида, муаллифга иккинчи жаҳон уруши давридан то 90-йил-

ларгача бўлган қарийб ярим асрлик Шўро бошқаруви пайтида ниҳоятда кескинлашган жамият ва инсон манфаатлари ўртасидаги конфликтни бор бўйи билан ифодалашга йўл очарди. Аммо бу жараён ҳам изчил тасвирланмайди. Боз устига, ёзувчи томонидан қаҳрамон ҳаётида рўй берган энг муҳим воқеа-ҳодисаларни саралаб олиш ўрнига кўпинча кераксиз, майда-чуйда эпизодларга кенг ўрин берилади.

Зулфия Қуролбой қизининг «Армон асираси», «Машаққатлар гирдоби» романлари ҳам эр-хотиннинг бозор иқтисодиёти шароитида турмушнинг кун сайин қийинлашаётгани, йўқчилик туфайли қарзга ботиш, ишсизлик оқибатида вужудга келган сарсон-саргардонлик ва асабийлик, олий маълумотли бўла туриб, мондали иш тополмаётган Дониш билан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида ишдан бўшаб кетган Давроннинг хотинлари жанжалидан қутилиш учун уйдан чиқиб кетишлари билан бошланади. Сюжет чизиқлари ана шу биринчи қадамдан бошланади ва охиригача қаҳрамонлар ҳаракатда тасвирланадилар. Улар қаерга борган, нимаики қилган, ким билан учрашган бўлса, барчаси бошқа асарлардагидан фарқли ўлароқ, мана шу диалогда ўртага ташланган муаммони ҳақиқати эшига бўйсундирилади.

Ҳабиб Темировнинг роман-диалогиясида ҳам Русияга қатнаб осонгина бойиб кетган «янги ўзбек» Миртожининг ажабтовур саргузаштлари ҳикоя қилинади. Роман чиндан ҳам саргузашт-детектив асарларга хос эпизод билан бошланади. Миртожибой қизи Лайлони ўзи сингари «янги ўзбек» бойларидан Қолдибекнинг ўғлига унаштириб, шаҳарнинг энг машҳур, ҳашаматли маданият саройида ўтказилаётган тўйда куёвкелинларни қутишмоқда. Бир пайт худди ҳинд кинофильмларида акс этганидек, тўйхона олдида «бир қоп-қора «Нексия» елдек учиб келиб эшик олдида ғийқиллаб тўхтади»-да, «Ундан бўғриқиб, нафаси бўғилиб кетган куёв тушиб, отаси томонга чопди». Маълум бўлишича, келин қочиб кетиди! Худди ўша фильмлардагидек бой қудалар бир-бирини юпатади, таскин беради ва... бироздан сўнг тўй бинойидек

давом этади. Орадан озгина ўтгач, «оппоқ ҳарир либосли, юзига бежирим кашмири чачвон тутган келин» ва куёв қултиқлашиб, тўйхонага кириб келадилар. Демак, ҳамма нарса жойида, келин топилибди-да! Аксинча, жойларига ўтиргач, куёв «қайлиғига ўпкалаган тарзда ўгирилди ва унинг чачвонини оҳиста кўтарар экан... қотиб қолди. —И-е, — деди у сал бўлмаса йиқилиб тушай деган аҳволда. — Сиз... бошқа-ку!» Келин эса уялиш, хижолат тортиш ўрнига ҳали бирон марта кўрмаган куёвига «—Жим! — деди таҳдидли овозда. — Жим ўтиринг! Мен ўшаман! Мен... кейин тушуниб оласиз» дея пўписа қилади. Кейин аниқланишича, бу янги келин Миртожининг кичик қизи Шахло экан.

Кейинги воқеалар бундан-да ғаройиб! Лайло топилгач, уни опқочиб кетган Нозим билан келишиб тўй кунини белгилайдилар. Буни қарангки, энди бу гал куёв тўра қочиб кетади! «Янги ўзбек» бойи Миртожи бу галги шармандаликдан ҳам осонгина қутилиш йўлини топади — ёрдамчиси Қўшоқбойнинг югуриб-елиши туфайли бирпасда «ижарачи» куёвни олиб келади-да, келиннинг ёнига ўтқазиб кўяди. Асар воқеаларини бу каби янги эпизодлар билан бойитиш аслида конфликтнинг янада кескинлашувига, қўшимча тугунлар ва тўқнашувларнинг пайдо бўлишига ёрдам бериши керак эди. Шубҳасиз, ўқувчи хаёлида энди бу «янги келин-куёвлар»нинг ҳаёти қандай кечади? Ахир, улар Отабек билан Кумуш эмаски, бири «Мен ўшаман...». деса, бошқасининг кўнгли жойига тушиб, енгил тин олса?! Айниқса, ўзининг эндигина етишган чинакам эри ўрнида бутунлай бошқа эркакни кўрган Лайло қай аҳволга тушди экан? Мабодо, ижарага олиб келинган бу «куёв» тўйдан кейин кетмасдан «шу менинг хотиним. Мана, ҳамма гувоҳ, ундан ажрашмайман» деб туриб олса, нима бўларди? Ахир, у қўли калта, етимча, бировларнинг эшигида ишлаб кунини ўтқазиб юрган йигит экан-ку?! — деган саволлар туғилади. Бироқ воқеалар на биз, на қаҳрамонлар истаган йўналишда эмас, балки ёзувчининг хоҳиш-истагига кўра ривожланади. Персонажлар унинг амрига сўзсиз бўйсуниб ҳаракат қиладилар. Ҳамма

нарса осонгина ҳал бўлади: Қолдибекнинг ўғли «кейин тушуниб олади», «ўша» келин билан тинчгина яшай бошлайди ва, умуман, воқеалар силсиласидан чиқиб кетади. Яхшики, «ижарагир» куёв Мардибой исми жисмига мос «мард» йигит экан, ролини муваффақият билан бажаргач, хизмат ҳақини ҳам олмай кетаверади.

Бу мулоҳазалар роман муаллифи бадиий адабиётнинг миллийлиги, характер мантиқи, воқеалар ҳаётийлиги ва изчиллиги каби муҳим мезонларига етарли риюя қилмаганлигини кўрсатади. Назаримда, Ҳ. Темиров ўйлаб топилган бундай уйдирма воқеалар билан ўқувчиси кўнглини олишни, персонажларнинг худди режиссёр топшириғини бажаришга мажбур бўлган актерлар сингари қабул қилишини хоҳлайди, шекилли. Аммо режиссер актерлардан асардаги қаҳрамон характери мантиқидан келиб чиққан ҳолда, рол ижро этишини талаб қилса, роман муаллифи персонажларни ўзининг ғоявий ниятига қараб рол ўйнашларини талаб қилмоқда. Дарвоқе, нутқда бадиийликдан кўра, газета ахбороти, қуруқ баёнчилик ҳам асарнинг бутун мазмунини сусайтириб қўйгандек туйилади.

Хуллас, XXI аср мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида янги саҳифалар очганлиги аниқравшан кўриниб турибди. Бундай ривожланган юртда маънавий-маърифий жабҳанинг кўзгуси бўлмиш бадиий адабиётнинг умумий юксалишдан ортда қолиши ярашмайди. Бу оғир вазифани ҳал этишда ижод аҳлининг масъулияти жуда катта. Бунинг учун адабиёт намояндалари халқ ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этмоқлари зарур. Масъулиятни ҳис этиш эса кишининг онги, дунёқараши билан боғлиқ. Яратилажак «Бадиий асар, энг аввало, ёзувчи тафаккурининг мевасидир» (Ҳ. Айтматов). Буни чин дилдан ҳис қилган ҳар бир адиб кўлига қалам ва қоғоз олишдан олдин ўз олдига «Мен маънавий жиҳатдан юксалиб бораётган халқимга, жаҳонга бўй чўзаётган ёш авлодга, ўзлигини англаётган ўқувчимга нимани, қандай шаклда айтишим керак? Менинг сўзларим унинг келажагида қандай рол ўйнайди? Кўзлаган мақсадидан қайтармайдими? Танлаган тўғри йўли-

дан чалғитмайдими?» деган саволларни қўйиб, уларга масъулият билан жавоб изласа, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунинг учун ёзувчи ҳаётга некбин кўз ва ёниқ муҳаббат билан қарамоғи керак. Токи, унинг тафаккури ҳосили ҳисобланган бадиий асар хом-хатала ва тахир мева сингари харидорнинг иштаҳасини буғмасин. Бундай вазиятга тушмаслиги учун ижодкор яратилажак асари устида тинимсиз меҳнат қилиши, ҳаддан зиёд кўп тер тўкиши талаб этилади. Ёзувчи «Ижод – бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик»дан (И. Каримов) иборат эканлигини унутмаслиги лозим. Зеро, шошма-шошарлик адабиётга ҳеч қачон наф келтирмаслигини, ҳақиқий санъаткор учун кўп ёзишдан кўра, хўб ёзиш афзал эканлигини билиши шарт.

Йил хирмони, ҳосил сифати *(2012 йил романлари мисолида)*

Қайси соҳада бўлмасин, йиллик хирмонни чамалаш, сарҳисоб қилиш, унинг сифатини аниқлаб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш халқимизнинг азалий одатларидан бири бўлиб келган. Шунга кўра, ҳар йили халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, истиқболдаги режаларни аниқлаб олишга алоҳида эътибор берилади. Бу жиҳатдан миллатнинг нафақат маънавий-маърифий қиёфасини, балки ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий жабҳалари-даги янгиланиш ва кўтарилишларни ҳам бадиий образлар воситасида акс эттирувчи сўз санъатининг йиллик фаолиятини сарҳисоб қилиш фойдалан холи эмас. Халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги сингари, ўтган 2012 йил бадиий адабиётда ҳам ғоят самарали бўлди. Бу жиҳатдан бадиий адабиётнинг гултожи ҳисобланган роман жанрининг хирмони ҳам миқдори, ҳам сифатига кўра, аввалги йиллардагидан қолишмайди. Мавзуларнинг ранг-баранглиги, адабий аҳоли тоифасининг янгилиги, характерлар хилма-хиллиги, бадиийлик мезонла-

ри ва муаммо ечимидаги ўзига хослик роман жанрининг йил сайин имкониятлари кенгайиб, жаҳон миқёсига чиқиш йўллари излаётганидан далолат беради.

Ўтган йили биргина «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида 6 та — Назар Эшонкулнинг «Гўрўғли», Асал Дилмуроднинг «Ранг ва меҳвар» романлари тўла, Комил Авазнинг «Созанда», Ҳаким Сатторийнинг «Соғинч» (ҳар иккала роман кейинроқ алоҳида китоб ҳолида нашр этилди), Нурали Қобулнинг «Тахт тагидаги зиндон», Фулом Каримийнинг «Лангар фожиаси» романларидан парчалар эълон қилинди. Булар қаторига пойтахт нашриётларида чоп этилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Осий банда» («Ўзбекистон»), Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг «Самум», Саъдулла Сиёевнинг «Аҳмад Яссавий» («Ўзбекистон»), Н.Каримовнинг «Миртемир» («Мериус»), Абдуқаюм Йўлдошевнинг «Банкир» («Тафаккур қаноти»), Олимжон Ҳайитнинг «Аросатлар ороли» («Янги аср авлоди»), Баҳодир Худойбергановнинг «Аёл армони» («Ўзбекистон») ҳамда вилоятлар ва хусусий нашриётларда босилиб чиққан кўплаб романларни ҳам кушадиган бўлсак, йил хирмонининг салмоғи янада ортади.

2012 йил романлари хирмонини кўздан кечирар эканмиз, аввало, уларни мавзу ва муаммосига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратиб олишни лозим топдик:

1. Ижтимоий-иқтисодий (Одил Ёқубовнинг «Осий банда», А.Йўлдошнинг «Банкир», Ҳ.Сатторийнинг «Соғинч», Ф.Каримийнинг «Лангар фожиаси»);

2. Маънавий-ахлоқий (Т.Маликнинг «Самум», Н.Эшонкулнинг «Гўрўғли», А.Дилмуроднинг «Ранг ва меҳвар», Баҳодир Худойбергановнинг «Аёл армони»);

3. Тарихий (С.Сиёевнинг «Аҳмад Яссавий», К.Авазнинг «Созанда», Н.Қобулнинг «Тахт тагидаги зиндон»);

4. Биографик (Н.Каримовнинг «Миртемир», О.Ҳайитовнинг «Аросатлар ороли» романлари);

6. Детектив (бу гуруҳдаги романларнинг ҳадди-ҳисобига етиб бўлмайди).

Албатта, нашр этилган романларнинг барчасини ҳам ба-

дий жиҳатдан юксак, ғоявий томондан етук, структураси тамомила янги, ёзувчиларнинг маҳорати даражаси юқори савияда деб бўлмайди. Боз устига, ҳозир адабиёт майдонида «роман» ёзувчилар шу қадар кўпайиб кетдики, айримларининг битта «роман»ини ўқиб тугатмай туриб, икки-учтаси пайдо бўляпти. Уларда нуқул олди-қочди воқеалар, енгил-елпи муаммолар, вазнсиз «қаҳрамон»ларнинг ясама хатти-ҳаракатлари тасвирланиб, ўқувчилар савиясини ҳам пасайтирмоқда. Бундай «роман»лар рўйхатини келтиришнинг ўзи ҳам талай саҳифани эгаллайди. Масалан, республикамиздаги хоҳлаган китоб магазинига кирсангиз, совуқ қурол кўтариб «хоҳласам, сениям отиб ташлайман» дегандек хўмрайган қотиллар, ноз-карашма билан кўзини сузиб турган ярим ялонғоч аёлларнинг сурати ишланган қатор-қатор роману қиссаларга дуч келасиз. Роман ёзиш шу қадар модага айланиб кетдики, айрим «ёзарманлар» битта ном остида 5-6 та китоб чиқариб, «роман-сериал» деган атама билан бозорни тўлдирмоқдалар. Уларни кўриб, «бу ёзувчи ухламай, дам олмай, фақат роман ёзар экан-да!» деб ўйлайсиз. Афсуски, «роман» деган мўътабар атама остида эълон қилинган бундай китобларда ўқувчини ўйга толдирадиган жиддий муаммо ҳам, ҳаяжонга соладиган кескин қарама-қаршиликлар ҳам, ибрат олса ёки жирканса бўладиган ҳарактерлар ҳам учрамайди. Унутмаслик керакки, роман ҳар хил майда-чуйда майллар ва ўткинчи ҳою ҳаваслардан холи жанрдир. Ёзувчининг ғоявий нияти асар организмга, ҳарактерлар вужудига, қаҳрамонлар руҳиятига, унда қўлланилган ҳар бир детал моҳиятига сингиб кетиши зарур. Зеро, буюк авар шоири Р.Ҳамзатов айтганидек, «Ғоя бу тоғдаги тошдан-тошга урилиб сачраган сув эмас, у кўзга кўринмасдан тупроқни намлантириб, илдизлари орқали дарахтларни озиқлантирувчи сув»дир.

Дастлаб, шуни таъкидлашни истардимки, ёзилган асар «роман» бўлиши учун унинг зиммасига маълум бир ижтимоий юк ортилиши шарт. Чунки роман жанр сифатида мамлакат ва халқ ҳаётида рўй берган муҳим инқилобий ҳоди-

сани тасвирлашга масъулдир. Афсуски, ҳозир яратилаётган «роман»ларнинг аксарияти ана шу фазилатдан маҳрум.

Устоз адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов умри сўнггида ёза бошлаган, аммо бетоблиги сабабли тўла тугалланмай, қайта ишланмай қолган «Осий банда» романининг китоб ҳолида чоп этилиши ўқувчиларни гоёқ кувонтирди. Дастлабки парчалари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилингандаёқ бу асар адабий жамоатчилик ҳамда ўқувчилар томонидан қизгин кутиб олинган ва юқори баҳоланган эди. Чунки ушбу роман Одил Ёқубов услубига хос шафқатсиз реализмнинг янада такомиллашганидан, жамият иллатларининг туб илдизларини реал фактлар ва далилларга асосланган ҳолда, фош этилиши жиҳатидан санъаткорнинг машҳур «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романларига қараганда бир неча поғона юксакликка кўтарилганидан далолат беради. Адиб ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек халқи бошига маломат тоши бўлиб ёғилган пахта яккаҳокимлигининг фожиали оқибатларини, «пахта иши»ни вужудга келтирган қабих сиёсатнинг туб илдизларини 50–60-йиллар воқеалари билан боғлаган ҳолда реал образлар воситасида очиб ташлайди.

Маълум бўлишича, романнинг атиги 16 боби ёзиб бўлинган экан, холос. Аммо шу бобларда тасвирланган воқеалар ҳам ли адибнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Муаллифнинг асосий фикри асл исми Бобоҳон бўлган, талбиркорлиги ва тажрибаси билан Саркор номини олган машҳур раиснинг нуқтаи назари ҳамда ўй-мулоҳазалари орқали илгари сурилади. Ёзувчи томонидан шартли маънода «Катта пахтакор», «Кичик пахтакор», «Дудуқ пошшо», «Кўзойнак», «Ота» ва бошқа номлар остида кимлар назарда тутилганини ўша давр воқеаларидан яхши хабардор бўлган ўқувчилар яққол сезиб туради. Роман воқеалари авжи кульминацион нуқтага чиққан пайтда чала қолган. Изтироб исканжасида озиб, қорайиб, хасталаниб қолган Ота (Ўзбекистон раҳбари) тун ярмида Москвадан Кўзойнак раҳбарнинг дағдага билан республикага беш юзта терговчи жўнатганини айтга-

нида, ўзини тутолмай, «креслосига йиқилди, йиқиларкан, дир-дир титраётган кўлидаги телефон полга тушиб кетди». Бундан қаттиқ таъсирланиб уйига қайтган Саркорни эса, ўша куни ярим кечада «Юзларига ниқоб кийиб олган. Кўрган одам даҳшатга тушади»ган одамлар уйига бостириб кириб, уни «чалиб йиқитдилар-у, оёқ-кўлларига кишан солиб, судраб олиб чиқиб кетишди». Бундан кейинги воқеалар янада даҳшатлироқ эканлигини тарих тасдиқлайди. Афсуски, бевақт ўлим ёзувчи қалами билан яратилажак бундай таъсирчан лавҳалардан ўқувчини бенасиб этди. Таниқли адиб Одил Ёқубовни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ўзининг доимий мавзуси ва услубига содиқ қолиб, қиморбозлар, ўғрилар ва наркомафиозлар фаолияти ҳақида бир неча китобга мўлжалланган «Самум» романини эълон қилди. Маънавий-ахлоқий муаммолар асосий мавқени эгаллаган бу романда ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Бўрон, Ўлат, Фирромларнинг ҳаётига оид биографик маълумотлар, ҳатто детектив унсурлар ҳам учрайди. Ёзувчининг мақсади «китобхонни жиноятчилар оламининг турли зулмлари билан таништиришгина эмас», балки шулар тузоғига билиб-билмай илиниб қолаётган одамлар, асосан, ёшларни хушёрликка чорлаш, «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади» деб огоҳлантиришдан иборатдир.

Асарга киритилган ҳар бир персонаж ўз ўрни, мавқеи, тақдирига эга бўлиб, уларнинг биронтаси ҳам ўйиндан ташқарида қолмайди, роман мазмунини тўлдириб, сюжет чиқиқларини бир-бири билан мустаҳкам пайвандлашга хизмат қилади. Гарчи романнинг биринчи китоби жиноятчи гуруҳнинг фош этилиши билан тугаса-да, кўлга тушган Бўроннинг ишонч билан «бўрон тинишга тинади-ю, кўп ўтмай яна бош кўтаради...». дейиши воқеаларнинг кейинги китобларда янада кескинроқ, шиддатлироқ ривожланишига туртки беради. Шунингдек, айрим персонажлар фаолияти ва кемтик қолган тақдиридан кўнгли тўлмаган ўқувчи навбатдаги китоблардан маълумот олишга умидвор бўлади.

Ўзининг кўплаб ҳикоя ва қиссалари билан китобхонлар ҳамда адабий жамоатчилик эътиборини қозонган ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев «Банкир» романида бозор иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлмиш банк тизимининг шаклланиши ва бу борадаги мураккабликларни, ўзаро рақобат ва жиноятчилик илдизларини қаламга олади. Беш қисмдан ташкил топган роман воқеалари ретроспектив баён асосига қурилган. Роман аввалида 55 ёшга кириши муносабати билан ўринбосари Абдужаббор Маннопов ҳамда бўлим бошлиқлари ташаббуси билан уюштирилган тантанали зиёфатда заҳарланиб, зудлик билан шаҳар шифохонасига олиб келинган Толибжон Бакировнинг қандай қилиб бугун вилоятда ҳамма танийдиган йирик банкир даражасига кўтарилиши кейинги қисмларда хронологик йўналишда ҳикоя қилинади. Толибжоннинг заҳарланиши баҳонасида муаллиф халқ хўжалигининг икки муҳим соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликларни таҳлил доирасига тортади. Бу банк ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзига хос ислохотлар ва ўзаро рақобат масаласидир. Шу муносабат билан роман воқеалари силсиласига Муртазо Йўлбарсов, Мўминжон, шахсий шифокори Жамол Азизов, Чандиқ сингари янги персонажлар қўшилади ва улар билан бирга жиддий тўқнашувлар, муҳим муаммолар кириб келади.

Бироқ айнан мана шу усулни қўллашда А.Йўлдошевнинг романнавислик тажрибаси етишмаслиги сезилиб қолади. Масалан, романнинг 2-бўлимидан бошлаб Толибжоннинг ашаддий рақиби Муртазо Бўрибоевич Йўлбарсов (асли Тулкибоев эди) тўғрисида гап кетади. У билан боғлиқ ҳолда сюжет линиялари ва макон ҳам кенгайиб, воқеалар Россия ҳудудига кўчади, бу ердаги мафиялараро курашлар ифодаланади. Аммо Толибжон Бакиров ва у билан боғлиқ воқеалар тизими Муртазо-Самандар, Муртазо-Чандиқ, Чандиқ-Айван бетон, Айван бетон-Медведь-Чандиқлар ўртасидаги муносабатлар, қарама-қаршилиқлар соясида қолиб кетади. Ўқувчи Бакиров-Йўлбарсов ўртасидаги конфликт биринчи бўлим воқеалари билан боғланармикан, Толибжоннинг заҳарланиши ёки унга туҳфа қилинган шахматни тайёрлашда Муртазо гуруҳининг

қўли бормикан деган хаёлга боради. Бироқ унинг умиди пучга чиқади, чунки на униси, на буниси Муртазо Йўлбарсовнинг иши эмас. Аксинча, унинг тириклигида очиқ курашга ботинмаган Муртазо рақибининг ўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, талвасага тушади, у гўрида ҳам тинч ётмаслиги керак деб, Чандиққа қабрдан чиқариб ташлашни буюради. Найранг ва зўравонлик билан заводнинг банк ҳисобидаги акцияларини қайтариб олади. Банкирнинг қизи Нозиманинг таҳқириланишини акс эттирувчи суратлар ҳамда видео-тасмаларни тарқатади. Муртазонинг рақиб ҳаётлигида эмас, балки ўлиmidан кейин курашни авж олдириши конфликтнинг бироз сустлашувига олиб келади.

Абдуқаюм Йўлдошев роман воқеаларини ҳикоя қилишда киносценарий жанри усулига кўпроқ мурожаат қилганлиги сезилади. Эпизодларнинг тез-тез ўрин алмашиб туриши, қаҳрамонларнинг воқелик доирасидаги иштирокини романга хос батафсилроқ тасвирлаш, руҳий кечинмаларини чуқурроқ очиш ўрнига, уларнинг қисқа диалоглари ва хатти-ҳаракатларини кўрсатишга эътибор қаратиши шундан далолат беради. Аслида, Толибжоннинг ўз ичидаги душманлари – ўринбосари Маннонов, бўлим бошлиғи Музаффарлар томонидан заҳарланиши романининг ички-коллизияли конфликтини янада шиддатли ривожлантиришга имконият яратарди. Аммо бу қарама-қаршилик осонгина ечим топади. Шунингдек, Толибжоннинг «вилоятда таниқли одам»га айланиши йўлида бошидан кечирган воқеалар ҳам, таниқли одамга айлангандан кейин банк манфаати йўлида айрим кишиларни шафқатсизларча жазолаши, нотўғрилиги кўриниб турган ишларни адолатли ҳал этиш ўрнига, юзсизларча иш тутиши худди кино ленталаридаги сингари лип-лип этиб ўтиб кетади. Роман жанри эса, уларни батафсилроқ тасвирлашни талаб қилади.

Ёзувчи Асад Дилмуроднинг «Ранг ва меҳвар» романи ўзини мутахассис деб билган юксак савияли китобхонни ҳам тишини тишига босиб, сабр-тоқат билан ўқишга мажбур қилади. Асардаги узундан-узоқ жумлалар, бир-бирини рад этувчи

хотиралар синигидан таркиб топган манзаралар айқаш-уйқашлиги билан унинг сабр косасини тўлдиради. Шу азобга чидаса ва мутолаадан сўнг дупписини олиб қўйиб, узоқ ўйласа, хаёлида қуйидагича манзара жонланса ажабмас: асар воқеалари марказида «*ҳар неки кўрган-кечирганини мойбўёқ билан матода зарблаш ва жувонмарг кетган қавмдошлари арвоҳини шод этишга бел боғла*»ган мусаввир Комрон Вали туради ва барча ҳодисалар унинг хаёлида кечади. Романнинг мураккаб қурилмага, стилистик номукамалликка эга, ўзига хос асар эканлигини журнал вариантга шарҳ ёзган профессор Қ.Йўлдошев ҳам алоҳида қайд этган. Унинг ёзишича, «ушбу роман бадиий асар ҳақида бизда шаклланган одадий тушунча ва тасаввурларга унчалик мос келмайди».

Чиндан ҳам шундай. Назаримда, Асад Дилмурод бу асари структурасини лойиҳаланида бундан 15 йил олдин айтган қуйидаги фикрларига амалга қилган: «Адабиёт тили - рамзий тил, тимсолий тил. Мажозий йўсин билан сўзлаганда бадиий ижод танланган мавзу моҳиятини, аниқроғи, руҳ драмасини чуқурроқ очади. Адабиёт мажоз тили билан сўзлай бошласа, руҳият драмасини, инсон қалбини теранроқ очиш учун кенг имкониятларга эга бўлади». Ёзувчи айнан ана шу романида эл-юрт бошидан ўтказган фожеий ва ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларни тўла равишда мажозий тилда ҳикоя қилишга эришган («Фано даштидаги қуш» романида бу истагини қисман амалга ошира олган эди). Одатда, бу усулда ҳикоя қилинган асарларда ўтмиш билан бугун, фано билан бақо, хаёлот ва реаллик, замон ва макон бир нуқтада – персонаж онгида бирлашади ва бир пайтнинг ўзида ҳаракатланаверади. «Ранг ва меҳвар» романида шундай структурал марказни Комрон Вали образи бажаради. Ўқувчи унинг қалб драмаси орқали ижтимоий ҳаётда, айниқса, тасвирий санъат соҳасида рўй бераётган тартибсизликлар, корчалонлик каби иллатлардан хабардор бўлади.

Комрон Вали мусаввир сифатида ниҳоятда кўп режа ҳамда орзулар билан яшайди. У биринчи галда ўзи ва ота-бобоси мансуб бўлган Олажуз қавмининг бошидан кечган мудҳиш

фожиа – сув тошқини оқибатида рўй берган қурбонлар манзарасини акс эттиришни истайди. Айни чоғда унинг хаёлини «Калхат», «Хулкар», «Ҳомила» деб номланган картиналарнинг хомаки лойиҳаси ҳам банд этган. Уларнинг ҳар бирида рассомнинг қалбини безовта қилган иллатлар (масалан, «Калхат»да олчоқлик, зўравонлик, мутгаҳамлик, беписандлик Тўра ва Носир Охунлар, ахлоқсизлик Санам, лаганбардорлик Тарвуз домла, лоқайдлик ва бепарволик Азлар Ниёз, Зокир Фиёсийлар тимсолида), аксинча, инсоннинг ўз касбига меҳр ва садоқати, буюк эътиқоди устози Мерган («Хулкар»да) қиёфасида намоён бўлади.

Бинобарин, бу манзаралар ёзувчи Асад Дилмуроднинг рамзий тимсоллар орқали илгари сурмоқчи бўлган асосий ғояси, муҳим фикри бўлиб, роман структурасининг бош меҳвари – ўқ томири вазифасини бажаради. Яъни матношти мазмундан аниқланишича, ҳар бир ижодкор қайси санъат турига мансуб бўлишидан қатъий назар, кечаги кунидан, илдиизидан ажралиб қолмаслиги керак. Комрон Валининг Садаф чорбоғида учратган донишманд чол (Румий тимсоли), Машраб ғазалларидан ранг ва оҳанг излаш истаги ана шу анъаналар белгиси сифатида намоён бўлади. Аслида, романнинг сиртдан қараганда сезилмайдигандек кўринган бош конфликтни ҳам ҳақиқий, халқчил, реал, ўз илдиизига эга бўлган санъат билан сохта, сунъий санъат ўртасидаги ички кураш асосига қурилган.

Менимча, ушбу роман адабиётшунос Қ.Йўлдошев айтганидек, «ифода интизоми ва қурилиш архитектуроникасига кўра, Ф.Кафканинг машҳур «Жараён»ига» эмас, балки Ж. Жойснинг «Улисс» романига яқинроқ туради. Баён қилиш усули баайни «Улисс»даги сингари тартибсиз, хаёл ва қарашлар парчаларидан иборат. Комрон Вали ҳам худди Дублин кўчаларини саргашта кезаётган Леополд Блум ёки «ўйчан, эҳтиросли, Ҳамлет каби фикри ёниқ – шоир йигит Стивен Дедал каби» (И.Фафуров) чексиз ҳаётин таассуротлар, ҳеч қаерга сиздириб бўлмайдиган тасаввурлар, сезгилар, туйғулар, кечинмалар, нафрат, қайғу, тушкунлик оқими ичида яшайди.

Уни бир пайтнинг ўзида ёшлигида қишлоғида рўй берган сув тошқини, Тўра ва Носир Охунларнинг куни кеча амалга оширган қалбаки қилмишлари, одам танламайдиган Санамнинг ахлоқий бузуқликлари, ўзи яратаётган картиналар завқи, улардаги рангларнинг сеҳри ва лаззати, гоҳ у, гоҳ бу муносабат билан уюштирилган зиёфатларда қалаҳларни тўлдириб-тўлдириб, тўйгунча ичиб олиши-ю, бир неча кун қарахт бўлиб юриши, санъат кўргазмаларида ҳамкасблари асарларини томоша ва таҳлил қилаётган мусаввир сифатидаги ўйлари қамраб олаверади. Шунинг учун ҳам, асардаги матнлар бири-бири билан боғланмагандек туйилади. Ҳикоячи хотирасида жонланган воқеа-ҳодисани ўша пайтнинг ўзида кўзига кўринган бошқа нарса эгаллайди. Аслида, бу инсонга хос хусусият, унинг онги шу қадар бетийиққи, оний лаҳзанинг ўзида бошқа бир номаълум қитъага сайр этиши, космосга учиши ёки узоқ ўтмишда юз берган воқеани эслаши мумкин. Санъаткорнинг вазифаси улар ичидан асари учун асос қилиб олинган муаммога тегишлисини, энг мақбулини танлаб олишдан иборатдир. «Ранг ва меҳвар»да эса, бир-бирига дахли бўлмаган парчалар, такрорлар кўпайиб кетгандек туйилади.

«Гўрўғли», талай ҳикоялари ва қиссалари билан танилган Назар Эшонқулнинг биринчи романи ҳисобланади. Муаллифнинг изоҳлашича, асар ўтган асрнинг 90-йилларида ёзиб тугалланган. Роман «инсоннинг тириклиги ва мавжудлигини тан олмаган, инсонийлик шаъни ва ғурурини хўрлаш ва ҳақоратлаш эвазига яшаган ўша мустабид тузум» (Н.Эшонқул) суратини акслантиради. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonидан эпиграф қилиб олинган

*«Айтсам етгаймикан, энажон, зорим,
Юракда ғамим кўп, ичда зангларим»*

— сатрлари ёзувчининг ғоявий ниятини тушуниш учун калит вазифасини бажаради. Арз қилувчининг «энажони» - мустабид Шўро жамияти аллақачон қариб, қар ва кўр ҳолига келганлиги, «бола»сининг зорини эшитишга, ғамига даво топиб, ичидаги зангларини артишга қурби етмай қолганлиги

аниқ кўринади. Унинг арзини ҳеч ким тингламайди, тинглашни истамайди ҳам. Натижада, юрагида тўпланган ғамлар занглаб, Н.ни ҳам маънан, ҳам жисмонан ўлим сари етаклайди.

Н. бошидан кечирган воқеалар «хукми сўзсиз бажариш керак. Топшириқни бажариш биз учун қонун» бўлган Шўро даври сиёсатининг бадиий кўзгусидир. Шу қонун ҳукм сурган жамиятда Н.нинг энг катта хатоси ўзи учун «шарт бўлмаган нарсани (яъни ўзининг тирик эканлигини-И.С.) исботлашга» уринганлигидир. Ҳа, чиндан ҳам, «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган сохта шиор билан халқини алдаган Шўро ҳукумати учун тириклар эмас, «Ўлик жонлар» керак эди. Н. билан қабристон гўркови ўртасидаги диалогда романнинг яна бир яширин ғояси юз очади: «Сизнинг энг катта хатонгиз шарт бўлмаган нарсани исботламоқчи бўлганингизда! — деди гўрков бамайлихотир. — Сиз курашни нотўғри танладингиз! Муҳими, сиз мен тирикман деб даво қилгансиз, барча далиллар сизга қарши эди, натижада, сизнинг даъвонгиз исбот этилмади. Сиз тирикман деб нимага эришдингиз?»

Роман том маънода абсурд ғоясига — яшаида маъни йўқ деган фикр асосига қурилган. Худди Сизиф юмалоқ тошни тепаликка олиб чиқиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга уринаётгани сингари Н. ҳам маҳкамаларга қатнаб тириклигини исботламоқчи бўлади. Бундан умидвор, бироқ у мансуб бўлган жамият одамнинг ҳақлигини тан олгиси келмайди. Асарни ўқир эканмиз, хаёлимизга беихтиёр Ф.Кафканинг «Жараён» романи келади. Қаҳрамонлар исмининг бош ҳарф билан белгиланишидан тортиб, уларнинг ёшигача, ўз гуноҳсизлигини исботлаш учун югуриб-елишларигача, аммо ҳақ эканлигини амалда исботлай олмай, руҳан азобланиб, ўлиб кетишларигача бир-бирига ўхшайди. Хуллас, иккала романни ёнма-ён кўйиб ўқисангиз, бир хил тақдирга эга бўлган эгизакларга дуч келгандек бўласиз. Асарлар бошланишидаёқ Йозеф К.нинг ҳибсга олиниши-ю, Н.нинг дастлаб раҳбар қабулига чақирилганлиги, кейин фожиали ўлими ҳақидаги хабардан тортиб, ўлимигача бўлган жараён айнан бир хил давом этади.

Иккови ҳам кимлардир томонидан кузатиб юрилганини ҳис қиладилар ва атрофидагилардан «бирон-бир фикр юритишдан тийилиб юринг» деб танбеҳ эшитадилар. Ҳар иккисига ҳам художўй кишилар (Йозеф К.га руҳоний, Н.га гўрков) тегишли маслаҳат берадилар. Булар шунчаки ўхшашликми, тақлидми ёки ижодий таъсир натижасими?

Ўтган йили иккита биографик роман яратилди. Булар Н.Каримовнинг «Миртемир» ва О.Ҳайитнинг «Аросатлар ороли» деб аталган асарлари бўлиб, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Маърифий-биографик роман яратишда катта тажрибага эга бўлган профессор Наим Каримов (олимпнинг Чўлпон, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода ҳақидаги романларини эсланг) ўзбек адабиётининг энг садоқатли, энг ҳокисор вакили Миртемирнинг монументал қиёфасини ҳам адабиётшунос, ҳам тарихчи, ҳам этнограф, ҳам психолог сифатида мукамал чизиб бера олади. Бироқ О.Ҳайитнинг асари тўғрисида илиқ фикр билдиришдан ожизмиз. Одатда, маълум бир шахснинг (у тарихийми ёки тўқима бўладими) асос қилиб олинган асарда киши ҳаётидаги муҳим ва ибратли саҳифалар саралаб олиниши, бадийлик қонуниятларига мос равишда ифодаланиши талаб этилади. Инсон ҳаётида нималар рўй бермайди дейсиз? Уларни иложи борича умумлантириш, энг муҳимларини танлаб олиш ёзувчи қобилиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, «Аросатлар ороли» ўқувчида нохуш таассуротлар қолдиради. Гап шундаки, ёзувчи ёшлигидан кўп қийинчилик, яхши ва ёмон одамларни кўрган, ҳарбий хизматни ўтаб келган 24-25 ёшдаги журналистнинг ҳаёт йўлини акс эттиришни ният қилган бўлса-да, унинг Қодиржон исмли қаҳрамони бутун асар давомида мондали бир иш қилолмайди. Ваҳоланки, у туғиб қолган аросатлар ороли жудаям мураккаб эмасди. Бу йигит ким нима деса ишонаверади, қаёққа етакласа кетаверади ва ҳеч нарсага қодир эмаслиги билан ўқувчини хафа қилади. Аслида, у бошидан кечирган воқеалар шу қадар ўткинчи, шу қадар номуҳимки, улар олдида додираб қолган Қодиржоннинг аҳволига ачиниб кетасиз. Бу асар шунчаки воқеалар баёнидан иборат бўлиб қолган.

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан кейин тарихимизга муносабат тубдан ўзгарди. Шу пайтгача қора бўёқ билан чапланган тарих саҳифаларидан нур ва ҳақиқатни излашга эътибор кучайди. Достонлар, драмалар, қисса ва ҳикоялардан ташқари, ҳар йили тарихий мавзуда ёзилган талай романлар дунёга келаётганлиги ана шу саъи ҳаракатнинг самарасидир. Бу табиий ҳол ва тарихимиз нечоғлик кўп ёритилса, келажагимиз шунчалик равшан бўлади. Шунга қарамай, ҳали халқимиз тарихида «очилмаган қўриқ»лар жуда кўп ва улар ўзлаштирилишини интизорлик билан кутиб турибди.

Ана шундай очилмаган қўриқлардан бири Туркистон ўлкасининг Шайх ул-машойихи, ислом дунёсига маълум ва машҳур бўлган улуғ зот Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг фаолияти эди. Замонавий мавзудаги кўплаб қиссалари ва «Аваз» номли тарихий романи билан адабиётимизга муносиб ҳисса қўшган адиб Саъдулла Сиёев ўтган йили чорак аср давомида изланиб, ниҳоясига етказган тарихий роман-дилогиясини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиш билан бўшлиқни тўлдирди. Аҳмад Яссавий дунёга келган тупроқда вояга етган ва унинг руҳий оламини бақадри имкон ҳис қила олган адиб Саъдулла Сиёев ўз асари учун улуғ шайх фаолиятининг ер остига кириш олдидаги бир неча йиллик тифиз даврини асос қилиб олади. Мана шу қисқа муддат ичида рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳам ҳазратнинг ҳаловатсиз ўтган умрига баҳо беришга арзигулик эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Аслида, ушбу романнинг биринчи китоби янги аср бошларида «Яссавийнинг сўнгги сафари» номи билан эълон қилинганди. Шундан сўнг иккинчи китоб устида адиб ўн йилдан ортиқ ишлади. «Она юрт шамоллари» деб номланган иккинчи китоб ҳаж сафарига кетаётган ҳазратнинг йўл-йўлакай садоқатли муриди Султон Санжар ҳукмронлик қилаётган Марв мамлакати аҳолисини ўлат балосидан қутқаргач, ҳаж савобини олгани ҳақидаги Оллоҳдан келган ваҳий туфайли Туркистонга қайтишидан бошланади. Ёзув-

чи ислом дунёсининг буюк устуни бўлган Яссавийнинг рухият оламини яхши ўзлаштирган. Агар Шайх ул-раис нафс ва манфаат, зулм ва жаҳолат бандаларига кескин, газабнок қиёфада муносабатда бўлса, мискину ғарибларга, чин кўнгилдан ибодат қилишни истаганларга, ким бўлмасин, самимият ва хайрихоҳлик билдиради. Атиги, 9 бобдан иборат бўлган иккинчи китобда (биринчи китоби 27 бобдан ташкил топган) муаллиф Ватанига ошиқаётган Шайхни юртида «туҳмату маломат, сирру синоат ва... айрилиқ азоби кутиб» тураётганлигига ишора қилади. Чиндан ҳам, туҳматчи Ашрафхон қози яна ифвогарлик йўлига ўтиб, Шайхни фош қилмоқчи бўлади. Бироқ худди биринчи китобдаги Шаҳобиддин қори сингари шармандаи шармисор бўлади. Фақат ёзувчи Аҳмад Яссавийнинг ҳақлигини исботлаш мақсадида ҳар икки китобда ҳам конфликтнинг бир хил усулидан фойдаланганлиги ўқувчини бироз ажаблантиради. Чунки ҳаммаслаги Шаҳобиддин бошига тушган кўргуликдан хабардор бўла туриб, Ашрафхон қозининг Шайхга қарши яна шундай усул билан курашга чиқиши кутилган бадиий эффектни беролмаган. Шу билан бирга, С.Сиёев Яссавийнинг кароматпеша авлиё эканлигини мавжуд ривоятлар, ҳикоятлар ёрдамида янада бойитганида, шубҳасиз, асар ютган бўларди. Умуман, иккинчи китобда Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-руҳий, маърифий-ижодий фаолияти доирасини бирмунча кенгайтириш имкониятлари мавжудлиги сезилиб турибди. Масалан, Аҳмад Яссавий яшаган даврда қорахонийлар билан қорахитойлар ўртасида жиддий қонли тўқнашувлар, келишмовчиликлар рўй берганлиги ва бундан оддий халқ катта жафо кўрганлиги тарихдан маълум. Албатта, бундай воқеалардан Яссавий ҳазратлари четда қолмаган ва ўз шеърлари орқали муносабатини билдириш билангина чекланмай, йирик арбоб, дин пешвоси сифатида зolim ва тахтпараст хонларнинг қилмишларига қарши амалий кураш ҳам олиб борган. Бироқ муаллиф улардан фойдаланишни истамагандек таассурот қолади.

Таниқли адиб Комил Аваз «Созанда» романида ўзбек бадий адабиёти тарихида биринчи бўлиб, шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз образини яратишга қўл урди. Энг муҳими, К.Аваз бу қаҳрамонининг сурати ва сийратини бевосита эмас, билвосита очиш усулини танлайди. Хон кўпроқ ўзгаларнинг нигоҳи ва нуқтаи назари орқали тасвирланади. Асосий эътиборини эса, муаллиф Хоразм қўшиқчилиги тарихи, унинг бардавом бўлишига муносиб ҳисса қўшган халқ ҳофизларининг фаолиятини акс эттиришга қаратади. Роман маънан покланиш воситаси ва руҳият озукаси бўлган соз ва илоҳий касб эгаси созанда ҳақидадир. Бу ниятини ифодалаш учун адиб Хоразм тарихининг XX аср бошидан 50-йилларгача бўлган бўлган энг мураккаб даврини қаламга олган.

Воқеалар марказида полвон, созанда ва хонанда, покиза ниятли Қутлугмурод, шахсий манфаатига эришиш йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган Матмурод ҳофиз (Матти мутрик), қатъиятли устоз Абдирим банги, гўзал ва ишонувчан қиз Қамарсултон ҳамда унинг ота-оналари образлари туради. Энг муҳими, К.Аваз баёнда ўзини эркин ҳис қилади, асар баёни структурасига хоразмча шевага оид сўз ва ибораларни мўл-кўл олиб киради. Фақат мана шу жараёнда муаллиф ўзини луғат тузувчи эмас, балки санъаткор эканлигини унутмаслигини эслатиб ўтишни лозим топаман.

Ҳаким Сатторийнинг уруш ва урушдан кейинги оғирдан-оғир йиллардаги воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Соғинч» романи асосан фарзанднинг она олдидаги бурчи, масъулияти, унга бўлган соғинчини ифодалашдан иборат. Бу бадий ниятини амалга ошириш учун ёзувчи асари структурасини уч қатлам асосига қуришга уринади. Биринчи қатлам воқелик асосига қурилган ҳаётини учлик бўлиб, *қишлоқ — она-фарзанд* муносабатлари атрофида кечади. Иккинчи қатлам *тоғлик қишлоқ Тошқўрғон* — шу қишлоқ аҳолиси кўчирилган чўлдаги янги қишлоқ — на у, на бу маконга сиғиб, шаҳарга интилаётган ёш авлод тақдирини акс эттирувчи *Макон учлиги*. Муаллиф мана шу қат-

ламларда ҳаракат қилаётган персонажларнинг *кечаги* — *бу-гунги* — *эртанги* қиёфасини тасвирлаш учун замон учлиги-га мурожаат қилади. Бу учлик омиллар, ўз навбатида, баён манерасини *хотира* — *тасаввур* — *орзу* учлиги шаклида олиб боришга имкон яратади. Баён услубининг бу уч хил кўри-ниши ўз навбатида *ахборот* — *таърифлаш* — *кузатиш* воси-тасида амалга оширилади.

Бироқ романда ахборот ҳаддан зиёд кўпайиб, ўқувчини зериктириш даражасига етади. Айрим ўринларда бадий тасвирдан кўра илмий тафаккур устун келганлиги сезилиб қолган. Ёзувчи Тошқўрғон қишлоғи тарихини илмий ман-балар, одамлардан эшитган воқеалар асосида таърифлаш-дан чарчамайди. Натижада, асарда адиб ўзи ният қилган-дек «муфассаллик» эмас, балки ортиқча шарҳлаш вужудга келади. Шу билан бирга, муаллиф ва персонажлар нутқида талай услубий ғализликлар, келишик қўшимчаларини ноў-рин қўллаш, ким ҳақида гап кетаётганлигини англаб етиш қийин бўлган ҳолатлар кўп учрайди. Романда макон кате-горияси ҳам мавҳумроқ акс этган.

Юқоридагидек, учлик Б.Худойбергановнинг «Аёл армо-ни» романида қаҳрамонлар тимсолида намоён бўлади. Унда олий ўқув юртини тамомлаб, оиласига қайтган уч қизнинг уч хил тақдири уч бўлимда ҳикоя қилинади. Роман ғояси қизлик шаъни, номусини асраш — бахт ва миллий бойлик деган фикр асосига қурилган. Турсуной билан Шахло ўйла-май босган қалтис қадамлари туфайли бир умр армонда яшайдилар. Фарангиз эса, сабр-тоқат билан «тош келса — кемириб, сув келса — симириб», ёмонларнинг ҳам таҳси-нига сазовор бўлади. Ҳар учовининг қисматида оиладаги муҳит, айниқса, она асосий рол ўйнаганлигига алоҳида урғу берилади. Бу турли тақдирларни тасвирлаш жараёнида ёзув-чи даврнинг долзарб муаммоларидан бири — одам савдоси билан шуғулланаётган шахсларнинг манфур қиёфасини ҳам очиб ташлайди.

Хуллас, 2012 йилда яратилган романлар воқеликни баён қилиш ва образлар талқинига кўра анъанавий ҳамда но-

анъанавий усулларда битилгани уларнинг шаклан ва мазмунан янгиланиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, муҳим ижтимоий-маънавий муаммоларни кўтариш, уларни йирик характерлар воситасида ўқувчилар шуурига сингдириш санъаткорлар олдидаги муҳим вазифа бўлиб қолаётганлигини унутмаслигимиз лозим.

Диалог ва унинг қурилиши

Бадиий асарнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланган диалог ўзининг мустақил қурилиш тизимига ва қатъий тартиб-қоидаларига эгадир. Диалог муаллиф баёни билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади. У баён таркибини ташкил этишда муҳим рол ўйнайди ва нутқ системасидан холи тарзда мавжуд бўлолмайди. Аксинча, танланган баён типич бадиийлик шартларини бажаришга бўйсундирилади ҳамда диалог билан муайян мутаносибликда ва мослашувда намоён бўлади. У сюжетни ривожлантириш, характерни такомиллаштириш, конфликтни кескинлаштириш, персонажларнинг ички дунёсини мунтазам равишда янада чуқурроқ очишга хизмат қилади. Муаллиф баёнини ташкил этиш, унинг кўлами ва қамровини аниқлаш, таъсирчанлигини ошириш кўп жиҳатдан диалогларни қуриш маҳорати билан белгиланади.

Диалог структурасида нутқнинг ўзига хос ташқи кўринишини сақлаш, персонажларнинг феъл-атвори ҳамда хатти-ҳаракатларини тўла ифодалаш мазмунни тубдан бойитади, унга кўшимча маъно бахш этади. Бошқача айтганда, асарда иштирок этаётган персонаж кечинмаларининг бутун бир йиғиндиси айнан диалогда аён бўлади. Шуни назарда тутган моҳир санъаткорлар ўз асарларида диалогларни бир-бирига боғлаш ёки уларни изчил давом эттириш, мазмунни янги тафсилотлар ҳамда маълумотлар билан бойитиш, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ишонarli тасвирлаш учун персонажларнинг хатти-ҳаракати, жести (оёқ, қўл, лаб орқали имо-ишора қилиш)га алоҳида эътибор берадилар ва улар орқали бир бутун тасвирий-ахборот мажмуини яратишга

эришадилар. Бундай диалог матнларида сўзловчининг характери ва руҳий ҳолатини бевосита муаллиф нутқи ва тасвирий изоҳларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Диалогнинг табиийлигига, аввало, халқ жонли сўзлашув нутқи, маиший турмуш лексикони ва ўзаро мулоқот синтаксиси ёрдамсиз эришиш мумкин эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бадиий асардаги диалог икки ёки ундан ортиқ суҳбатдошнинг шунчаки олди-қочди гапларидан иборат эмас. У ёзувчи томонидан маълум мақсадни кўзлаб берилади. Бунинг учун муаллиф ўзининг ғоявий ниятини ифодалашга хизмат қиладиган сўз ва ибораларни, реплика ва ремаркаларни, одам жести ва мимикасини ифодаловчи сўзларни чуқур ўйлаб ишлатиши керак. Ноўрин қўлланган ҳар бир ибора диалог мазмунига путур етказибгина қолмайди, айтиш чоғда, персонажнинг ўзига хос характерига соя ҳам солади, ички дунёсини қоронғилаштиради ҳам. Шундай экан, диалог зиммасига юкланган жуда кўп вазифалар қаторида энг муҳими қаҳрамонга берилган муаллиф баҳоси билан бирга, унинг нутқи, сўзлаш тарзи ва ўша жараёнда намоён бўладиган қилиқлари, хулқи, ички ва ташқи дунёси тасвирийнинг бир-бирига муносиб бўлиши баёнда катта аҳамият касб этади.

Диалогнинг таъсирчанлигини таъминлайдиган омиллардан бири жестдир. Улуғ рус ёзувчиси А.Толстой таъбири билан айтганда: «Диалог санъати жестни кўришдан бошланади»¹. Персонаж жести эса унинг индивидуал хусусиятларидан бири бўлиб, муаллиф нутқи орқали намоён бўлади. А.Толстой жестнинг икки хилини ажратиб кўрсатади: бири сўз орқали ифодаланган жест, бошқаси сўзсиз жест. Жестнинг биринчиси бевосита муаллиф нутқида сўз билан ифодаланган бўлади. Кейингиси эса, муаллиф ёки персонаж сўзининг тағзаминига яширинган ва ғоятда нозик, илғаб бўлмайдиган даражадаги нафис жестдир. Шу боис-

¹ А.Толстой о литературе и искусстве. М., 1984. Стр. 311–312 (бундан кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан олинди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилди).

дан жестнинг бу туридан ҳамма ёзувчилар ҳам муваффақиятли фойдалана олмайдилар.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳозирча бадиий нутқнинг мазмундорлиги, гўзаллиги, диалогнинг кескинлиги, характернинг ўзига хослигини таъминлашга беминнат кўмаклашувчи жест ҳамда мимикаларнинг асар макроструктурасидаги ўрни ва хизмати алоҳида тадқиқ этилган эмас. Бу омилларга эътибор берган олимлар ҳам, асосан, жест, мимика, ремарка, реплика сингари бадиий нутқ унсурлари кўпроқ драматик асарларга хос деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, диалог структурасида бу компонентларнинг ўз ўрнида ишлатилиши санъаткорнинг маҳоратини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Чиндан ҳам, «адабиёт ўқувчи тасавурида образни сўзлар воситасида гавдалантириш санъати» экан (157), ёзувчи персонажнинг жести ва мимикасини аниқ ифодаловчи ибораларни ўз ўрнида қўллашга алоҳида эътибор бериши зарур. А.Толстой бадиий асарда жест ва мимиканинг ўрни ва ролига юксак баҳо беради. Унинг таъкидлашича, «одам ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳар доим қилиқлари орқали намоён бўлади. Сўз, нутқ эса, бу ҳаракатларни ифодалаб беради» (139).

«Образни сўзлар воситасида гавдалантириш санъати» ни яхши эгаллаб, қаҳрамоннинг жести ва мимикасини аниқ ифодалашга эришаётган маҳоратли ёзувчиларни ўзбек адабиётида ҳам кўплаб учратамиз. Шулардан бири Муроджон Мансуров бўлиб, унинг «Мангу жанг» романида жестнинг юқорида қайд этилган ҳар иккала тури ҳам кўп ва хўб қўлланилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу жестлар шунчаки сўзловчининг хатти-ҳаракатларини тўлдириш, гап оҳангига ишора қилиш учунгина қўлланилмаган. Уларнинг ҳар бири ўз ўрнида характернинг ўзига хос шахсий фазилати ёки иллатини бўрттириб кўрсатиш, вазиятни баҳолаш, сўзловчи ва тингловчининг бир-бирига нисбатан муносабатини аниқлаш ва бошқа кўплаб вазифаларни бажаришга бўйсундирилади. Масалан:

«Шу пайт нақшинкор эшик очилиб, остонада чойхоначилардек елкасига белбоғ ташлаган Яҳё кўринди. У ай-

тилганидан ҳам зиёда қилиб, чойнак-пиёлаларни патнисга қўйиб, ликопчада майиз, новвотлари билан кўтариб кириб келди.

— Хўш, нима гаплар? Топшириқлар нима бўлди? — деди раис *бир қўлини кўксига қўйиб, нимтавозе билан у узатган пиёлани оларкан. Яҳё одати бўйича бир қадам тисарилиб, тик турганча қўл қовуштирди:*

— Омонатингизни етказиб, гапингизни айтдим. Бажонидил, деди.

— Яхши, — Бурхон калта қил, дегандай қўл силтади.

— Яна, райкомдан чопар келди. Кечқурунги соат саккизга Мўмин муаллим билан бюрога бораркансиз. Кейин Ҳожибеков акамлар айттириб юборибдилар. Вақтлироқ бюрога бораётиб уйига учраб ўтаркансиз, ўшанақаси бирга чиқармишсизлар. Ҳозирча шу, — *у нимтавозе билан бош силкиди.*

Бурхон *калласини қийшайтириб, ижирғаниб шифтга қараб қўйди».*²

Кўринадикки, ҳар бир диалог сўз орқали ифодаланган жест билан давом эттирилади. Уларнинг ҳар бири Бурхон билан Яҳё характерига хос хусусиятларни белгиловчи жестлардир. Яҳёнинг ҳар доим қўлларини кўксига қовуштириб мулозамат қилиши, тавозе билан бош силкиши унинг ўтакетган даражада лаганбардорлигини ифодалаш билан бирга, ичидан пишган муғомбир, фақат ўзининг ҳозирию ҳузурини ўйлайдиган маккор кимса эканлигини ҳам кўрсатади.

Бурхон раиснинг қўл силташи Яҳёни мутлақо менсимаслигини, уни ёқтирмаслигини кўрсатса, «калласини қийшайтириб, ижирғаниб шифтга қараб қараб» қўйиши район ижроия комитетининг раиси Ҳожибековнинг нағмаларидан зерикканлигини, унинг ўпқон нафсини қондиришдан тўйганлигидан ранжиётганлигини англатади.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётида диалог таъсирчанлигини оширадиган жест ва мимикаларнинг инсон хатти-

² Мансуров М. Мангу жанг. — Т.: 1985. 117-бет (бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилди).

ҳаракатлари, айниқса, унинг руҳий ҳолатини очишдаги хизмат доираси кенгайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Ўзбек адаблари ҳам, А.Толстой қайд этганидек, «Жест — нутқнинг асоси» (152) эканлигини амалда исботлашга эришмоқдалар. Ёзувчиларимиз инсон руҳиятини аниқроқ, чуқурроқ очиш учун жестдан калит сифатида унумли фойдаланаётганлигини кўриш мумкин.

Диалог структураси қурилишидаги ўзига хослик унга доимий йўлдош бўлган баъзи қоидалар мажмуасидан чекинишда ҳам кўриняпти. Диалогни таъкил этишга, унинг тузилишига ҳар бир адиб ўзича, асарнинг умумий ғоявий концепциясидан, характер йўналишидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда. Бу жиҳатдан Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Тоғай Муродлар романларидаги диалогларнинг ўзига хос услубий кўринишлари эътиборни тортади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» ва «Тушда кечган умрлар» романларининг биринчиси асосан қаҳрамонлар ҳикояси, иккинчиси бош қаҳрамон Рустамнинг кундалиги ва бошқа персонажларнинг ички нутқи асосига қурилганлигидан улардаги диалогларнинг ҳудудий майдони кенг эмас. Бундай нутқ асосига қурилган асарлардаги диалоглар, одатда, персонажларнинг ўзи иштирок этаётган эпизоддагина рўй беради ва кейин уларнинг ҳаёлида давом этган ички нутқи билан сингишиб кетади. Натижада, персонажларнинг қалбида ҳам диалог давом этади, у китобхонга вазиятни муҳокама қилишда, баҳолашда, улардан хулоса чиқаришда ёрдам беради. Ёзувчи Ў.Ҳошимов мана шу ихчам диалоглар орасида берилган изоҳларда қаҳрамон характерининг муҳим белгиларини, ички оламини очишга ёрдам берадиган жест ва мимикани ифодаловчи сўз ва иборалардан унумли фойдаланади. Бундай ремаркалар (изоҳлар) аслида ўша ҳикоячи ёки диалогда қатнашаётган персонажга тегишли бўлади. Бироқ, синчиклаб қаралса, уларда муаллифнинг овози ҳам аниқ эшитилиб туради. Чунки ҳикоячи-персонажнинг имконияти диалогда бир қадар чек-

ланган бўлади, у фақат ўзи ҳамсухбат бўлаётган кишининг қиёфасини кўриб, унинг аини чоғдаги ҳолатини ифода-лайди, холос. Масалан, «Икки эшик ораси» романининг «Муқаддима ёки энг аввалги боб»ида ўқувчи бутун бир қурувчилар бригадаси жамоаси билан учрашади. Диалогда эса, улардан атиги тўрт киши қатнашади. Булар орасида ҳикоячи Музаффар марказий фигура ҳисобланади. Қолган учовлон унинг ҳузурига келгач, навбати билан диалог ҳосил бўлади. Музаффар улардан ҳар бирининг сўзларини қандай эшитган бўлса, шу ҳолича оқизмай-томизмай ўқувчига ет-казади. Орада ҳамсухбатининг юз, кўз кўринишларида, қўл, оёқ, гавда ҳаракатларида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар бериб боради. Шу маълумотлар мужассамлан-ган иборалардан ўқувчи персонажнинг ташқи қиёфаси-ю, ички дунёсини билиб олаверади. Чунки уларнинг кимлиги ва қандайлиги нутқида ишлатилган лексик, фонетик, син-тактик ва семантик элементлар, гапларнинг грамматик қурилишидан ташқари, ремаркаларда ишлатилган жести ва мимикасидан ҳам билиниб туради.

Қурилиш-монташ бошқармасининг бошлиғи Шавкат Қуд-ратович табиатан мансабпараст, обрўталаб, ишни тез сурь-атлар билан енгил-елпи бажариш ҳисобига мақтов эшитиш-ни истайдиган раҳбар. Бу ўзининг, отасининг исмида ҳам, хатти-ҳаракатлари, жести ва мимикасида ҳам равшан кўри-ниб туради. Ўткир Ҳошимов ҳикоячи томонидан унинг ҳар бир қилиғи, овоз оҳанги, психо-физиологик ҳолатига алоҳи-да эътибор беради. Шавкат Қудратович қўл остидагиларнинг ўзига гап қайтармай, буйруғини сўзсиз бажаришларини хоҳ-лайди, истагига қарши чиқувчиларни ҳар қандай восита би-лан четга суриб ташлашга уринади. Қўйидаги диалогда унинг характериға хос хусусиятлар ўз ифодасини топган:

— «Шавкат Қудратович, ўзингиз биласиз, «Ванночка» фойда қилмайди...

Йўқ! Гапимни эшитгиси ҳам келмади.

— Сиз... Сиз... — деди *лаби титраб*. — Майда одамсиз! Давлат манфаатини ўйламайсиз! Мана шу уйга кўчиб ки-

ришни ўн йилдан бери кутяпган одамлар бор! Оналар, болалар. Иккинчи жаҳон урушининг инвалидлари... Топшириқни бажаринг!

Индамасанг, «сиёсий томон»дан олади!

Яхши! — дедим. — Битта илтимос, «А-1» арматурали панелни монтаж қилиш мумкин, деб ёзиб беринг... Ўз қўлингиз билан...

«Кобра» сесканиб кетди. Ҳатто икки лунжи шишиб кетгандек бўлди.

— Сиз... — деди *вишиллаб*. — Илғор бошқармамининг умуммақсадига атайлаб болта уряпсиз. Кўрамиз, монтажчиларингиз носвойчининг ҳақини олса нима деб сайраб қоларкансиз. Умуман, сиздақа бригадирдан воз кечиш масаласини ўйлаб кўрамиз... фактларимиз етарли...»³

Бутун вужуди билан шон-шухратга интилувчи, сунъий ишлари билан куч-қудратини оширишга интилувчи исми жисмига мос Шавкат Қудратовичнинг нутқида бирин-кетин қўлланилган «сиёсий» иборалар унинг кимлиги ва қандайлигини аниқ кўрсатиб турибди. Буни ўқувчи юқоридаги мисолда курсивга олинган жест ва мимикани ифодаловчи иборалардан ҳам билиб олади. Бошлиқнинг бундай енгил-елпи хатти-ҳаракатларига қарама-қарши ўлароқ, Музаффарнинг хотиржам, босиқлик билан муомаллада бўлиши рақибининг иллатларини янада бўрттириброқ кўрсатишга ёрдам беради.

Сўнги йиллар ўзбек насади намоён бўлаётган жест ва мимикаларнинг вазифаси ва хизмат доирасини қуйидаги аспектларда ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Диалогда иштирок этувчи персонажларнинг нутқий характеристикасини, ташқи қиёфасини, айтиш чоғдаги ички дунёсини ифодалаш;

2. Жест ва мимикани ифодаловчи ибораларнинг диалог билан пайвандлашиш усуллари ҳамда ички тартибини ўрга-

³ Ҳошимов Ў. «Икки эшик ораси». — Т.: 1986. 8-бет (бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилди).

ниш. Бунда муаллиф изоҳи (ремаркаси)нинг диалогни ривожлантиришдаги стилистик роли инобатга олинади. Чунки жест ва мимикага оид сўз ҳамда иборалар, одатда, диалоглар орасидаги муаллиф ремаркасида қўлланилади.

3. Қахрамон жести ва мимикаси зиммасига юкланган ахборотнинг эстетик қимматини ўрганиш, яъни муаллиф илгари сурмоқчи бўлган ғоявий-эстетик ва сюжет-композицион ниятни ўқувчига тўлароқ етказишга кўмаклашадиган бадиий тасвир воситаларининг роли ҳамда уларнинг нутқдаги стилистик ўзига хослигини аниқлаш.

Бадиий нутқда қахрамон ҳолатини кўрсатиш учун, одатда, феъл туркумига оид сўзлар кўпроқ ишлатилади. Бунда персонажнинг жести ёки мимикасини ифодалаш мақсадида инсон организми аъзоларининг бирортаси «ишга солинади». Бу муаллиф комментарийси орқали акс эттириладиган қахрамоннинг ички ҳолатини ҳамда кечинмаларини кенгроқ қамраб олишга ёрдам беради.

Шуниси муҳимки, диалоглардан олдин, орада ёки кейин келган жест ва мимикалар сўзловчининг айни чоғдаги психофизиологик ҳолатини аниқ ва кўримли ифодалашга хизмат қилади. Бу жиҳатдан ёзувчи М.Мансуровнинг «Мангу жанг» романида жест ҳамда мимика хизматидан унумли фойдаланиш маҳоратини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ёзувчи диалогда иштирок этаётган персонаж-суҳбатдошларнинг руҳиятини жест ва мимикалар орқали параллел равишда очишга эришади. Масалан, невараси Жўрадан қишлоқ марказига қўйилаётган ҳайкалнинг ким эканлигини сўраганда, унинг номини эшитгач:

«— Иҳм! — Бурхон чолнинг юзлари буришиб кетди. Ўзи кўзларини чирт юмиб, тишини тишига босганча беҳол инграб юборди» (10–11-бетлар).

Ёки сиртдан дўсту зимдан рақиб бўлган Бурхон тўқис билан Акбар полвон ўртасидаги суҳбатда ҳам адиб ҳар иккала характернинг руҳий ҳолатини жест ва мимикани ифодаловчи сўзларни параллел қўллаш орқали ниҳоятда ишонarli, кескин ҳамда босқичма-босқич тасвирлаб беради.

Ўқувчи яхши билмадики, Бурхон раио амалга инқибоо, шухратпараст, худбин, обруталаб, бошқаларнинг бўйин эгиб туришини ёқтирадиган шахс. Акбар полвон эса, унинг акси т оғир-босиқ, ўвга ишончи катта одам. Бу фазила ва иллатлар уларнинг жести ва мимикасини инфодалашга танланган сўзларда яққол куриниб туради.

«Акбар полвон устига сочиқ ташланган чойшакни унинг олдига суриб қўяркан, кинояли илжайди: (А+1) «Ишонинг мен билан? Ишинг зўр-қура, ўшалар билан ошно тутиниб олган бўлсанг? Айтувдим-а, Бурхоннинг бригадирлари нимасига кучанади деб. Бу ёқда мана бундай ишонган товлари турган эканми: шундан сўраб билмадики, бу кимнинг қўлида, бу Бурхоннинг бароқ қошлари нимирилиб келди-да, зулукдай бир тўлганиб қотди: (Б+1) «Сен билан нимани ёқмоқчи экансан? Сен эртамандан мен билан уришгани келганмисан? Ҳали кесатасан, ҳали пиинг қиласан. Кўкрагингда шунча гап йиғилиб қолган экан-да, а?!» Бурхон зарда билан пийлабдаги чойни селиб ташлаб, унга қовоқ ўйиб қараб қўйди (Б-2) «Мен билан бунаққиб гаплашишга нима ҳақнинг бор?! Айбим бўлоа, шарт-шарт айт, қўй! Пиингга бало борми?!» Раис қандай довзатиб ёнган бўлоа, шутилмаганда шунналик тез дамидан тушиб, юзини ҳовуз помонга ўгириб хўмрайиб ўтириб олди. Акбар полвон пийлани бамайлихатири қўлига олиб, койини хўплаб, қош остидан калта разми солиб қўйиб, уни охиригача ичиб тутатди. Кейин пийланинг гардишидан тутамлаб унинг орқаси билан тиззасини эзиб ташларкан, узоқдан гап бошлади: (А+2) «Сен билан нимани ёқмоқчи экансан?»

— Мен сени тергашга ҳаққим бор ё йўқлиги ўзингга яхши маълум. Агар у қасамлар эскирди, Қодир оламдан ўтиб кетди, сен олдий бир тракторчисан, энди менинг айтганим айтган, деганим-деган, десанг ўзинг биласан. Мен индамай кетавараман. Уволи ҳам, гувоҳи ҳам ўзингга. Лекин шуни яхши билки, бу кетишда узоққа бора олмайсан. Бир кун яққа моховдай четга чиқиб қоласан, ҳақини қетма қетма билмадики, Бурхон раининг ич-ичидан пийлинишга ўрналган бир нарса бостириб келиб батоқатланди: «Мен Қанели халқига нима

ёмонлик қилибманки, бундай дейди, бундай тавқи лаънатни бўйнимга илмоқчи бўлади?» дея *ғазаби қайнади*. (Б-3)

— Айт! Бирма-бир айт! Нима гуноҳ қилиб қўйган эканман?! — У ўзи сезмаган ҳолда, *уришадиган одамдай олдидаги нарсаларни бир четга суриб қўя бошлади* (Б-4).

Акбар эса унинг болаларча жиззакилигидан *кулиб, ияғини силади* (А-3). Бунга сари Бурхон *баттар тутқди* (Б-5):

— Йўқ, сен менга айт! Гуноҳим нима ўзи?

— Кўнглингга олмайсан-а? Большевикчасига, мардона тан оласан-а?

— Оладиганимни оламан... Нима, зўрлаб тан олдирмоқчимисан? — Бурхоннинг қайсарлиги тутиб *ўтирган ерида бир тўлғаниб қўйган эди, ёғоч каровот лопиллаб кетди* (Б-6).

Акбар полвон ҳам энди *жиддийлашди* (А-4).

— Йўқ, сен оғринмай эшитсанг, айтай... Ёки у қасамлар эсингдан чиқдими? Шартимиз қандай эди?

— Яхши-яхши, қулоғим сенда. — Бурхон *истар-истамас қўл қовуштириб, бошини солиштирди* (Б-7)

Акбар полвон *ғаши келиб, овозини хийла пасайтирди*. (А-5)

Шундан кейинги суҳбат давомида Бурхон ўзини туголмай, «*жазавада ўрндан туриб кетиб, кўкрагига муштлади*» (Б-8). Акбар полвон эса, «*кинояли илжайди* (А-6)». «Бурхон *жазавасидан туша олмай жаҳл қилди*» (Б-9). Акбар полвон «*аччиқ устида дастурхонга фотиҳа тортиб, ўрндан тура бошлади*» (А-7).⁴

Узундан-узоқ кўчирилган бу парчада автор ремаркалари орқали роман қаҳрамонларининг сўзлашув жараёнидаги ҳолати босқичма-босқич кўтарилиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Суҳбатдошларнинг нутқи ҳам муаллифнинг ана шу изоҳларини амалда исботлашга хизмат қилдирилади, унда ҳар бирининг характер чизгилари аён бўлади. Масалан, Акбар полвон оғир-босиқ, ўзига ишончи катта. Чунки унинг табиатида амалга ишқибозлик йўқ, ўз ҳаётини ким

⁴ Изоҳ: А — Акбар полвон ҳолатининг, Б — эса, Бурхон тўқис ҳолатининг босқичларини белгиловчи рақамларни англатади.

бўлиши ва қандай ишда ишлашидан қатъий назар, халқига хизмат қилишга тиккан, ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонган одам. Шу боисдан унинг нутқида босиқлик, осойишталик ҳукм суради.

Бурхон тўкис эса амалпараст, худбин, обрўталаб, жиззаки, сабр-тоқатсиз, ховлиқма шахс бўлганлигидан унинг нутқи тизимида ўзини тутолмаслик, ижирғаниш, бақироқлик, нописандлик сезилиб туради. Эътибор берилса, Бурхон тўкис сал нарсага тўлғанади, зарда билан гапиради, бетоқатланади, ғазаби кўзийди, жаҳл билан кўкрагига мушглайди. Акбар полвон эса, аксинча, унинг бу жиззакиларча қилаётган ҳаракатларига зид ўлароқ бамайлихотир гапиради, илжаяди, кулади, жиддийлашиб, босиқлик билан дўстининг айбларини юзига айтади. Охири суҳбатдоши тўғри қабул қилавермагач, чидолмай, аччиқланиб ўрнидан туриб кетади. Шунда ҳам, ёзувчи унинг табиатидаги босиқликни таъкидлаш мақсадида ҳаракатнинг осойишталиги, давомийлигини англатадиган сўзларни қўллайди. Яъни Акбар полвон аччиқланар экан, Бурхон сингари кескин ҳаракат қилмайди, «уришадиган одамдай олдидаги нарсаларни бир четга суриб» ташламайди. Аксинча, миллий одатга кўра, аввал дастурхонга фотиҳа қилади. Шундан кейингина осойишталик билан «ўрнидан тура бошлайди». Мабодо Акбар полвоннинг ҳаракати ҳам тез ва кескин рўй берганида эди, ўқувчи унинг жести ва мимикасига хос қўлланилган юқоридаги олти босқичда ифодаланган изоҳларга ишонмасди. Шунинг учун ҳам, Акбар полвонга дахлдор гапларда савол аломати жуда кам, ундов белгиси эса, умуман учрамайди. Бу полвоннинг юқорида қайд этилган босиқ характерига жуда мос келади. Аксинча, Бурхон тўкис нутқи нуқул сўроқ ва ундов гаплардан иборат. Бу тиниш белгилари ҳам характерларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалашда жест ва мимикага қатта ёрдам берганлигини кўрсатади.

Кўринадики, диалоглар таркибида қўлланиладиган жест ва мимикага оид сўзлар бадий нутқнинг ташқи манераси, персонажлар хатти-ҳаракати, муомаласи, ўзини тута би-

лиши ёки аксинча, жазовага берилиши, хуллас, характери-га хос индивидуал белгиларни кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бундай функциялари мазмунни тубдан бойитади, унга қўшимча маъно бағишлайди. Бундай тасвирий воситалар батафсил бўлмаса-да, диалогни маълум даражада тўлдириб, яхлит тасвирий-ахборот мажмуини вужудга келтиришга ёрдам беради.

Миллийлик ва бадийлик талаблари

Янги аср бошлариданоқ замонавий адабиётшуносликнинг янгича илмий-назарий мезонларини ишлаб чиқиш, ҳозирги адабий жараённи уларга асосланган ҳолда, таҳлил ва тадқиқ этиш зарурлиги кун тартибига қўйилди. Чунки шу пайтгача бадий асарга ёндашиш борасида бир ёқламалик, унинг ички имкониятларини чуқурроқ очиб кўрсатиш борасида биров чекланганлик сезилмоқда эди. Бундай илмий-маърифий эҳтиёж У.Норматов, Н.Каримов, А.Расулов, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, Д.Қуронов, Б.Каримов, У.Ҳамдам сингари таниқли адабиётшуносларнинг мақолалари, монографиялари ва адабий суҳбатларида мунтазам равишда ўртага ташланиб турди. Уларнинг аксариятида ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги биринчи галда, ўзининг кўп асрлик тарих ва тажрибага эга бўлган адабиёт илмининг теран ҳамда барҳаёт илдизларига таяниб, айни чоғда, Фарб адабиётига хос таҳлил усулларини уйғунлаштирган ҳолда, ҳам миллий, ҳам умумжаҳон фани янгиликларига асосланган мезонларни яратиш масаласи илгари сурилди. Масалан, У.Ҳамдамнинг ёзишича, «янги адабиётшуносликнинг битта томири Фарб адабий-эстетик тафаккури тажрибасидан сув ичса, бошқаси Шарқнинг мумтоз поэтикаси булоғидан баҳра олиши шарт». Бу фикрни қўллаб-қувватлаган профессор Н.Раҳимжонов эртанги адабиётшунослик илмининг «назарий тафаккури асосларини янги фалсафий-эстетик ғоялар, нуқтаи назарлар, қарашлар

ҳисобига янада бойитишда Шарқ ва Ғарб, жаҳон классикаси, кеча ва бугун яратилган бетакрор бадиият асос бўлиб хизмат» қилишини таъкидлайди. Бинобарин, узбек адабиётшунослиги илмининг барҳаёт таҳлил усуллари ва мезонларини ривожлантириб, бойитиб, янгича нуқтаи назар ва қарашлар тизимини яратиш пайти келди.

Айниқса, ХХІ асрнинг илк декадасида жамғарилган улкан адабий хирмонни янгиланган илмий-назарий мезонлар асосида таҳлил этиш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Чунки ўтган ўн йилликда шеърят, наср ва драматургия соҳасида жуда салмоқли, жанр нуқтаи назаридан ғоят ранг-баранг хирмон жамғарилди. Ижодкорлар кўнглига келган гапни хоҳлаган шаклга солиб айтишдан, биз, илм аҳли эса, уларга янги жанр атамаларини топиб, мақташдан чарчамаяпмиз. Аммо бу ҳақда илгари сурган мулоҳазаларимиз назарий жиҳатдан нечоғлик асослангани билан ишимиз йўқ.

Адабиётшунос олимнинг илмий тафаккури қанчалик чуқур, ранг-баранг, нуқтаи назари ва қарашлари ўзига хос бўлса, адабиёт илмининг янгиланиш жараёни ҳам шунчалик самарали бўлади. Афсуски, ҳозирги адабий танқид бадиий адабиётдан орқада қолмоқда. Буни тан олгимиз келмаяпти, холос. Назаримда, У.Ҳамдам билан Н.Раҳимжоновнинг ташвиши ҳам шундан. Яратилаётган асарларни холисона баҳолаш, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, китобхонлар савиясини кўтариш, шубҳасиз, адабиёт илмининг қадр-қимматини оширган бўларди. Бунга эришиш учун аввало, адабиётшуносликнинг ўзини ҳаёт кўзгусига солиб кўриш, қиёфасидаги етишмовчиликларни, вужудидаги дангасалик, лоқайдлик, нохолислик қусурларини тез орада тузатиш зарур. Ҳозирги адабиётшуносликда, менимча, иккита муҳим нарса — жасорат ва холислик етишмаётганга ўхшайди. Адабий танқидда ана шундай фазилатларга эга бўлган устозларимиз Озод Шарафиддинов билан Матёқуб Кўшжоновларнинг ўрни жуда билиняпти.

Профессор Н.Раҳимжонов илмий таҳлилда бадиий-эс-

тетик тафаккур самарадорлиги, эртанги кун адабиётшунослигининг салмоғини ошириш кеча ва бугун яратилган асарларни таҳлил этиш тамойилларининг илмий-назарий жиҳатдан асосланишига бевосита боғлиқ эканлигига алоҳида урғу беради. Олимнинг фикрича, ахлоқий покизалик ва ёзувчининг эстетик идеали бадий адабиётнинг бош мезони бўлиши лозим. Буни исботлаш учун муаллиф мулоҳазалари марказига «тоши енгил китоблар нега кўпаймоқда?» деган оғриқли саволни қўяди. Бу савол аслида кўпчилик адабиётшуносларни ўйлантириб келяпти. Бироқ ҳеч ким жасорат билан чиқиб, бундай юки енгил китоблар ва уларнинг муаллифларини номма-ном айтиб, чуқур таҳлил қилиб бергани йўқ. Ҳатто профессор Н.Раҳимжоновнинг ўзи ҳам «тоши енгил китоблар» ёки йилига 4-5 тадан ана шундай асарларни тўқиб ташлаётган «графоман» қаламкашларнинг номини тилга олмайди.

Бундай асарлар адабиётимизнинг умумий савиясини пасайтираётгани ҳақида баъзи давра суҳбатларида, йиғилишларда айтилаётган фикрлар кўпроқ киссасини ўйлаган нашриётлар билан шуҳрат истаган ёзувчилар (ёзувчи эмас, айнан, *ёзувчи!* — Й.С.) томонидан мутлақо инобатга олинмаяпти. Натижада, нуқул жиноятчилик, бузуқчилик, ўғрилик, ахлоқсизликни тарғиб этадиган китоблар дўконларни мўр-малаҳдек босиб кетди.

Адабий жараёнда кун сайин урчиб бораётган бундай «тоши енгил китоблар»га муносабат билдирмай, сукунат сақлашни «Жиддий кўтарилишлар, бурилишлар, эврилишларга чоғланган адабиёт илмининг нафас ростлаб олиш чоғи» деб баҳолаш адабий танқид фаолиятини бир мунча юмшатишдан, қусуримизни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас. Ҳозир биз, мунаққидлар, жуда андишали, эҳтиёткор, муросасоз бўлиб кетяпмиз. «Мен сенга тегмай, сен менга тегма» ёки «Кел, энди шу бечора ҳам китоб чиқаришни ҳавас қилибди. Мендан нима кетди?» қабилида иш кўриб, ё оқ йўл тилаш ёки узундан-узоқ сўзбоши ёзиб беришдан ўзимизни тия олмаяпмиз. Бу билан адабиётнинг майдала-

шувига, ғоявий-бадий томондан бир ерда депсиниб туришига сабабчи бўлиб қоляпмиз.

Ҳозир қайси китоб дўконига кирманг, Нуриддин Исмоилов, Муҳаммад Исмоилов, Набижон Ҳошимов, Ҳабиб Темиров, Комил Синдаров кабиларнинг ниҳоятда сифатли, қалин муқовали, китобхон диққатини тортадиган антиқа номлар кўйилган, рангдор суратлар билан безатилган асарлари тахланиб ётганини кўрасиз. Йилига тўрт-бештадан китоб ёзиб, нашр эттиришга қачон ва қандай улгурад экан деб ҳайрон бўлардим. Яқинда ана шундай сермаҳсул «ёзарман»лардан бирининг суҳбатдошларига мақтанаётганини эшитиб ҳафсалам пир бўлди. Айтишича, бир куни санаторийга дам олиш учун кетаётса, телефони жириглаб қолибди. Олса, бир аёл, ёзувчини кўпдан буён қидираётганини, охири Тошкентдаги танишларидан унинг телефон рақамини топганини, фалон-фалон асарларингизда айнан менинг ҳаётим акс этган, яна бошимдан ўтган воқеалардан айтиб бераман деб, учрашувга таклиф қилибди. «Манзили мен бораётган томонда экан. Келишувимизга кўра, йўлга чиқиб турди. Учрашдик, гаплашдик. Кейин оромгоҳда дам олиб юриб, ўн кунда битта қиссани ёзиб ташладим. Фақат номларини ўзгартирдим. Ҳозир китоб нашриётда, икки-уч кунда чиқиб қолади» деди. Ана, тоши енгил китоблар қандай дунёга келяпти?!

Адабиётшунослик илмининг назарий мезонларини янгилаш ва аниқлашда миллийлик ҳамда бадийлик талабларига қатъий амал қилиш лозим. Сўнгги йилларда урчиётган «тоши енгил китоблар» айнан мана шу томондан оқсамоқда. Миллийлик ва бадийлик аниқ ифодаланиши учун аввало, ёзувчининг «мен»и тўла шаклланган бўлиши керак. Асарда баён ким томонидан (муаллифми, ҳикоячи-қаҳрамонми) олиб борилишидан қатъий назар, қаҳрамон ва воқеликка нисбатан «мен»нинг муносабати аниқ бўлиб туришин. Токи, ўқувчи ана шу «мен»нинг ёрдами билан тўғри хулоса чиқара олсин. Бу «мен» кўпинча бадий матннинг остига яширинган бўлади, матнда танланган сўзлар оҳан-

гидан унинг овози эшитилиб туради. Айрим асарларда эса, ёзувчининг «мен»и воқеалар уюми остида хиралашиб қолмоқда. Мулоҳазаларим умумий ва қуруқ бўлиб қолмаслиги учун битта асардан олган таассуротларимни газетхон билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Ҳабиб Темиров кейинги йилларда энг фаол ишлаётган қаламқашлардан. Қисқа вақтда унинг «Қўш узук», «Дунёдаги энг гўзал аёл», «Қора қаср асираси», «Макрми ё муҳаббат», икки китобдан иборат «Қасос ва муҳаббат» каби асарлари босилиб чиқди. Номланишидан ҳам кўриниб турибдики, уларнинг барчасида бир хил мавзу, бир хил муаммо – ишқий можаролар, одамнинг интим эҳтирослари, ишқибозлиги, маиший ҳаётга мойиллиги, фоҳишалик ва, албатта, жиноятга қўл уриш сингари воқеалар қаламга олинди. Умуман олганда, бу адабиётнинг кўҳна ва ҳамиша навқирон мавзуси бўлиб, барчани бирдек ҳаяжонлантиради, ўйга толдиради. Ҳ. Темиров ҳам яхши ният билан ана шу мавзуга қўл урган. Фақат бунда ғоявий ниятни бадиий жиҳатдан амалга оширишда муаллифнинг «мен»и барқарор дунёқарашга эга эмаслиги, эстетик идеали эса, ноаниқ ва бироз хиралиги сезилиб қолган. Бунинг устига ижодкорнинг барча асарлари газета ахбороти услубида ёзилган. Воқеани кўрсатиш, тасвирлаш эмас. шарҳлаш ва айтиб бериш устун туради. Жумлалар тузишда ғализлик, сўзларни пала-партиш ва ноўрин қўллаш қусури мавжуд. Назаримда, муаллиф сўзларнинг зоҳирий кўринишига эътибор бериб, унинг маъносини ўйламайди. Ҳикоячи-муаллиф кўзига нима кўринса, хаёлига қандай гап келса, ҳаммасини баёнга киритаверади. Уларнинг аксарияти тасвирда ортиқча юк эканлиги билиниб қолади.

«Қора қаср асираси» китобида ҳикоя қилинишича, журнал муҳарририятига янги ишга олинган Субут Сокин шахардаги хуфёна исловотхоналар фаолияти тўғрисида танқидий мақола тайёрлаш бўйича топшириқ олади. Ички ишлар ходими Шавқиев берган манзилга бориб, яширин исловотхонанинг энг ёш ва гўзал фоҳишаси Афифа (исмини қаранг:

«иффатли» эмиш!)ни танлайди. У билан тонг отгунча бирга бўлади-ю, тегмайди. Ўзини таништириб, яширин исловотхоналар ҳақида мақола ёзмоқчи эканлигини айтади ва қизнинг бу ерга қандай келиб қолганини ҳикоя қилиб беришини сўрайди. Афифа ҳам, худди фоҳишаликдан безиб, шундай одамни кутиб юргандек, дарҳол ўзининг кечаги кунини гапириб беради. Ишонинг, унинг ҳикояси шундай кунга тушиб қолган, тақдирдан норози аёлнинг ўкинчи, афсуснадомати эмас, балки худди шундай бўлиши керакдек ҳиссиз, ҳаяжонсиз чиққан. Субут ачиниб, уни бу ердан олиб чиқиб кетишга ваъда беради, сўзининг устидан чиқади ва уйланади (исми жисмига мос субутгли йигит-да!).

Шуларни ёзпман-у, худди шундай сюжет ҳикоя қилинган бошқа бир асар хаёлимда жонланиб турибди. Бундан бир неча йил муқалдам «Шарқ» нашриётида босилган «Дайди қизнинг дафтари» романи (муаллифи Солиҳ Қаҳҳор)да ҳам таҳририятда янги иш бошлаган журналист Собир хуфёна исловотхоналар фаолиятини фош этувчи мақола ёзиш ниятида ички ишлар бошқармасига боради. У ердан олинган адрес бўйича яширин исловотхонага кириб, Тахмина исмли фоҳиша билан танишади, туни билан ҳикоясини тинглайди, тақдирига ачиниб, бу ердан олиб кетади.

Буни қандай баҳолаш мумкин – тасодифий ўхшашликми ёки кўчирмачиликми? Мабодо, бошқа мамлакат ёзувчисининг асаригаги воқеага ўхшаб қолган бўлса, тасодиф деса бўлар. Бироқ бир юртда яшаб туриб, бир хил воқеани тасвирлаш... Айниқса, ўша роман кўп нусхада бир неча марта нашр этилган бўлса! Билмадим... Буни қарангки, иккала муаллиф ҳам келишиб олгандек, фоҳишаларни «шармандалик»дан қутқариб, озодликка олиб чиққан бу «йигит»ларни сал бўлмаса миллий қаҳрамон даражасига кўтариб қўядилар.

Ёзувчи Ҳ.Темиров ўз қаҳрамонларини хатти-ҳаракатлари мантиқидан келиб чиққан ҳолда тасвирламайди. Аксинча, уларни ўзининг хоҳиш-истагига бўйсунушга мажбур қилади. Назаримда, муаллиф фоҳишалар тоифасига мансуб аёллар психологиясини яхши ўрганмаган ёки Афи-

фасини ўқувчи кўзига иложи борича оп-по-оқ қилиб кўрса-тишни истайдими, ишқилиб, унинг ҳар бир қилиғини оқлашга уринади. Даврбек Муқимхонов билан бўлган илк учрашувини эсланг! Ўтириб қолган қиз қўшмачи холасининг шаҳардаги уйи — яширин исловотхонасида маълум муддат яшаб, бу ердаги «кирди-чикдилар»ни кўрган ва кўзи хийла пишиб қолган эди. Шунинг учун ярим кечаси кириб келган бу нотаниш эркакни бамайлихотир кутиб олади, 40 ёшлар атрофидаги «яхши кийинган. Оппоқ қимматбаҳо кўйлаги, олтин тўғноғич қадалган бўйинбоғи» бор «анчайин салобатли, босиқ» бу одамга ҳавас билан тикилади, унинг алмойи-алжойи сўзларига ишонади. Олтин тақинчоқ билан тилла соатни кўлига тутқазгач, осонгина «ҳиссиз, ихтиёрсиз таслим» бўлади-қолади (персонажнинг оғзидан чиққан сўзларни қаранг: «ҳиссиз, ихтиёрсиз»; демак, эркак киши билан биринчи алоқадаёқ ҳеч нарса-ни ҳис қилмапти-да! Охирини ўйламай, ихтиёрсиз ўзини топшириб қўйибди-да!).

Кўриниб турибдики, бу воқеада бош айбдор Афифанинг ўзи. Бироқ муаллиф зўр бериб Муқимхоновни айбламоқчи ва Субут билан унинг ўртасига сунъий қарама-қаршилиқ уруғини сепмоқчи бўлади. Афифа эса, бунга парво қилмайди ва иккаласини ҳам хурсанд қилиб юраверади. Булар қиз табиатида фоҳишалikka мойиллик азалдан борлигини исботлайди. Бўлмаса, Субутни хонасига олиб кириб, эркак таклифини кутиб ўтирмай, қип-яланғоч бўлиб ечиниши ва тўшакка ётиб, бир неча марта «бўлақолмайсизми?» деб зорланишини қандай изоҳлаш мумкин?! Шунда ҳам, унинг нафси қондирилмаса, биласизми, бундай аёлда эркак зотига нисбатан қанчалик нафрат уйғонади?! Бунақа эркакнинг «ҳаётингиз ҳақида гапириб беринг» деган илтимосини дарров бажаравермайди. Айнан мана шу вазиятда Афифанинг хатти-ҳаракати характер мантиқига зид ҳолда тасвирланяпти. У муаллифнинг хоҳиш-истагига бўйсуниб ҳаракат қиляпти. Бу каби номутаносибликни Субут, Даврбеклар образида ҳам учратамиз.

Адабиётда алданган ёки исловотхонага мажбуран келтирилган ва бир умр азият чекиб, тақдирига лаънатлар ўқиб яшайдиган «фоҳишалар» образи аввал ҳам яратилган. Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» драмасидаги Холисхон, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Марям, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асаридаги Гуландом, Шукур Холмирзаевнинг «Булут тўсган ой» ҳикояси қаҳрамони Гулсараларнинг ўз қисмати тўғрисидаги ҳикояси ҳам, муаллифларнинг муносабати ҳам ўқувчи қалбида чинакамига хайрихоҳлик уйғотади. Бироқ Афифанинг қилмишлари ўқувчида тескари кайфият туғдиради.

Ёзувчи Афифани жасоратли, эри учун ўзини қурбон қилаётгандек кўрсатишга уринади. Субут ноҳақ қамалгач, уни қутқариб беринг деб, аввал Даврбек Муқимхоновнинг «меҳмони» бўлади. Кейин шу одамнинг қўлидан келади дегани учун «қутқариб берса бўлди-да» деб Зоҳидийга осонгина кўнади. Афифанинг бу қилмишини адиб аёл гўё эрини қутқариб олиш учун ўзини қурбон қиляпти деб баҳолайди. Ҳатто Зоҳидий тилидан «Ўзи... шунақа хотинлар қавми жуда мард, бир сўзли бўлади-да!» деб мақтаб ҳам кўяди. Бу энди ёзувчи позициясининг бирёқламалиги, ғоявий ниятининг нотўғрилиги, эстетик идеалининг хиралигидан далолатдир.

Юқорида баён қилган мулоҳазаларим сўнгги йилларда яратилаётган «тоши енгил китоблар»да адабиётимизнинг миллий ўзига хослик, маънавий етуклик, ахлоқий покизалик мезонларининг бузилаётганлиги, бу эса ўқувчиларга салбий таъсир ўтказётганини кўрсатади. Адабиёт пайдо бўлганидан буён эзгуликка, ўзи хизмат қилаётган миллатнинг маънавий-маърифий қадриятларини улуғлашга, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилиб келган. Шуни яхши билган ва қадрлаган илм аҳли уларнинг назарий ва бадий томондан қанчалик исботланганига эътибор қаратиши лозим. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг назарий мезонларини янгилашда миллийлик ва бадийлик талабларига қатъий риоя қилиш керак.



Иккинчи бўлим

ШЕЪРИЯТГА ШАЙДО КЎНГИЛЛАР

Дарёдек уйғоқ шоир

XX аср ўзбек адабиётининг атоқли вакили, хассос лирик шоир Ҳамид Олимжон ижоди бўйича йирик тадқиқотлар яратган олимлардан Сарвар Азимов, Салоҳиддин Мамажонов, Наим Каримов қабилар санъаткорнинг ўз ғоявий ниятларини ифодалаш мақсадида реал ҳаёт ҳамда табиатдаги турли-туман нарса ва ҳодисаларни поэтик образ сифатида муваффақиятли қўллаганлигини алоҳида қайд этадилар. Масалан, шоир лирикасининг бадий гўзаллигини, унинг поэтик маҳоратини биринчилардан бўлиб махсус тадқиқ қилган олим Н.Каримов «Ҳамид Олимжон поэзиясида гул шоирнинг энг сеvimли образларидан бири» бўлганлигини талай мисоллар билан исботлаб беради. Кейин «Шоир дунёси»га чуқурроқ кириб борган академик С.Мамажонов Ҳамид Олимжон ижодига хос поэтик оламлар кўламини янада кенгайтди. Шоирнинг адабиётшунослигимизда аллақачонлар тан олинган Бахт, Шодлик, Толе, Ватан, Гул образлари қаторига Олов, Қуёш, Нур, Аланга, Машғал, Оташ, Тонг, Тун каби янги поэтик образларни қўшди.

Аммо оташнафас шоирнинг лирик мероси юқорида санаб утилган поэтик образлар саноғи билангина чекланиб қолмаслигини унинг ижоди билан мунтазам танишув исботлаб бермоқда. Бинобарин, Ҳамид Олимжон ижодида образлар кўлами ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. Айнан ана шу фазилати билан шоир шеърияти ҳали-ҳанузгача севиб ўқилмоқда ва ўрганиляпти. Ҳамид Олимжоннинг ижод кошонасини баркамол қилган, унинг гўзаллигини таъминлаган муҳим ва бар-

қарор образлардан яна бири дарёдир. Дарё ўз мазмун-моҳияти, бадиий-эстетик вазифасининг қамрови, ғоявий юкининг салмоғи билан Ватан, Бахт, Шодлик, Гул образларидан кам аҳамиятга эга эмас. Синчиклаб кузатилса, дарё образи шоирнинг талай шеърлари, балладалари, дostonлари, драмалари, ҳатто илмий ва публицистик мақолаларида ҳам мунтазам тасвирланганлигини кўриш мумкин. Улар бир-бирини тўлдиради, бойитади ва махсус тизимни ташкил этади. Лекин, шуниси муҳимки, дарё ҳар бир асарда ўзига хос поэтик вазифани адо этади, яъни эҳтиросли шоирнинг ёниқ, уйғоқ, тошқин қалби, ўткир нигоҳи, умидбахш тилақлари, она юрти гузаллигининг алоҳида рамзи сифатида намоён бўлади.

Дарё Ҳамид Олимжоннинг илк шеърлариданоқ кўзга ташланади. У шоирга қудратли куч, жўшқин кайфият, тизгинсиз ҳайрат, йўлидаги тўсиқларни кўпориб ташловчи шиддатли оқим тимсоли бўлиб кўринади. Бу образ шоир ижодига унинг ёшлигида кўрганларини, жамиятда кечаётган инқилобий воқеа-ҳодисаларни образли ифодалашнинг энг қулай воситаси сифатида кириб келди ва мустаҳкам ўрин олди. Мен шоирнинг дарё образига мурожаат қилишига ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-тарбиявий, ҳам ғоявий-бадиий асослар бор деб ҳисоблайман. Бўлажак шоир жуда ёшлигидан халқнинг ўз озодлиги, эрки учун дарёдек тўлқинланиб курашга отланганини, бу муқаддас йўлда унинг муборак қони дарё бўлиб оққанини ўз кўзи билан кўрди.

Адабиётшунос Н. Каримов «Ҳамид Олимжон» номли асарида «Шоир ҳаёти ва ижодидан лавҳалар» келтирар экан, «Жиззах қўзғолонида қатнашган халқнинг кайфияти, харақатини ёш Ҳамид нигоҳи билан «Ўзандан чиққан сой асов тошқинга айланиб, ўз йўлидаги баҳайбат тошларни ҳам оқизиб, ағдариб» кетаётганини, оломон тобора кўпайиб, Эски шаҳар билан Янги шаҳар қўзғолончиларининг қўшилишини эса, «Икки жилға гўё гурлаган дарё тусини» олганлигини ифодалайди. Бу манзара шоирнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдан олган сабоқларининг бадиий инъикоси тарзида дунёга келганлигини исботлайди.

Маънавий-тарбиявий жиҳатдан ҳам дарё Ҳамид Олимжонга яқин ва қадрдондир. У Зарафшон ва Сиёб дарёлари бўйида ўсди, уларнинг шифобахш ва тўшқин сувларида чўмилиб вояга етди. Боз устига шоир хизмат сафари билан Москва, Петербург, Болтиқбўйи, Кавказ шаҳарларига борганида Мизимта, Волга, Нева дарёларини, Болтиқ ва Қора денгизларни ўз кўзи билан кўрди, улар билан «суҳбат» қурди. Бундай яқинлик туфайли дарё ўзининг салобати, мусаффолиги, жўшқинлиги, инсониятга фойда келтираётгани билан ижодкорнинг эътиборини тортди. Натижада, дарё образи шоир ижодида ғоявий-бадий жиҳатдан гўзаллик, кучқудрат, покиза шеърят тимсоли бўлиб кўринади.

Дарё Ҳамид Олимжон шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг Ватанга бўлган буюк ва ўлмас муҳаббатининг симболи сифатида намоён бўлади. Чунки дарё Ватаннинг бағрида оқади, уни суғоради, атрофини обод қилади, керак бўлса, юртни «электрик дарё» бўлиб ёритади, тиним билмай хизматини қилади, ҳар доим уйғоқ бўлади. Дарёнинг бу фазилатларига ҳавас билан қараган шоир «Ўлка» номли шеърда Ватанига шундай мурожаат қилади:

*Қулоғимга номинг кирганда
Қумлоқ каби ташна боқурман.
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.*

Чиндан ҳам, Ҳамид Олимжон ўзининг ўзининг қисқа умрида дарёдек тўлиб, ҳайқириб, тўлқинланиб, Ватанига талпиниб ижод қилди. У ўз шеърларининг ритмини, оҳангини, ифода усулларини белгилашда ҳам дарёдан улгу олди. Масалан, эркин вазнда яратган шеърларидаги мисралар, -туроқлар ва ибораларнинг жойлашуви, танланган сўзларнинг оҳанги худди дарё тўлқинларига ўхшайди. Улар гўё қувалашиб, бир-бирига мингашиб бораётгандек таассурот қолдиради. Жумладан, «Бахтлар водийси» шеърда тез-тез такрорланиб келадиган «Кўм-кўк, кўм-кўк...» сўзлари ба-

айни дарёнинг қирғоққа бош урган пайтида тараладиган «чўлп-чўлл, чўлп-чўлп» деган оҳанги эсга солади.

Дарё образи шоир «мен»ининг ўзига хос қирраларини, - поэтик тафаккурининг кенглиги ва чуқурлигини кўрсатишга хизмат қилади. Шу тариқа, Ҳамид Олимжоннинг бутун ижоди худди шоирнинг ўзи меҳр қўйган дарёлар сувидан, унинг шиддати ва тўлқинидан баҳраманд бўлгандек туйилади. Масалан, шоир «Чирчиқ бўйларида» сайр қилар экан (1940), баланд қорли тоғлардан узоқ йўл босиб халқ хизматига ошиқаётган дарёга қараб:

*Чирчиқ бўйларида ёнар чироқлар,
Қаршимда зўр даё очади чирой.
Қалбимда оқмоқда бир дарё қўшиқ,
Қор босган тоғларнинг тепасида ой...*

– деб ҳайқиради. Ҳамид Олимжон назарида Дарё ҳам шоир, у ўзининг «...ипак рўмоли билан буралиб, эркалаб хаёли инжа бир шеър бўлиб» оқади. Ёки Нева дарёсига мурожаат қилар экан, «Сен – ҳаёт шоири, асрларнинг Сирларини шеър ила яратгансан» деб унинг ижтимоий ва маънавий хизматига ишора қилади ва ўқувчига кўп маъноларни уқтиради. Шоир фикрини давом эттириб, дарё юзасида пайдо бўлган майда тўлқинлар ҳаракатини «Бу табиат-да бир чевар шоир» бўлиб «ҳар нафас юзларингга кашта тикар» тарзидаги оригинал метафорик ибора билан тасвирлайди.

Ҳамид Олимжоннинг шоирлик санъатини дарё ёки денгизга нисбат бериши бежиз эмас. Аслида, унинг шоирона қалби ҳам худди дарё ва денгиздек доимо тўлқинланиб туради, улар каби кенг ва гўзалдир. Бундай ҳамоҳанглик мана бу сатрларда ўзининг ёрқин ифодасини топган:

*Нақадар кенг ва гўзал қучоғинг бор,
Шўх қилиқ тўлқининг-ла биргалашиб
Келадир ўйнагим сузиб, қувишиб,
Сен-ла шоирлигим, ҳаётим бор!*

Дарё образ сифатида Ҳамид Олимжон ижодига илк шеърлариданоқ кириб келган. Унинг «Ойдин кеча», «Зарафшон кўйнида», «Ҳавас ва тилак», «Ўтаркан», «Нева хотиралари», «Сиёб» каби шеърларида гарчи мукаммал бўлмаса-да, унинг айрим қирралари очила бошланган эди. Йил сайин бу образнинг кўлами кенгайиб, янги фазилатлари, эстетик қамрови кенгайиб борди. Бора-бора, шоир шеърларида икки дарё оралигидаги Ватан тимсоли бўй кўрсата бошлади. Лирик қаҳрамон-шоир «Аму билан Сирдан сув ичган, Зарафшонни лойлатиб кечган Чавандозлар бордир бу элди» яшаётганидан чексиз фахрланади. Шундай серсув ва гўзал дарёлари бор бўлган ўлкада «Чанқов қолиб йўловчи ўлмас»лигига ишонади.

Ватанпарвар шоир ўз юртида оқаётган дарёларни катта-ми-кичикми, барибир, «улуғ дарёлар» деб атайди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Дарё кечаси» шеъри характерлидир. Шеър аслида Чирчиқ дарёсига, у ерда қурилаётган электр иншоотига бағишланган. Аммо шеър марказида Чирчиқ дарёсининг бадий портретини яратиш нияти туради. 13 банддан иборат бу шеърнинг ҳар бир бандидаги биринчи сатр дарё қиёфасига янги чизиқ тортади, натижада, портрет банддан бандга мукаммаллашиб боради. Шеър «Дарё гўзал, осмонда юлдуз» мисраси билан бошланади. Бу ибора бутун шеър учун тезис вазифасини ўтайди. Кейинги бандлар ана шу гўзаллик ва тиниқликнинг ранглари ҳамда сирларини очишга бўйсундирилади. Иккинчи банднинг «Кеча гўзал, дарё тинимсиз» деб бошланиши эса, Вақт ва ҳаракатдан дарак беради. Ана шу кечанинг гўзаллиги, дарёнинг тинимсиз ҳайқириб оқиши шоир — лирик-қаҳрамон учун ўқувчига Чирчиқ дарёсининг тарихини сўзлаб бериш истаги ва имкониятини туғдиради.

Учинчи банддаги «Тоғлар боши қорга кўмилган, Қор устида оппоқ бир туман» мисралари ўқувчи кўз олшида ажиб бир манзарани жонлантиради. Ана шу қорга кўмилган тоғлардан бошланган дарё «Тинмай оқар пишқириб» ва «Қуйи кетар айни тун бўйлаб, Водийларга ҳикоя сўйлаб...». Бешинчи — ўн икки бандларда Чирчиқ дарёсининг портретига тарихий-биографик чизгилар тортилади. Шоирнинг маҳорати шун-

даки, портретни якунлаш чоғида шеърнинг биринчи бандидаги ҳолат, кайфият, замон ва маконни эсдан чиқармайди. Охирги банд, айниқса, рангларнинг қуюқлиги, мутаносиблиги, уйғунлиги ва чизиқларнинг тиниқлиги билан эътиборни тортади. Бу бандда шоирнинг асосий ғоявий нияти бўлган дарё ва инсон ҳамкорлигига урғу берилади. Бу эса, лирик шеър композициясининг яхлитлигини таъминлайди:

*Тун ҳам ўтар мазмунга тўлиб,
Унутилмас дарёга бир он.
Унутолмас буни ҳеч қачон
Дарёдан зўр ва моҳир инсон!*

Шеърда дарё кечасининг завқ-шавқи, гўзаллиги, инсоннинг меҳнатсеварлиги, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари билан манзаралар тасвири ўзаро уйғунланиб, шакл ва мазмун мутаносиблигидаги ажиб бир портрет дунёга келади. Шоирнинг 1937 йилда нашр этилган «Дарё кечаси» номли шеърлар тўплами дарёнинг ана шу мукамал ва рангбаранг портретини ўзида тула мужассам этган.

Дарё образи Ҳамид Олимжоннинг бошқа жанрдаги асарларида ҳам кўп учрайди. Масалан, «Зайнаб ва Омон» достонида севишган йигит-қизнинг висол оқшомига гувоҳ бўлган дарё «Икки ёшга айтиб шараф-шон, Оқар эди тошқин Зарафшон» тарзида жонланса, «Ойгул билан Бахтиёр» достонидаги жабрдийда қизни дарё ўз бағрига олади ва ҳаётини сақлаб қолади. «Икки қизнинг ҳикояси» достони эса икки дарё тарихига бағишланган.

Хуллас, дарё шунчаки табиат мўъжизаси эмас, балки у она табиатнинг инсонга туҳфа қилган гўзал инъоми, юртни обод қилгувчи беминнат дастёри, Ватанимизнинг бақувват белидаги муаззам белбоғи, шоир учун туганмас илҳом манбаи ва шеърят булоғи қиёфасида намоён бўлади. Бинобарин, шоир ўз ижодида Ватан, Бахт, Шодлик, Гул, Баҳор образларига нечоғлик меҳр-муҳаббат, иштиёқ билан ёндашса, Дарё образини ҳам бундан кам бўлмаган

юксак пафос ва маҳорат билан яратади. Ўзининг туганмас муҳаббати ва улуғ ниятларини дарёнинг тўлқинлари, жим-жимадорлиги, латофати, тўлалиги, сероблиги зиммасига юклайди. Шунинг учун ҳам, ўлмас санъаткор Ҳамид Олимжоннинг шеърлари «Дарёдек тиниқ, осмондек беғубор» бўлиб яшаб келмоқда.

Руҳиятни ёритган шеърят

Одатда, улкан ва истеъдодли санъаткорларнинг бутун бир ижодигина эмас, балки ҳар бир асари ўнлаб, юзлаб олимлар томонидан батафсил тадқиқ қилинади, синчиклаб ўрганилади. Мабодо, улар бир жойга жамлангудек бўлса, ажойиб бир тафаккур чаманзори дунёга келади. Ундаги бир-бирига мутлақо ўхшамаган ҳар битта гул ўз ранги ҳамда таровати билан кўнгилларга ором беради ва ижодкор гулзорининг турфалигини кўрсатувчи фазилатга айланади. Масалан, улуғ Алишер Навоий ижоди 500 йилдан буён тадқиқ этиляпти, бундай кейин ҳам ўрганилаверади. Бу билан Навоий ижоди ҳақида айтиладиган фикр қолмади, деган муаммо келиб чиқмайди. Аксинча, фикр фикрни уйғотади деганларидек, ижодкор услуби ва маҳоратининг янги-янги қирралари очилаверади. Чунки ҳақиқий ли санъаткорнинг ижодий мероси уммонга ўхшайди. Унга шўнғиган ғаввос насибасига яраша дуру гавҳарларни териб чиқаверади, улар эса мутлақо тугамайди. Замонамизнинг истеъдодли шоири Эркин Воҳидов ижоди ҳам ана шундай уммонлардан биридир. Агар шоир ижоди ҳақидаги илк мақолалар матбуотда эълон қилинганига ярим асрдан ошганини инобатга олсак (Т. Тўла. «Шарқ юлдузи»ни варақлаб... «Совет Ўзбекистони» газ. 1961. О.Шарафиддинов. Талант ва масъулият. «Ўзбекистон маданияти» газ. 7.08.1962), ҳозиргача бу уммондан йиғиб олинган жавоҳирот хазинасининг ҳисобига етиш мушкул эканлиги аён бўлади-қолади. Шундан буён ўтган давр мобайнида бирон-бир ўзбек адабиётшуноси йўқки, ўзининг илмий-тадқиқот ишларида ҳеч йўқ

бир марта Эркин Воҳидов номини тилга олмаган, шоир ижодига хос янги бир фазилатни кашф этмаган бўлсин! Шунга қарамай, бу санъаткор ижодининг очилмаган қатламлари жуда сероб. Мен ҳам ана шу қатламлар қаърига кучим ва нафасим етганча шўнғиб, Эркин Воҳидов шеърятининг ўзим иллаган айрим фазилатлари ҳақида фикр юритмоқчи бўлдим.

Аввало, Эркин Воҳидов поэтик тафаккури ғоят кенг ва тиниқ шоир эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қараш, уларнинг туб моҳиятини англашга интилиш, қайси бири хайрли, қай бири сохталигини аниқлай олиш истаги шоирнинг илк ижодий қаламларидан буён йўлдош бўлиб келаётир. Шоирнинг бадиий тафаккури доимий ҳаракатда бўлгани туфайли ўзининг сархил меваларини тез ва мўл-қўл бера бошлади. Натижада, Эркин Воҳидов ижоди жадал суръатлар билан камолот чўққисига кўтарилди ва устоз адабиётшунос Умарали Норматов лутф қилганларидек, шоир қаламига мансуб ҳар бир сўз, ҳар бир сатр чиндан ҳам «Кўнгишларга кўчган шеърят»га айланди.

Жуда яхши эсламан: 1961 йилда Эркин Воҳидовнинг мўъжазгина «Тонг нафаси» деб аталган шеърлар тўплами босилиб чиқди ва тез орада қўлма-қўл бўлиб кетди. Айниқса, биз каби ёшлар (ўшанда 1-курс талабаси эдим) бу китобчадаги барча шеърларни ёдлаб олиб, давраларда, тўймаъракаларда, қизлар билан учрашувларимизда «ўзимизники» қилиб ўқиб юрардик. Албатта, баъзан дакки ҳам эшитардик, негаки, ўша пайтда Эркин Воҳидовни ўқимаган одам йўқ эди-да! Лекин биз бу танбеҳлардан ранжимасдик, сабаби Эркин Воҳидов деган шоир ўзимизнинг Олтиариқдан, демак биз битта одаммиз деган юпанч бизга далда берган. Ҳа, Эркин ака биринчи шеърлар китоби биланоқ ўзимизники бўлиб қолган, унинг шеърлари бизнинг кўнглимизга кўчиб кирган, ҳечам чиқиб кетгиси келмасди ва ҳозиргача ҳам бемалол яшаяпти. Энди айтинг-чи, шоир учун бундан ортиқроқ бахт, бундан буюкроқ тахт борми?!

Мана, шундан буён 50 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда Эркин Воҳидов ижоди ҳам бўйига, ҳам энига, ҳам айланасига беқиёс даражада ўсли, вазни ва салмоғи ортди. Бугун Эркин Воҳидов узбек адабиётининг ёруғ юлдузи, катта ижодий мактаб яратган улкан санъаткор бўлиб танилди.

Маълумки, Эркин Воҳидов тенгдош бўлган авлод адабиётга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди ва ўзбек шеъриятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан янгилади. Айнан шу йилларда қўлига қалам олган шоиру ёзувчилар юраги озодлик, эрк туйғуси билан тўлиб-тошган эди. Хурриятга, эрка интилган бу ижод аҳли ўз асарлари руҳига, энг аввало, миллатнинг қадр-қимматини улуғлашни, миллий ифтихор туйғусини сингдиришни истади ва бунга дадил киришди. Натижада, бу авлоднинг илк шеърлариёқ ўша пайтдаги жамиятда чуқур томир отган ёлғонга, сохталикка, баландпарвозликка қарши исён сифатида жаранглади. Аммо бу исённи очиқ-ошкора баён этиш мумкин эмасди. Чунки яккаҳоқимликни бой бериб қўйишни истамаган коммунистик мафкура заҳарли тишларини қайраб турарди. Хайриятки, шеъриятда фикрни рамзий тимсоллар орқали ифодалаш, тиконни гулга ўраб «тортиқ» қилишнинг турли усуллари ва воситалари бор. 60-йиллар ижодкорлари ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиб, одамлар юрагига кириб бордилар. «Менинг ҳам ўша йилларга мансуб шеърларимнинг ҳар учтадан биттасида жамиятдаги ёлғонду алдовларга қарши исён туйғуси бор» дейди бу ҳақда Э. Воҳидов («Бу обод кунларга етдик соғ-омон..». Сухбат. «Тафаккур» ж., № 3, 2011).

Аслида, бу авлоднинг хизмати шу билангина чекланмайди. Чунки улар ўз қутлуғ қадами билан шеърият соҳасидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий жабҳаларда ҳам, маънавий-маърифий майдонда ҳам туб ўзгаришларни вужудга келтирди. Ҳар бир ижодкор қулликка маҳкум этилган халқ ўзининг аянчли турмуши моҳиятини чуқурроқ англасин, унга танқидий нуқтаи назардан қарасин деган қутлуғ ният билан қўлига қалам олди, бутун адабиёти, маъ-

навияти, маърифати тарихида том маънода янги саҳифалар очди. Улар бадий сўз воситасида одамларнинг мудроқ қалбини уйғотди, онг-шуурида исён ясади.

Одамларга фақат шеъригина эмас, балки ўзи ҳам кераклигини чуқур ҳис этиб яшаш истаги Эркин Воҳидовни ҳамisha ана шу авлоднинг олдинги сафида юришга ундади. Шоир ижодининг илк қадамларидан ижодкорлик ва фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этиб, унинг залворли юкини онгли равишда зиммасига ортган ҳолда яшаб ва ижод қилиб келмоқда. Агар синчиклаб қаралса, Эркин Воҳидов асарларида миллат шаънига мақтов ёғдиришдан, унга ҳамду санолар ўқишдан кўра, кўпроқ инсоннинг ҳаёт олдидаги бурчини англаши, замон унинг елкасига ортаётган таҳқирли юкдан қандай қилиб озод бўлиш йўлларини излаши лозимлиги тўғрисида ёзишни муҳимроқ деб билганини англаш қийин эмас. Шу боисдан у бутун ҳаёти давомида ҳам ижодий, ҳам ижтимоий фаолиятини бир-бирига қўшиб олиб борди ва бу узвий боғлиқлик шоир шеърларига ўзига хос мазмун ҳамда ранг бағишлади.

Эркин Воҳидов ҳар доим ижодининг бошланишида айтган:

*Халқ — устозим, мен эса — толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим*

— деган принципига қатъий амал қилиб яшади ва ижод қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, у чинакам халқ шоири сифатида тан олинди. Шоир бутун ижоди мобайнида ўзини «эркалаб бағрига босган, меҳнаткаш, бағри кенг, орзуларидай улуғ халқи»нинг беқиёс фазилатларини, дардини куйлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам, шоиримиз асарларида халқона руҳ, соддалик мудом устувор бўлиб келаётир.

Эркин Воҳидов ҳар бир шеърда ўзligини тўла намоён қила олган санъаткордир. Зеро, шеърда ўзликни намоён қила олиш чин маънодаги индивидуал услубнинг муҳим

белгиси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, шоирнинг қайси бир шеъри ёки достонини ўқиманг, унда ижодкор ўз халқининг, миллатининг фидойи фарзанди сифатида бўй кўрсатишига дуч келасиз. Шоир сифатида Эркин Воҳидов ўз ижодининг илк бўсағасидаёқ мабодо «Юракда қайнаб турган сўзи бўлмаса қўлига қалам олмас»ликка қасам ичган ва ҳануз ана шу онтига содиқ қолиб ижод қилмоқда. Буни шоирнинг ўтган ярим аср мобайнида яратган ҳар бир асари исботлаб турибди.

Дадил айтиш мумкинки, Эркин Воҳидовнинг нафақат ҳар бир шеъри, балки ундаги ҳар бир сатри ҳам «тўлқин урган сирлар тўла уммон»дир. Чунки чин маънодаги «шоир ўз халқининг юрак парчаси» ҳисобланади. Бундай юракда шубҳасиз, исён туғилади. Исёнга дош бермоқ эса осонмас, бинобарин, исён бедор қалб инқилобидир. Бундай қалб халқ дарди билангина нафас олади. Шу боисдан шоир «мен»и халқнинг тили ва дили, жигарбанди, фарзанди сифатида намоён бўлади. У яхшими, ёмонми, 30 миллионлик халқини ўз қалбига жо қилган, унинг ташвиши ва қувончи билан нафас олаётган тирик жондир. Ана шу халқининг дарди, сўзини ифода этмоқлик ижодкор ўзлигининг туб моҳиятини ташкил этади. Шоир томонидан мана бу мисралар бежиз ёзилмаган:

*Сени сездим ҳаргиз ўзимда,
Менда фикринг, ўйинг, тилагинг.
Ҳар нафасда ёниқ кўксимда
Уриб турар сенинг юрагинг.*

Айнан ана шу халқнинг юраги уриб турганлиги учун ҳам, Эркин Воҳидов шеърларида «баҳорий илиқлигу наҳорий тиниқлик» барқарор.

Эркин Воҳидовнинг ҳар бир шеърисида даврнинг ёрқин манзараси, халқнинг ўлмас психологияси, миллатнинг монументал қиёфаси тўла акс этади. Шоир шеърларида илгари сураётган ғояни ўқувчига мажбур қилиб тушунтирмайди, сатрлар зиммасига оғир юк ортмайди. Иложи бори-ча, оддийгина сўзлар ва лирик қаҳрамоннинг хатти-ҳара-

кати орқали енгилгина тақдим этади. Қуйидаги «Ҳожи ота Марғилоний сўзи»га қулоқ тутинг-а:

*Етмиш йиллик умрим ўтди хорижда,
Юздан ошган Ҳожи отанг бўламан.
Тирик юрдим Истанбулда, Парижда,
Она юртдан айру қандоқ ўламан?*

*Қандоқ кетай Ватанимни кўрмай ҳур,
Илҳақликдан зўр дунёда ҳеч дард йўқ.
Мана, етдим мурудимга, минг шукур,
Энди, болам, ўладиган номард йўқ! (1993)*

Гувоҳ бўлиб турибсизки, бу шеърда ортиқча баландпарвоз сўзлар, ватанпарвар шахснинг эҳтиросли туйғулари, ташбеҳлару метафоралар, овозни кўтариб чиранишлар йўқ. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани ҳақида ҳам ҳамду санолар айтилмаган. Оддийгина инсоннинг одмигина суҳбати. Бироқ суҳбат шу қадар самимий, соддаки, унда юз ёшдан ошган Ҳожи отанинг бутун қалби ярқ этиб кўриняпти. Ҳожи ота фикрини ифодалаш учун танланган сўзлар содда ва қаҳрамоннинг ёшига муносиблиги билан эътиборни тортади. Мисралардаги биронта сўз ўрнини алмаштириш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир сўзда унинг шу пайтгача тортган азоб-уқубатлари, Ватан соғинчи, шукроналиги, юртини озод кўриш туйғусидан қониқиш ҳисси яққол сезилиб турибди. Ҳақиқий шеър шунақа бўлади, ундаги ҳар бир сўз қалбни чўғдай жизиллатиб таъсир қилади. Эркин Воҳидов ижодига хос бундай фазилат унинг илк ижодий қадамларидан бошлаб ҳозиргача ҳамроҳ бўлиб келаётир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Истиқлол ғояси, мустақиллик учун кураш мавзусини XX асрнинг 60-йилларида ўзбек шеърлятига Эркин Воҳидов олиб кирди. Шўро даврида ўсиб, тарбияланиб вояга етган авлод халқ иродаси, ўзига хос тарихи, миллатнинг шаъни, қадр-қиммати, жисмоний ва маънавий куч-қудрати ифодаланган, ажод-

ларининг шон-шавкати улуғланган шеърларни иштиёқ билан ўқиши, ўқиганда ҳам тўғри қабул қилиши (яъни ўқиши) бироз қийин эди. Шу боис ўша пайтда Эркин Воҳидов томонидан яратилган «Ўзбегим» қасидаси одамлар онги-шуурига чақмоқдек урилди. Айримларни куйдирди, баъзиларни карахт қилиб қўйди. Лекин бу чақмоқ жуда кўпчилиكنинг қалбидаги зулматни ёритиб юборди. Бунинг боиси «Ўзбегим» қасидаси ўз даврида миллатнинг маънавий эҳтиёжи тарзида дунёга келган ва халқнинг айна пайтдаги бироз бўлса-да, янгиланаётган хоҳиш-истагини ифодалаган эди. Қасида 60-йиллар бошларида эса, бошлаган демократия шабадасидек миллатнинг биқик кўнглида бурқсиб турган миллий ор-номус, миллий ифтихор туйғуси дарчасини очиб юборди. Натижада, бу шеър одамларда ўзига ишонч, қатъият, миллий ғурур пайдо қилди. Орадан озгина вақт ўтиб яратилган «Рухлар исёни» достони, «Инсон», «Бу кўллардир» каби қасидалари халқимизнинг ёришган руҳиятини ишончли кураш йўлига олиб чиқди. Шу жиҳатдан 80-йиллар ўрталарида истиқлол учун бошланган оммавий ҳаракатда ана шу шеърларнинг, улар муаллифи Эркин Воҳидовнинг катта ҳиссаси борлиги шубҳасиздир.

80–90-йилларда шоирнинг аввалги шеърларига хос лирик оҳанг чекиниб, овози бироз дағаллашганлигини, фикри жиддийлашганлигини, хулосалари кескинлик касб этганлигини сезиш мумкин. Аслида бунинг ўз даври учун ижобий фазилат сифатида баҳолаш ўринлидир. Негаки, мазкур хусусиятлар жамиятда юз бераётган алғов-далғов ҳодисалар, Шўро ҳукуматининг халқни менсимаслик, унинг эркини, ор-номусини топташга қаратилган амалдаги ҳаракатларига қарши норозиликнинг акс-садоси тарзида дунёга келган эди.

Оҳангдаги бундай сифат ўзгаришлари, айниқса, Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар» китобидан ўрин олган кучли ижтимоий характердаги шеърлари, «Канада туркуми», «Донишқишлоқ латифалари»да аниқ кўзга ташланди. Гарчи шоирнинг «Арслон ўргатувчи», «Кўча четдаги аёл», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» сингари шеърла-

рида эрк муаммоси кучли ижтимоий руҳ билан суғорилган бўлса-да, рамзий тимсоллар орқали ифодаланган гоё бироз мискин кайфиятда ифодаланган эди (чунки улар яратилган пайтда Шўро ҳукумати ҳали бақувват эди).

Қайта қуриш, ошкоралик ҳаракати бошланган 80-йилларнинг охиридан бошлаб лирик қаҳрамон шоир кайфиятида исёнкорлик руҳи янада кучайди. Энди шоир илгари сурмоқчи бўлган фикрини рамзларга ўраб ўтирмай, очиқ ва кескин баён қила бошлади. Масалан, «Изтироб» шеърисида мустамлакачи Шўро ҳукумати жон талвасасида гоҳ Болтиқбўйи, гоҳ Кавказ, гоҳ Ўрта Осиё минтақаларидаги халқ устига қуролланган армия ва танклар юборгани учун шоир тап тортмасдан, агар шундай «зот коммунист бўлса, мен фирқа дафтаримни отганим бўлсин!» дея ҳайқирди. Ёки қайта қуриш компаниясининг замини бўш ва келажаги қоронғи эканлигини англаган ижодкор тилда қайта қуриш-у, аслида эса ҳамма нарса «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаётганлигини аниқ мисоллар билан кўрсатиб бера олди. Айтиш жоизки, Эркин Воҳидовнинг бу давр шеърларида лирик оҳангдан кўра, публицистик ҳайқирӣқ, ҳис-туйғудан кўра, аниқ факт ва воқеликка таяниш кўзга яққолроқ ташланди.

Айнан ана шу йилларда Эркин Воҳидов ижодига азалдан йўлдош бўлиб келган ҳажвиёт ҳам бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Ижодининг дастлабки йилларидаги ҳазилга мойиллик бора-бора таги зил гоёларни илгари сурувчи жиддий кулгига асос яратди. Эътибор берилса, бу туйғу шоирнинг «Дўстларимни ҳайрон қолдирар...», «Тинглайман кўп ўзбек сўзларин...», «Шеър ҳақида шеър» сингари илк ҳазилларида бегараз, самимий кулгу тарзида кўнгилга енгиллик бағишлаган эди. 70–80-йилларга келиб бу йўналиш бироз жиддийлашди, «кулгуда заҳар моддаси» куюқлашди, муносабат билдирилаётган иллатни инкор этиш очиқ ва кескин тус олди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Кулгу мушоиралари»дан иборат ғазаллари, «Донишқишлоқ латифалари», «Канада туркуми»даги асарлари характерлидир. Масалан, «Кулгу мушоиралари»ни мутолаа қилган ўқувчи танқид қилинаётган

қусурларни қатъий инкор этган ҳолда, шоирнинг беғараз кулгусидан яйраса, «Донишқишлоқ латифалари»ни ўқиб, дастлаб Матмусанинг девоналарча қилган қилиқларидан қаҳ-қаҳ уриб кулади. Кейин эса, бирдан чуқур ўйга толади. Чунки шоир Матмуса тушган вазиятнинг туб моҳиятини англамай кулаётган биздек нодонларга нимтабассум билан:

*Аё дўстлар, адашган
Матмусадан кулмайлик.
Матмусадек ўзимиз
Тандир кийган бўлмайлик*

— деб танбеҳ беради. Чиндан ҳам Матмуса ким? У аслида ўз даврида коммунистик мафкура тандирини кийиб олиб, кўзлаган манзил-макони, мақсад-муддаоси номаълум бўлган ўзимиз эмасми?

Дарвоқе, Эркин Воҳидов латифаларидаги тандир, дутор, қалпоқ, лаган, эшак сингари деталлар Матмуса шахси билан ёнма-ён туриб, ривожлана бориб, қаҳрамон характери турли томонлардан ёритувчи образ даражасига кўтарилади.

Эркин Воҳидовнинг чинакам санъаткор сифатидаги бош фазилатларидан яна бири ўзининг халқ дардини англаш, бу дарду ташвишларни енгиллатиш учун унга ҳамқору ҳамдаст бўлиш анъанасига мустақилликка эришилгандан кейин ҳам содиқ қолганлигидир. Яъни шоир айримларга ўхшаб, ўзининг бош мақсади — Ватани озодликка эришганидан кейин ниятига етган фуқаро сингари ўзини четга олмайди. Балки мустақилликни янада мустаҳкамлаш, уни асраб қолиш йўлида собитқадамлик билан, ҳам ижодий, ҳам амалий фаолиятда намуна кўрсатди. Зеро, мустақилликка эришган бўлсак-да, ҳали-ҳанузгача оёғимизда ўтмишдан илашиб келаётган кишанлардан, онгимиздаги қуллик психологиясидан, маънавиятимиздаги жаҳолатдан тўла халос бўлганимиз йўқ. Шундай экан, чинакам виждонли инсон, миллатпарвар шоир ҳурриятнинг моҳиятини қуйидагича тушуниб, уни асраб-авайлаш учун курашиши шарт:

*Хуррият — номус-ор, нафсониятдир,
Қадрин билган элга мангу ниятдир.
Хурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас,
Бахт учун энг буюк имкониятдир.*

*Хурриятга ишонч, саботинг керак,
Журъатинг, парвозинг, қанотинг керак.
Ватан хуррияти учун ҳамиша
Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.*

Чиндан ҳам, шоирнинг ўзи айтганидек, «Адабиёт — мўмин-маъқул одамларнинг майдони эмас. Фақирона кўни-кувчанлик, ўз тинчини ўйлашни ҳалок этувчи омиллардир». Бу билан Э.Воҳидов шеърият фақат ҳамду санолар воситаси эмас, балки унинг вазифаси мудроқ халқнинг кўзини очиш, эришилган галабани асраб қолиш ва кўпайтиришдан иборат эканлигини амалда исботлай олди ва истиқлол шеъриятини одамлар йўлини ёритувчи машъалага айлантирди. Бу машъала ҳануз порлаб, ўз қутлуғ вазифасини шараф билан бажариб келаётир.

Оташнафас шоир Эркин Воҳидов ўзининг бутун ижоди давомида миллатнинг кўзини очиш, унинг ўзлигини ўзига англантиш, ўз шаъни, ор-номуси, эрку озодлиги учун курашга чорлаш йўлидан борди. У ижоднинг асосий моҳияти, пафоси шунда деб билди ва энг оғир вазиятларда ҳам бу йўлдан чекинмади. Бу борада Э.Воҳидов ўтган аср бошларида маърифатни, маърифат орқали миллий мустақилликни тарғиб қилган жадид шоирларининг ўлмас анъаналарини давом эттирди. Маълумки, жадид адабиёти намояндалари оммани жаҳолат уйқусидан уйғотиш учун миллат оёғига кишан бўлган, уни жаҳолат ботқоғига тортаётган иллатларга қарши кескин курашган, уларни халқ юзига очиқдан-очиқ, аччиқ тилда айта олган эдилар. Ҳозир ана шу вазифани Э.Воҳидов шараф билан адо этмоқда. Шоир назарида ҳозирги пайтда бардамалаб кетаётган янгича бемаъни урф-одатлар, олди-бердиларга сарфланаётган ҳаражатлардан ҳам

кўра кўпроқ вақт ва умрнинг исроф бўлаётганлигидир. Бу бемаъни урф-одатларга сарфланаётган вақтимизни эзгу ишларга бағишласак, мустақиллигимиз бундан ҳам гуллаб-яшнаган, турмушимиз бундан-да фаровон бўларди. Шоир шеърлари вужудидан ана шу нидо жаранглаб туради.

Эркин Воҳидов ижодининг аввалги босқичларида учрамаган мурожаат усули «Оғриқли саволлар», «Давлат иши», «Шаҳарми бу, қишлоқми бу..», «Сен менга тегма», «Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин» сингари шеърларида аниқ кўзга ташланади. Уларда шоир-лирик қаҳрамон ўқувчига тўғридан-тўғри мурожаат қилади, унга оғриқли саволлар бериб, мантиқли жавоблар кутади. Аммо дилини қониқтирадиган жавоб ололмай фарёд чекади. Бинобарин, Э.Воҳидовнинг бу шеърлари инсон қалбига бевосита йўналтирилган, инсон шаъни учун курашадиган, инсон шахсига нисбатан меҳр билан сугорилган шеърият эканлигини исботлайди.

Эркин Воҳидов бундан кўп йиллар муқаддам:

Шоирлик — бу ширин жондан кечмакдир,

Лиммо-лим фидолик жомин ичмакдир.

Шоирлик — жигарни минг пора этмак,

Бағир қони билан сатрлар битмак.

Ўзни томчи-томчи, зарра ва зарра

Элга қурбон қилиб, энг сўнги карра —

Армон билан демак: «Эй она юртим,

Кечир, хизматингни қилолмай ўтдим...»

— деб ёзган эди. Бугун шоирнинг улкан адабий меросидан баҳраманд бўлиш асносида тўла ҳуқуқ билан айтишимиз мумкинки, Эркин Воҳидов халқига хизмат қила олгани учун ҳақли равишда «Ўзбекистон халқ шоири» унвонини олди. «Лиммо-лим фидойилик жомини» ичгани ва бу йўлда намуна кўрсатгани учун муҳтарам Президентимиз ўз қўллари билан кўксига «Олтин юлдуз»ни қадаб, «Ўзбекистон қаҳрамони» деб эълон қилдилар. Халқимиз ва Ватанимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланиб келмоқда.

Ҳозир Эркин Воҳидов ижоди айнан ширага тўлган пайти. Бу фикримизни шоирнинг кейинги пайтда эълон қилган шеърлари, публицистик мақолалари, суҳбатлари тўла исботлаб турибди. Она халқига, Ватанига чинакам меҳр қўймаган ижодкор ҳар қанча истеъдодга эга бўлмасин, бундай мавқега эриша олмайди. Меҳр-муҳаббати кучли, садоқати беқиёс бўлганлиги туфайли Эркин Воҳидов халқимизнинг чиндан ҳам ниҳоятда суюкли шоири бўлиб қолди. Шоир ўзбек шеъриятига янгича фикр, янги шакллар, янги образ, янгича оҳанг, янгича усул ва воситалар олиб кирди ва унинг тамоман янгиланишига муносиб ҳисса қўшди. Шоир шеърлари кўнглимизга ором, руҳимизга кўгаринкилик, вужудимизга бардамлик бағишлайди. Демак, шундай шоирни севмаслик, асарларини чин дилдан суйиб мутолаа қилмаслик мумкин эмас!

Покиза ниятнинг нурли йўллари
(Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим
портретига чизгилар)

Ҳозирги ўзбек шеъриятида ўз йўлини топган, ўз овозига эга бўлган, ўзига хос поэтик олам яратган ижодкорлардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимовдир. Шоир илк ижодий қадамларидан бошлаб, замондошини ғафлат уйқусидан уйғотиш, ўзига келтириш, хушёр торттириш, ўзлигини англаш ҳамда англатиш ниятида турли жанрлар ва шаклларда асарлар яратиб келаётир. Бу покиза ниятларини амалга ошириш учун у ўқувчи билан ранг-баранг оҳангларда суҳбат қуради, ҳар хил усуллар билан кўнглига йўл топишга уринади. Дастлаб шуни таъкидлашни истардимки, Усмон Азим шеъриятдан кўзлаган бу ғоявий-бадий ниятларини, энг аввало, китобларига муносиб ном қўйишдан бошлайди. Бу номлар муаллифнинг ижодий ўсишини, бадий-эстетик принципларининг тақомиллашувини босқичма-босқич англатиб ҳам туради.

Масалан, Усмон Азимнинг илк тўплами «Инсонни тушуниш» деб аталган (1978). Ўз-ўзидан англашиниб турибдики, шоир биринчи галда инсонни тушунишни, унинг қалбига киришни кўзлайди. Шоир ижодига хос бу фазилатни тўпламга ихчамгина сўзбоши ёзган атоқли шоир Шухрат ҳам қувонч ва қониқиш билан Усмон Азим дастлабки шеърларидаёқ «ўзига хос, ҳали тенгдошлари идрок этиб олмаган янги гап айтди. Бу гаплар чиндан ҳам шеърятимизда янгилик бўлди» дея таъкидлаган эди. Бу янгилик шундан иборат эдики, Усмон Азим илк ижодий қадамидан бошлаб ўз олдига «Инсонни тушуниш керак!» деган қутлуғ ниятни қўяди.

Биринчи тўплами нашр этилгандан кейин бир йил ўтгач, шоирнинг «Ҳолат» деб аталган иккинчи китоби босилиб чиқди. Тўпламда шундай сарлавҳали шеър йўқ, бироқ ундаги барча шеърлар инсон руҳиятини, психологик ҳамда психофизиологик ҳолатини, сурати-ю, сийратини англаш ва тушунишга бағишланган. Ижодкорнинг эстетик нияти, айниқса, «Параллель чизиқлар» сарлавҳали шеърда очик кўринади. Унда тўғрилиқнинг нурли истиқболи, эгриликнинг фожиали якун топиши, қинғир йўллар билан ҳаёт кечирувчи кимсаларнинг «*Ел қўзғалса қалтирашиб, сокин паноҳ излашиб*», чақмоқлардан чекиниб, ҳатто оловлар олдиди музлаб яшашларидан норозилик кайфияти аниқ поэтик образлар орқали ифодаланади. Уларни рад этар экан, лирик қаҳрамон-шоир эгри йўллардан юриб мақсадига эришгандан кўра, параллель чизиқлар сингари одамлар билан ёнма-ён ҳаракат қилишни афзал кўради. Бу шеърни ўқиб чиққач, тўғрилиқ ва эгрилик ўртасидаги кураш тугёнлари китобхон қалбида ҳам давом этади. Назаримда, У.Азимнинг шеърлари инсонга хос ана шундай жўшқин туйғуларнинг даражасини аниқ кўрсатадиган сезгир барометрга ўхшайди. Чунки бу шеърлар шахснинг мураккаб кечинмаларини, оний кайфиятларини, изтироб ва қувончларини жуда равшан, ишонарли ва таъсирчан акс эттира олади. Шу жиҳатдан мана бу сатрларига қулоқ солинг-а:

*Кетгин энди. Севмайман-ку,
Мени қолдиргин ёлғиз!
Тугаяпти сабрим... Тагин —
Оёгингга чўкмай тиз...*

Изоҳсиз ҳам тушунарлики, бу парчада муҳаббати рад этилган ошиқнинг севгилиси олдидаги ҳам мағрурона ҳолати, ҳам айна пайтдаги ожизлиги параллел равишда аниқ ва жозибали тасвирланган.

Усмон Азим ўз мақсадини амалга ошириш йўлида тинмай изланадиган ижодкор. У энди ўз «Ҳолат»ини англашни ҳам истамаётган кимсаларга бундай кўникиш «Оқибат» (шеърлар ва дoston. Т., АСН, 1980)и оғир йўқотишларга олиб келишини айтиб огоҳлантиради. Эҳтимол, шунинг учундир, шоирнинг ушбу тўпламига киритилган шеърларнинг ҳаммаси ҳам кўтаринки руҳда ёзилмагандек таассурот қолдиради. Аммо бу лирик қаҳрамоннинг тушкунликка тушганлигини англамайди. Аксинча, бугунини ўтказиш билан овора бўлиб, эртасига бефарқ қараётган замондошининг ҳақиқий башарасини кўрсатиш учун навбатдаги китоби билан юзига «Кўзгу» (1983) тутали. Айнан ана шу номдаги шеърини ўқиб, бу рамзий поэтик тимсолда шоир қандай улуғвор ниятларни кўзда тутганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унда тасвирланишича, ўзи хийла ёш бўлса-да, аллақачон «*Юзига ажин, Сочига оқ оралаган одам кўзуга боқди. У кўрмоқчи эди ўзини*». Бироқ кўзгуда унинг қиёфаси эмас, балки «*бир жуфт қўл*» кўринади. Бу қўллар «*ялмоғиз чўнтакка, юҳо қоринга хизмат қилиб*» келган. Бу билан кўзгуга боқаётган шахснинг умри бекор, ёлғонлар оғушида, кунлари «*ёзилмаган варақлар каби бўм-бўш*», фақат қорин ғамида ўтганлигига ишора қилинади. Афсуски, бу одам ўзининг эртаси, келажагига ҳам бефарқ; шоирнинг ачиниш билан тасвирлашича, у «*Беғубор кўзларида осмон акс этган Бола*»ни ҳимоя қилиш ўрнига пулдор бир одамнинг тинимсиз муштлаши учун унинг қўлини ушлаб ҳам беради. Шоир «*Бошини чангаллаб, кўзуга*» ҳиссиз термулиб турган бу одамни уйғотишни истайди. Аммо бу

ғоят душвор вазифадир. Шунга қарамай, шоир ўз ниятини амалга ошириш учун бундай кимсаларга уйғониш йўллари ҳақида «Дарс» (1986) беришга уринади. Усмон Азим «Уйғонини азоби» (1991) деб аталган навбатдаги китобида ҳам ана шундай лоқайд, бепарво кимсаларни қандай қилиб уйғотиш йўлларини излайди.

Бунинг учун шоир, аввало, ижодда ростгўйликни мақсад қилиб олади. Ўйлаб кўринг, Шўро сиёсати мамлакатдаги барча миллатларни йўқотиб, русларга кўшиб юбориш (ассимиляция) билан «умумсовет халқи»ни яратиш, ягона маданият, адабиёт ва санъатни вужудга келтириш, бунга қарши чиқувчиларни ким бўлмасин жазога мустаҳиқ этиш учун заҳарли тишини қайраб турган бир шароитда ўз миллатининг дардига шу йўл билан малҳам излашга интилиши чиндан ҳам янгилик ва жасорат эмасми?! Шоир бу ниятини қатъият билан амалга ошириш учун илк шеърларидан биридаёқ шундай онт ичган эди:

*Қалбингизга дарё бўлиб кираман бир кун,
Шеър юртидан садо бўлиб кираман бир кун.
Умрим ўтар бағрингизга баҳор солгани,
Куз билан жанг қила-қила ўтаман бир кун.*

Кўриниб турибдики, шоир она халқининг бағрига баҳор (истиқлол тимсоли) нафасини олиб кириш учун бутун умрини «Куз (мустамлакачи рамзи) билан жанг» қилишга бағишлайди. Ажабки, шоир ижодида ушбу рамзий тимсоллар шеърдан-шеърга, тўпламдан-тўпламга барқарорлашиб, ўсиб, кенгайиб, тиниқлашиб бораверди. Масалан, навбатдаги шеърларидан бирида шундай сатрларни ўқиймиз:

*«Тонг титрайди кеч кузакнинг қучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ».*

Агар У. Азим кўллаган куз, баҳор тимсолларини унинг поэтик нияти мезонлари билан ўлчайдиган бўлсак, *тонг* (истиқлол арафаси) умрининг сўнгги кунларини кечираёт-

ган кузак (куз эмас! Тугаб қолган, чириган кузак-Й.С.) бағрида титраб-титраб бўлса-да, «гулгун шафақ»қа (мустақиллик) интилаётганига ишора қилинади. Бу Усмон Азим шеърларида образ, фикр, туйғу доимий ҳаракатда эканлигидан далолат беради. Бу ҳаракат мунтазам давом этади, гоҳ иккинчи бир ҳаракат билан тўқнашади, баъзан улар бирлашиб ягона мақсад сари йўл олади. Ҳаракатлар динамикаси, тўқнашуви ва бирлашиши натижасида, шеърларда кучли драматизм, чуқур психологик ҳолат вужудга келади.

Шоирнинг куз фаслига бағишланган талай шеърлари ва туркумларидан ташқари, алоҳида «Куз» деб аталган тўплами ҳам нашр этилган (2001). Тўғри, уларнинг барчасида ҳам бу фасл юқоридаги рамзий тимсол сифатида тасвирланмаган бўлиши мумкин. Бироқ, шуниси аниқки, шоир учун куз шунчаки табиатнинг олтин фасли эмас, балки висол онларини кутиб сарғайган севги, умр дафтариининг заъфарон варақлари, қиш олдидан изҳор қилинаётган тазарру фасли бўлиб кўринади. Хуллас, куз бу ўткинчи ҳаётни фалсафий мушоҳада қилишга уринаётган шоир Усмон Азимнинг қалб кечинмаларини турли ранг ва бўёқларда акс эттиришга хизмат қилувчи образ даражасига кўтарилади.

Усмон Азим шеърларининг асосини Ватанни англаш, ўзликка қайтиш, вафодорлик, фидойилик туйғуси ташкил этишини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг шеърларни ўқиб, Ватан тақдири шоирнинг «улуғ дард»ига айланганини, агар унинг «Шеърда суратин чизса Тўрт мучаси соғ» бўлишини истаётганини англаш қийин эмас. Мабодо лирик қаҳрамон-шоир минг бир бўлакка бўлиниб кетса ҳам, «Ватан» деган сўзни эшитганда қайтадан бирлашиб, тирила бошлайди, қаддини тиклайди. У Ватан сўзидан вужудига қувват, мақсадига журъат, юрагига жасорат олади. Шоирнинг хулосаси шуки, «Ватандан бошқа бир сўз қалбимга мос тушмади». Бу муътабар сўзнинг туб маъносини ўқувчига чуқурроқ англатиш учун Усмон Азим ижодда турли шакл ва усуллардан фойдаланади. Унинг китобларини варақлар эканмиз, гоҳ халқона ўланлару, Фарб адабиётига хос балладаларгача, гоҳ «чапани ёки жай-

дари шеърлар»га ҳам, буюк «Хамса»га татаббуъ тарзида ёзилган сатрларга ҳам, японча хокку билан ёнма-ён ўзбекона учликларга ҳам дуч келамиз. Лекин ҳаммасининг асоси, илдизи битта: Инсонга муҳаббат, муҳаббатда вафо, вафода қатъият, қатъиятда интизом, интизомда имонлилик...

Шоир ижодида Ватан образига параллел равишда Эрк тимсоли ҳам мунтазам ифодаланади. Усмон Азим катта гап айтадиган, дангалчи шоир сифатида бўлинган, майдалашган, «*Мисқол-мисқол эрк*»ни тан олмайди, унга «*Эрк керак-дир бутунлигича*». Ижодкорнинг «Эрк ҳақида шеърлар» деб аталган алоҳида туркуми ҳам бор. Эрка танина лирик қаҳрамон учун «*Эрк – манзилмас, эрк – йўл*»дир. Бу йўл жуда олис ва машаққатли, уни фақат юриб, излаб, курашиб топиш мумкин. Бироқ бундан чўчимаслик керак. Чунки бу айнан Усмон Азимнинг лирик қаҳрамони табиатига мос фазилатдир. Шоир шеърларининг лирик қаҳрамони ўз танлаган йўлидан сира қайтмайдиган, ўзини аямайдиган жасур инсон қиёфасида намоён бўлади. Шу характерига кўра, бу лирик қаҳрамон айнан шоирнинг ўзидир. У уйқусираганларга, лоқайдларга, эътиқодсизларга ашаддий ёв! Шу боисдан Усмон Азим шеърларининг хулосалари ниҳоятда бақувват, залворли, ҳайқириқ, жонкуярлик, изтиробдан иборат. Халқини, миллатини уйғотишни истаган шоирнинг дарди шу қадар ҳароратлики, уларни кўтаролмай «*Қоғозлар ёнди*», энди «*Дардимни битгани менга тош керак*» дейди у.

Усмон Азим ўз шеърларида ҳаёт ҳақиқатини янада таъсирлироқ ифодалаб бериш учун талай бадиий образлардан фойдаланади. Бунинг учун гоҳ Элбек бахши билан Эломон бахши, гоҳ Оқботир билан Қоработир, гоҳ Алпомиш образларига ва яна табиат унсурлари ҳамда йил фаслларига кўп мурожаат қилади. Масалан, шоирнинг «Бахшиёна» тўплами бошдан охиригача Элбек бахши билан Эломон бахши айтишувлари асосига қурилган. Уларнинг айтишувлари орқали ижод аҳлининг халқ олдидаги бурчи, сўз қадри, инсон эрки улуғланади. Шундан кейинги йилларда шоирнинг «*Ғусса*» (1994), «*Узун тун*» (1994), «*Бор экану йўқ экан*» (1995) сингари

тўплamlари босилиб чиқди. «Сайланма»си эса, (1995) оташнафас шоир Усмон Азимнинг ўқувчилари олдидаги чорак асрлик ижодий ҳисоботидир. «Сайланма» шоирнинг аввалги китоблардан олинган сара шеърларидан ташқари, шартли равишда, «Кўнгил», «Тазарруъ боғлари», «Турмуш суратлари», «Хурлик ҳақида шеърлар», «Балладалар», «Севги ҳақида шеърлар», «Чапани ёхуд жайдари шеърлар», «Хамса»га татбу», «Уч драматик баллада» деб номланган бўлимлардан ташкил топган. Улар таркибидаги ҳар бир шеър орқали маълум мақсад илгари сурилади. Ҳам шаклан, ҳам мазмунан бундай ўзига хослик шоирнинг «Куз» деб аталган тўпламида (2001) янада мукамалроқ намоён бўлган.

Тўплaмни шоир етти дафтарга ажратади. Ҳар бир дафтарга киритилган шеърлар мундарижасига қараб, алоҳида номлар қўйилган. Биринчи дафтар «Севги» деб аталиб, унда шоир кўнглининг энг тубидан жой олган муҳаббати ҳақида сўз боради. Маълумки, ҳар бир шоир томонидан ишқ васфи ўзига хос парда ва оҳангларда куйланади. Ижодкорларнинг муҳаббатга қараши ҳам ранг-баранг, бир-бирига ўхшамаган ташбеҳлар билан бойитилган, баъзида эса бири иккинчисини тўлдирадиган дил изҳорларидир. Алқисса, «Муҳаббат инсониятни ҳайвонот оламидан суғуриб олган куч» (Зигмунд Фрейд) экан, ҳар бир санъаткор бу мавзуга қўл уриши, уни ёниб куйлаши табиий ҳолдир. Айниқса, инсон ҳаёти ва унинг ҳис-туйғуларини куйлашга масъул бўлган санъат тури – адабиёт бу мавзудан ҳеч қачон воз кеча олмайди. Зеро, муҳаббат мумтоз адабиётимизнинг илк намуналаридан тортиб, то ҳозирги кунгача абадий ва ўлмас мавзу бўлиб қолаверади.

Усмон Азим ҳам қалбига «титроқли дунё» солган севги хусусида жўшиб ёзади, уни ўзича талқин қилади. Назаримда, бу шоир ўқувчига муҳаббатнинг лаззатли висол онлари, айрилиқнинг ширин азоби ёки маҳбубанинг истиғноли нозкарашмалари ҳақида ёниб-куйиб шеърлар ёзмайди. У кўпроқ инсон зотининг муҳаббат қарнисидаги ҳайратини, унга қандай қилиб лойиқ бўлиш ва эришиш ҳақидаги ўй-фикрларини, аросатдаги ошиқнинг ҳис-туйғуларини тасвирлашга ури-

нади. Ошиқ-шоирнинг кўзига рўпарасида турган реал маъшуқа эмас, балки «*қайтмас бўлиб кетиб бораётган Икки шафақ аро бир ёруғ жаҳон...*» кўринади. Бинобарин, Усмон Азимнинг севги ҳақидаги шеърлари яхлит олганда ана шу шафақ олдидаги ҳайратидан туғилган, унга етишиш истагини ифодаловчи дил изҳоридир. Чунки ўзи айтганидек:

*Ҳатто қалбимдаги энг юксак осмон (ҳам)
Бундай шафақзорни тополмас ҳаргиз.*

Шу билан бирга, унинг дилида шубҳа уйғонади: «Энди қандай яшайман?» Чунки ошиқнинг қалбини «*Бениҳоя, бесарҳад соғинч*» емиряпти. Натижада унинг умри вайронга айланиб, вужуди завол топмоқда. «*Руҳим (эса) бир хўрсиниш, бир қатра ёш*»га айланди. Шу боис лирик қаҳрамоннинг жони азобда, вужуди дарддан тўлғонади. Эски аламлар унинг жисмини эзди, ёндиради, андуҳлар қалбидаги умид ғунчаларини уза бошлайди:

*Бу кеча келтирди қанақа хатар,
Қай олис аламлар эзар жисмимни?
Қалбга яқин келди қай улуғ қадар —
Жонимдан бир ингроқ узди исмингни?*

Бироқ лирик қаҳрамон-шоирнинг бу оҳ-нолалари кишини севгининг азоб-уқубати олдида таслим бўлишга чақирмайди, узлатга чекинган ошиқнинг руҳий тушкунлигини англамайди ва ўқувчини ҳам шу кўйга солмайди. Аксинча, ижодкор муҳаббатнинг бу қирраларига урғу бериш орқали уни қадрлаш, эҳтиёт қилиш ғоясини илгари суради.

Тўпламдаги иккинчи дафтар «Тазарру боғлари» деб номланган. Дафтардан «Муқаддима» ва «Хотима»дан ташқари, йилнинг тўрт фасли номи билан аталган «Қишки боғдан келган шеърлар», «Баҳорги боғдан келган шеърлар», «Ёзги боғдан келган шеърлар», «Кузги боғлардан келган шеърлар» ўрин олган. Боғ бу — инсон (лирик қаҳрамон-шоир) умрининг рамзий харитаси. Шоир бу боғ қаршисида чуқур ўйга толади,

«Термулдимми — йиғи томоқда» хиққиллайди, ақл ўткинчи «фалакнинг чархи, инсон умрининг нархи» ҳақида мушоҳада юритади. Умрни йил фаслларига нисбат бериб тасвирлаш анъанаси буюк Шарқ адабиётига хос хусусиятдир. Бунинг энг яхши намунаси Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний» девони ҳисобланади. Бизга аёнки, Навоий ҳазратлари инсон умрини йилнинг тўрт фаслига кўра тартиб билан Баҳор—Ёз—Куз—Қиш тарзида белгилаган. Усмон Азим эса, устоз Навоийдан дуо олган ҳолда, бу тартибга бошқачароқ ёндашади. Усмон таснифининг фарқи томони шундаки, у инсон умри дафтарини ёшлик давридан эмас, балки кексалик пайтини ифодаловчи «Қишки боғ» кечинмаларини тасвирлашдан бошлайди. Менимча, Усмон Азим қўллаган ушбу ретроспектив усулнинг чуқур фалсафий ҳамда бадий асоси бор. Гап шундаки, одамзод ўз ҳаётининг «*Бу гўзал боғ ичра баҳор денгизи, Мавжлари — ям-яшил, уфқи — қирмизи*» рангга бўялган ёшлик даврини, ҳеч нарсага парво қилмай «Хурлик ичра мастона» кечган ёз — йигитлик пайтини бошларига қор ёққан, қиш ва куз енгиб, «Ёлворса ҳам қайтмайди(ган) баҳор»ини кўмсаш ҳолатига тушган паллада эслаши, уни ақл тарозисида ўлчаб, ўша ўткинчи кунлардан маълум хулосалар чиқариши бадий мантиққа кўпроқ тўғри келади. Зеро, бу ёшда фикр юритаётган лирик қаҳрамон мутафаккир қиёфасида намоён бўлиб, тавба-тазаррусини, руҳий кечинмаларини ишонарли тасвирлайди.

Шоир ҳар фаслдаги руҳий кечинмаларини табиатдаги ҳодисаларга муқояса қилган ҳолда қоғозга туширади. Шеърлардаги лирик қаҳрамон юрагига тинмай қор ёғади, гўё «Навоийнинг сатридай йиғлаб» ёғади оппоқ қорлар. Баҳор келади. Ошиқ кўнглида яна умид ғунчалай бошлайди. Ёз фаслида эса, соғинчига соғинч қўшилаверади. Қайси фаслда бўлмасин, ошиқ дард чекади, алам ютади, изтироб симиради. Аммо бу тушкунликка олиб келмайди. Чунки:

*Юлдузлар ўтида бошим машъалдир,
Ернинг зах қаърида оёқларим — муз.*

*Юрагим — наврӯзу руҳим — ҳамалдир,
Жонимда — саратон, қисматимда — куз.*

Зеро, вужудида саратон ҳарорати уфуриб турган, юраги наврӯздан, руҳи ҳамалдан қувват олаётган ошиқ кузга осонликча бўйин эгмайди.

Ажабки, ушбу бўлимдан урин олган «Кузги боғлардан келган шеърлар» бошқа боғлардаги шеърларга қараганда ҳажми кўпроқ, мазмун томонидан чуқурроқ ва изтироблироқдир. Бунинг сабабини шоир ёш жиҳатдан умрининг куз фаслига қадам қўйганлиги («*Дунёнда мен қирқ йил яшадим тикка*», «*Мана, мен қирқ йил дардинга тўйдим*»), энди баҳор узоқ, ёз олисга чекиниб, қиш фаслини хотиржам кутиб олиш учун тавба-тазарру қилиш муддати яқинлашганлигидан излаш тўғрироқ бўлади. Негаки, одамнинг ёши улғайгани сари дунёқараши ҳам кенгайиб бораверади. Бу фикримизни «Кузги боғлардан келган шеърлар»нинг уч дафтарга ажратилганлиги ҳам тасдиқлайди. Агар «Кузги боғ I»да лирик қаҳрамон кайфиятида озгина исёнкорлик мавжуд бўлса (ёшлик, йигитлик даври), «Кузги боғ II»га кирган шеърларида куз фасли заҳматларига кўникиш («*Куз, мана сен томон узатган қўлим, Боққа чўз қўлингени... Ярашамизми?*»), сўнгги «Кузги боғ III»да эса юрак тош каби бироз оғирлашиб қолганлиги, энди «Унда имон азон» айтишга даъват қилаётганлиги, ана шу йўл билан «*тош кўнгилни тарошлаб*», «*Поклик сари сокин*» қадам ташлаш, ўтган гуноҳларни куз хазонлари сингари ёндириб, тиниқ бўлишни истаган лирик қаҳрамоннинг шукрона ҳолати устуворлик қилади.

Китобдан жой олган учинчи дафтар «Тоғ ва дашт қўшиқлари», тўртинчи дафтар «Хотира парчалари», бешинчиси «Баҳсларнинг давоми», кейингиси «Сукунатлар ва қичқариқлар», сўнггиси «Тугалланмаган китоб» деб номланган. Номлар тағмаъноли бўлиб, ижодкорнинг ғоявий ниятларини аниқ ифодалашга хизмат қилади. Аввало, бу етти дафтар рамзий маънода дунёнинг етти қитъасини англаш ис-

тагини уйғотади. «Тугалланмаган китоб» эса, ҳаётнинг давомийлиги, санъаткорнинг халқ ва адабиёт олдидаги масъулиятини чуқур англаб ижод қилаётганлигига ишора-дир. Бинобарин, Усмон Азим ҳали бу тугалланмаган китобини ижодининг бош принципига айланган ростмана сўзлар, образлар, оҳанг ва ранглар билан янада бойитади.

Усмон Азим шеърлари ҳаёт ҳақиқатини, кўнгил оғриқларини беҳато акс эттиради. Шоирнинг мавзу кўлами ғоят кенг ва ранг-баранг. Унинг ижод хазинасидан ҳаётий ва илоҳий ишқ мотивлари, тавба-тазарруъ, табиатдаги эврилишлар, бахшиёна ўланларгина эмас, балки ижтимоий ҳаёт инсоният олдида кўяётган долзарб муаммолар тўғрисидаги шеърлар, дostonлар, драмалар, насрий асарлар, публицистик мақолалар ҳам кенг ўрин олган. У қайси жанрда асар яратмасин, юрагидаги дардларини тўкар экан, «...оқ қоғизга ногаҳон тушди Қисматимнинг қоп-қора қони» дейди. Зеро, шоир қисмати у мансуб бўлган она халқининг қисматиدير. Шунинг учун ҳам, лирик қаҳрамоннинг юраги эзилади, унинг ҳатто кулгусида ҳам дард бор, йиғи бор: «*Юракка айланди ҳатто суягим, Ҳатто кулгуларим — ҳарир йиғига*». Шу билан бирга, Усмон Азим ижодида шеър ва шоир қисмати ҳам устувор масала сифатида илгари сурилади. Бир ёндан аёвсиз дардлардан қийналаётган шоир, бир ёнда эса, унинг ҳукмидаги лирик қаҳрамон. У ўз соҳибини мени «*Уйқу босди, мана кўзимни, Уйғонмоққа сўз топгин қутлуғ*» деб изланишга мажбур қилади. Шу маънода шоир шеърларида бўй кўрсатаётган лирик қаҳрамон қатъиятли, ростгўй, имонли, сабрли, иродали инсондир, у Усмон Азимнинг ўзидир деб хулоса чиқарсак, тўғрироқ бўлади.

Биз шоирнинг ўтган 40 йил мобайнида эълон қилган китоблари номларидан сизиб чиқадиган маъноларга асосланиб, унинг ижодий камолотини куйидаги босқичларга ажратишни лозим топдик:


1. Усмон Азим дастлаб «*Инсонни тушуниш*», унинг мураккаб «*Ҳолат*»ини англаш ва тадқиқ қилишни ўрганди (70-йиллар).

2. У замондошларига бепарволик, лоқайдлик, мутелик фожиали «Оқибат»ларга олиб келишини айтиб огоҳлантирди ва ўқувчиси юзига ҳақиқатнинг олмос «Кўзгу»си (шеърят)ни тутди ҳамда уларга ўзликни англаш, кўзни эртароқ очини мавзусида «Дарс» бера бошлади (80-йиллар бошланиши).

3. Шоир одамларнинг қиёфасини бўлиб ташлашдан манфаатдор бўлган («*Сурат парчалари*») ва ёлғон асосига қурилган жамиятда рост сўзни айтолмай қийналган («*Бахшиёна*») халқининг «*Уйғониш азоби*»га ҳамдард бўлди. Уни уйғотиш қийинчиликларидан «*Фусса*»га тушди, «*Узун тун*»лар азоб чекиб, тўлғаниб чиқди (80–90-йиллар).

4. Аммо ҳар доим Эрк «*Соғинч*»и билан яшади, охири «*Юрак*»ни худди Данкодек юлиб олиб, «*Фонус*» сингари боши узра баланд кўтарди-да, халқини эзгуликка бошлади. У ҳамон йўлда, манзил эса нурафшон... (90-йиллар)

Ҳа, Усмон Азим мудроқ кўнгилларни уйғотиш истагида ҳамиша бедор яшаб, рост сўзларга суяниб қалам тебратаётган шоирлар сирасидандир. Айнан ана шу фазилати билан бу шеърлар ўқувчилар қалбига ўрнашиб, акс-садо бермоқда. Чунки шоир ҳанузгача устози Шухрат домла фотиҳа берганидек, ҳар доим «Янги гап айтиб» келаётган, тенгдоши Мирзо Кенжабек таъкидлаганидек, ҳамиша ростгўй шоир бўлиб қолаётир. Зеро, шеърятнинг ростгўйлик «*пичоғини қалбига санчиб*» ижод қилаётган бу шоир ҳеч қачон ёлғон гапирмаган ва гапирмайди («*Шоирлар айтади фақат ростини*». «*Курашда ҳам, ғамда ҳам, Байроғим бўлди виждон*»). Чунки у ўз ижодига ҳадисларда айтилган қуйидаги дуони асос қилиб олган: «*Одамларга ҳақ сўздан кўра яхшироқ садақа йўқдир*». Буни шоирнинг ўзи ҳам қаҳрамони Элбек бахши тилидан «*Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл*» деган. Бу сўзлар Усмон Азим учун шунчаки шоир эмас, балки ҳаётий ва ижодий аъмолига айланганлигини барча асарлари исботлаб турибди.



Учинчи бўлим

УСТОЗЛАР ДАВРАСИДА

Кучинг етса – олим бўл. Агар олим бўлолмасанг, олим одамга шогирд бўл. Буни ҳам эпллолмасанг, чин олимларни ҳурмат қил. Бу ҳам қўлингдан келмаса, олимларни норози қиладиган ишни қилма.

Ҳадиси шарифдан

ҲАМКОРЛИК БАХТИ

Эссе

Мен мунаққид Озод Шарафиддинов билан 1962 йилда сиртдан танишганман. У пайтда Фарғона давлат педагогика институтининг биринчи курсида ўқирдим. Деярли ҳар куни шаҳар марказида янги қурилган китоб магазинига кирардим. Бир куни оқ муқовасига қизил рангда катта-катта ҳарфлар билан «Замон. Қалб. Поэзия» деб ёзилган китобчага кўзим тушди. Муаллифига қарадим: О.Шарафиддинов. Бу ном ҳали менга таниш эмасди. Лекин китобчанинг номи мени ўзига оҳанрабодек тортди. Чунки ўша пайтдаги кайфиятим шоирона, шеър ёзиб юрган, унинг сирларини ўрганишга қизиққан фаслим эди. Сотиб олдим-да, мутолаага киришдим. Ўқиганим сари адабиёт, шеърят ҳақидаги фикрларим ағдар-тўнтар бўлиб кета бошлади. Чунки китобда бизнинг устозларимиз оғзидан бол томиб мақтаган, ўзим яхши кўриб, кўп шеърларини ёдлаб юрган машҳур шоирларнинг айрим шеърлари кескин танқид қилинган, авра-астари ағдариб ташланган эди.

Шундан сўнг айрим муаллимларнинг дарсига ҳам муносабатим ўзгарди. Айниқса, ўша пайтда «Ўзбек совет

адабиёти» деб аталган фандан дарс берадиган бақироқ домланинг баландпарвоз, фақат мақтовлардан иборат дарсига умуман киргим келмай қолди. Озод домла гўё менинг мурғак кўнглимда исён ясагандек эди. Яна шу мунаққиднинг китобларини ахтара бошладим. Лекин тополмадим. Кейинроқ билсам, бу Озод Шарафиддиновнинг биринчи китоби экан. Барибир, ана шу китоб менинг қалбимдаги адабиётга бўлган муҳаббатни янада алангалатиб юборди.

Институтни битиргач, бир неча йил вилоят газетасида ишладим. Лекин икки хаёлим адабиётда эди. Шунинг учун қаерда бўлмайин, илмий китобларни излаш ва ўқишга ҳаракат қилардим. Институтга ишга таклиф қилинганимда бошим осмонга етди. Жон-жон деб ишга ўтдим. Ўзбек адабиёти кафедрасида ишлаётган олима опамиз Хатибахон Ҳақимованинг таклифига кўра, Салоҳиддин Мамажонов билан боғланиб, номзодлик диссертацияси устида иш бошладим. Энди мен учун Тошкент икки қадам бўлиб қолди. Ҳар келганимда Озод ака билан учрашаман деб ният қилардим. Бироқ у киши мен учун Тянь-Шань тоғидек буюк ва олис бўлиб туюларди. Чунки мақолаларида ўша даврнинг Уйғун, Мирмуҳсин, Мамарасул Бобоев, Ҳ.Фулом сингари машҳур шоирларини танқид қилган бу олим тасаввуримда жуда жиддий, унча-мунча одам билан гаплашмайдиган зот бўлиб кўринарди. Бу домланинг кўлида таҳсил олган, илмий иш қилаётган шогирдларига ҳавасим келар, уларга яқинлашиб, устози тўғрисида кўпроқ маълумот олишга уринардим. Хулосам шу бўлдики, Озод Шарафиддинов одам сифатида жуда содда, самимий ва бағри кенг инсон экан.

1973 йили диссертациямни ниҳоясига етказиш учун бир йиллик илмий таътилга чиқдим. Кўп вақтим Тошкентда ўта бошлади. Бир куни домла билан кўришиш учун атайлаб университетга бордим. Суриштирсам, Озод ака дарс ўтаётган эканлар. Шоир Миртемир айтганидек, «Ўзимнинг бахтим бор-да!» Устоз дарсдан чиқдилар, сўрашдим, ўзимни

танитдим. Кафедрага бошлаб кириб, ёнига ўтказдилар. Қаерданлигим, илмий раҳбарим, мавзумни сўрадилар. Айтдим. «Э, ҳамюрт эканмиз-ку! Илмий раҳбарингиз Салоҳиддин жуда билимдон йигит, этагини маҳкам ушланг. Бу мавзунини мендан кўра яхшироқ билади. Анча-мунча иш қилиб қўйди. Мендан қандай ёрдам керак бўлса тайёрман. Агар бошқа гапингиз бўлмаса, дарсим бор эди. Келиб туринг» дедилар ва қўл бериб хайрлашдилар.

Ўзимда йўқ хурсандман. Оёғим ердан узилгандек. «Вой, осон экан-ку! Зўр одам экан-ку! Ёрдамга тайёрман деди-я!» Шу-шу, менинг тасаввуримдаги улка-а-ан адабиётшунос Озод Шарафиддинов ёнимга тушди. У билан доимий алоқам бошланди. 1974, 1979, 1984 йилларда университетдаги малака ошириш курсида ўқидим. У пайтда малака ошириш 4 ой давом этарди. Омадимни қарангки, Ф.Каримов, А.Қаюмов, Л.Қаюмов, С.Долимов сингари йирик алломалар қатори Озод Шарафиддиновдан ҳам сабоқ олдим. Домла ўзбек поэзияси бўйича семинар машғулотлари олиб борардилар. Дарсини ниҳоятда қизиқарли, баҳс-мунозара асосида ташкил этардилар. Фикр билдирмаган одам қолмасди. Охирида Озод аканинг ўзлари хулоса қилиб, ким ҳақ, ким ноҳақлигини очиқ айтди, бундан ҳеч ким ранжимасди.

1984 йилги малака ошириш даври мен учун жуда самарали бўлди. Чунки шу йили айнан Озод Шарафиддиновдек аллома устоз билан ҳаммуаллифликда мақола чиқариш бахтига муяссар бўлдим! Гап шундаки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ўша йили 28 сентябрдаги сонидан У.Норматов, Ш.Шомуҳамедов, М.Азимоваларнинг «Олтин медаль ўзини оқлаётими?» сарлавҳали мунозарали мақолалари босилди. Мақола газетхонлар, айниқса, олий ўқув юрти ўқитувчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва кучли акс-садо берди. Чиндан ҳам олтин медаль олиб ўқишга келган ўқувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан ўтолмай қолар ёки кимнингдир ёрдами билан кириб олса ҳам, кейин миси чиқиб қоларди. Озод домланинг дарсида бу мақолани ҳар томонлама ўргандик,

ҳар ким ўз фикрини айтди. Яна талай фактлар ўртага ташланди. Шунда устоз менга «Йўлдошали, шу айтилган фикрларни жамлаб бир мақола тайёрланг. Ахир, бундай сохталикка чек қўйиш ҳаммамизнинг вазифамиз-ку!» дея мурожаат қилдилар. Суюниб кетдим. Чунки устоздан биринчи топшириқни олган эдим. Мақолани тайёрлаш асносида домла билан кўп бора ҳамсуҳбат бўлдим. Устоз мақолани бир неча марта эринмай кўриб, тузатиб, ўз фикрларини қўшиб бердилар. Ушбу мақола газетанинг 1984 йил 26 октябрида О.Шарафиддинов бошчилигида Самарқанд чет тиллар институтининг ўзбек адабиёти кафедраси мудири И.Сувонқулов, Термиз давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудири М.Бобохўжаев ва менинг фамилиям билан босилиб чиқди.

Бундай ҳамкорлик мени ниҳоятда руҳлантириб юборди. Энди домлага янада ёқиш, яқинлашиш истагида Озод ака тўғрисида бирор нарса ёзгим келиб қолди. Омадимни қарангки, шу йили дастлаб «Ёшлик» журналида, кейин китоб ҳолида О.Шарафиддинов томонидан таржима қилинган рус адиби Ю.Андреевнинг «Бахтли бўл, ўғлим» номли асари нашр қилинди. Дарҳол шу асарга тақриз ёзиб, газетага бердим. У «ЎзАС»нинг 1985 йил 11 феврал сониди эълон қилинди.

Чиндан ҳам домла ўзидан кўра ўзгаларни кўпроқ ўйларди, ўзининг иши битмаса ҳам, бошқаларнинг ишини битиришга кўмаклашарди. Бунга кўп бора гувоҳ бўлдим. 2001 йилдан бошлаб докторлик ишим юзасидан Тошкентга серқатнов бўлиб қолдим. Ҳар келганимда домладан хабар олардим. Кўпинча шифохонада даволанаётган бўлардилар. Ўғлим Музаффар билан (университетда Озод аканинг қўлида ўқиган) бориб кўрардик. Ўзлари не аҳволда ётган бўлсалар ҳам қабул қилар, ишим қай даражада эканлигини, қандай ёрдам кераклигини сўрардилар. Дарвоқе, устознинг кўмаги билан у киши бош муҳаррир бўлган «Жаҳон адабиёти» журналида фарғоналик олимлар орасида биринчи бўлиб мақола чиқарганимдан фахрланаман.

Домланинг ҳар бир мақоласи ўқувчида фикр уйғотади, баҳс-мунозарага чорлайди. Шу билан бирга, Озод ака ўзи қаламга олган масалани туб-тубигача очиб беришга ҳаракат қилади. Устознинг жиддий танқидий мулоҳазаларида ҳам ижодкорни авайлаш, унинг келажагига ишонч балқиб туради. Шу фазилатига кўра, «калтак еган» ижодкорлар ҳам домлани яхши кўрарди. Ўқувчилар О.Шарафиддиновнинг 1983 йили «Ёшлик» журналида эълон қилинган «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» сарлавҳали мақоласини яхши эшлашади. Унда устоз ижод истезод меваси эканлигини, шоирлик рутбасининг масъулияти ғоятда юксак эканлигини куйинчаклик ва меҳрибонлик билан тушунтириб берган эдилар. Мен бу мақоладан илҳомланиб, орадан йигирма йил ўтгач, «Шоир кўп, аммо шеър-чи?» сарлавҳали мақола тайёрладим. Унда ҳар қандай тизмани ҳам «шеър» деб тақдим этиб, сўзнинг қадрини тушираётган, ўзини «шоир» деб кўрсатиш ишқи билан ёнган ўнлаб ижодкорларни танқид остига олдим. Мақолани устознинг назаридан ўтказиб, розилигини олиш учун уйларига бордим. Озод домла мақолани диққат билан эшитиб, маъқулладилар ва «масалани шундай тарзда кўйиш вақти етганди. Газетага бераверинг. Мен розиман!» дея оқ фотиҳа бердилар. Мақола «ЎзАС»нинг 2003 йил 18 июл сонида босилиб чиқди ва жиддий тортишувларга сабаб бўлди. Бунинг учун мен, аввало, устоз олдида бурчлиман.

Озод Шарафиддинов ўз меҳнат фаолияти билан ҳамиша шогирдларига ўрнак бўлиб келганлар. Айниқса, умрининг сўнгги ўн йиллигида устоз тиниб-тинчимаслиги, сабр-тоқати, матонати, ғайрати, самарали ишлай олиши билан бизга том маънодаги ибрат мактаби бўлдилар. Шахсан мен бу мактабнинг содиқ ўқувчиси сифатида ҳали кўп нарса ўрганаман. Мен Озод Шарафиддиновдек буюк аллома билан яқин бўлганлигимдан, илмий ҳамкорлик қилганимдан, суратга тушганимдан, ўнлаб китобларимга меҳр билан ёзилган дастхатлар олганимдан бир умр фахрланаман.

Барҳаёт устоз

(Академик Салоҳиддин Мамажоновни эслаб...)

Ўзбек адабиётшунослиги фанининг XX аср иккинчи ярмидан кейинги тараққиётини Салоҳиддин Мамажонов номисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки бу даврда фаннинг у қўл урмаган бирор соҳаси, муносабат билдирмаган илмий муаммоси, бадиий адабиётда тутган мавқеи, ёши, маҳорат даражаси, маҳсулдорлигидан қатъий назар, олим нигоҳидан четда қолган биронта ўзбек ижодкори қолмаган десам, муболаға бўлмас. Салоҳиддин ака адабий жараёнга ўзи билан қадам-бақадам кириб келган ҳамкасблари Озод Шарафиддинов, Матёқуб Кўшжонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Умарали Норматов, Наим Каримов, Собиржон Мирвалиев, Тўра Мирзаевлар билан бир сафда туриб, адабиётшуносликнинг янги саҳифаларини очишга муносиб ҳисса қўшди. Олимнинг илмий меросини кўздан кечириб, ўлмас халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, то ҳозирги кунимизгача бўлган улкан миллий адабий хазинамизнинг энг яхши дурдоналарини синчковлик билан таҳлил қилиб, эл кўзига кўрсатган, шунингдек, қўшни тожик, туркман, қорақалпоқ, озарбойжон, қозоқ ва қирғиз халқлари адабиётини қунт билан ўрганган, таҳлил ва тарғиб қилган мутахассис эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бинобарин, илмий қамров кўлами ҳар қандай олимнинг тафаккур олами ғоят кенг ва ранг-баранг эканлигидан далолат беради.

Бироқ илмий ишнинг қиммати мавзу доирасининг кенглиги билангина ўлчанмайди. Сир эмаски, мавзу ранг-баранглиги мунаққиддан биринчи галда кенг билимдонликни, фаолликни, фидойиликни, эл-юрт ва фан олдидаги бурчини, масъулиятини чуқур тушунган, ҳис қилган онгли фуқаро бўлишни ҳам талаб қилади. Салоҳиддин Мамажоновнинг 30 дан зиёд асарлари, 300 дан ортиқ мақолалари билан та-

нишган ўқувчи унинг илмий фаолиятида ана шу фазилатлар тўла мужассам топганлигига ишонч ҳосил қилади.

Салоҳиддин Мамажоновнинг ўзбек адабиётшунослиги фани олдидаги энг буюк ва самарали хизматларидан бири академик Фафур Фулом ижодини мукаммал тарзда тадқиқ ва тарғиб этганлигидир. Бўлажак олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасига қабул қилинганда (1955), унга Ғ.Фулом ижоди бўйича илмий иш олиб боришни таклиф қилдилар. Омадини қарангки, бу мавзуни ишлайдиган аспирантга Фафур Фуломнинг ўзи илмий раҳбарлик қиларкан! Бундан хурсанд бўлган ёш тадқиқотчи иштиёқ билан ишга киришди. Диссертация баҳонасида шоирнинг ўзи, оиласи билан танишди, ота-боладек бўлиб қолди. Ғ.Фулом шоғирдига чин дилдан ишониб, керакли маслаҳатлар берди. Натижада, тадқиқотчининг изланишлари тез орада ижобий самаралар бера бошлади. Аспирантлик муддати тугамай туриб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кўп ўтмай, Фафур Фулом шеърини ҳақидаги «Шоир ва замонавийлик» деб аталган монографияси нашр қилинди ва илмий жамоатчиликнинг яхши баҳосини олди.

Улкан санъаткор Фафур Фулом ижоди зукко тадқиқотчи Салоҳиддин Мамажоновни ўзига оҳанрабодек торта бошлади. Фурсатни бой бермай, ёзувчининг насрий асарларини тадқиқ этишга киришди. Бунинг натижаси ўлароқ, олимнинг «Фафур Фулом прозаси» ва «Услуг жилолари» деб аталган йирик монографиялари дунёга келди. Муаллиф бу асарларида ёзувчининг ижодий эволюцияси, насрий асарларининг жанр хусусиятлари, бадиий нутқ кўринишлари, услуби ҳамда ўша пайтгача тадқиқот доирасига тортилмаган ҳикоялари, фелъетон, памфлет, очерк, миниатюра ва публицистик мақолаларининг бадиий ўзига хослиги хусусида янгича илмий қарашларини илгари сурди. Шундай қилиб, С.Мамажонов илмий фаолиятининг дастлабки ўн йилидаёқ академик шоир Фафур Фулом ижодига бағишланган учта йирик асар яратди ва ўзбек адабиётшунослигида иккинчи

бўлиб илмий трилогия муаллифи сифатида шуҳрат топди (Ҳамза Ҳакимзода ижоди бўйича ёзилган биринчи илмий трилогия профессор Л.Қаюмов қаламига мансубдир).

Тиниб-тинчимас олим Салоҳиддин Мамажонов табиати-га хос фазилатлардан яна бири ўзбек адабиёти ва санъати тарихида ўчмас из қолдирган, аммо чорак кам бир аср мобайнида ўрганилмаган кўплаб ижодкорларнинг адабий мероси билан жиддий шуғулланиши, асарларини нашрга тайёрлаб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этишида кўринади. Бу билан олим ўз фаолияти давомида бирйўла икки вазифани адо этди: ҳам ўз даврининг содиқ фарзанди сифатида хизмат қилиб танилган, ҳам халқпарварлиги, миллатсеварлиги учун қаттол Шўролар ҳукумати томонидан қатл этилган бу фидойи инсонларнинг маданиятимиз тарихидаги чинакам ўрнини кўрсатиб бера олди. Боту, Элбек, Ойдин, Ҳасан Пўлат, жангчи шоир Султон Жўра, меҳнаткаш ва камтарин ижодкор Мамарасул Бобоев қабилар дастлаб С.Мамажоновнинг илмий изланишлари туфайли элга танилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, жаҳид адабиёти вакиллари ижодига қараш янги босқичга кўтарилди. Янги ўзбек адабиётининг бешигини тебратган Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Чўлпон қабилар ижоди тўғрисида рўй-рост фикр билдириш имконияти туғилди. Уларнинг бадиий олами, дунёқарашини, ўзига хос услуби олимнинг «Маданиятимизнинг икки сиймоси» (академик И.Султон билан ҳамкорликда), «Ҳақиқат йўлига раҳнамо излаган кўнгил» каби мақолаларида тўлақонли очиб берилди. Мақолалар ёзиш билангина чекланиб қолмай, устозимиз давлат архиви материаллари, аср бошидаги газета ва журналлар билан астойдил шуғулланиб, бу ижодкорларнинг ҳали маълум бўлмаган кўплаб янги асарларини топди ва нашр эттирди. Бу жиҳатдан Ҳамза Ҳакимзоданинг 5 жилдлик мукаммал асарларини ҳамда Чўлпоннинг «Замона хотуни» деб аталган янги фожей драмасини топиб нашрга тайёрлашдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Олим «Чўлпоннинг номаълум асари» деб аталган мақо-ласида ёзишча, 1928 йилда ёзиб тугалланган бу драмаси-ни Чўлпон совет НКВДси томонидан таъқиб қилина бош-лангач, эҳтиёт шарт ёзувчи дўсти Мумтоз Муҳамедовга топширган экан. У киши Чўлпонга бўлган ҳурмати ва эъти-қоди сабаб 60 йил давомида асраб-авайлаган. Бундан хабар топган Салоҳиддин ака М.Муҳамедов билан учрашиб, дра-манинг тақдирини сўраган. Ёруғ кунлар келаётганига ишон-ган кекса адиб қўй терисига ўраб сақланган ушбу драмани ягона ўғли дафн қилинган қабрдан олиб олим қўлига топ-ширади. Адабиётшунос асарни араб ёзувидан кирилл алфа-витига ўтириб, матбуотда эълон қилади. Кейин Чўлпон асар-ларининг уч томлигидан ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Олим ўзининг ярим асрлик фаолияти мобайнида ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутган Фафур Фулом, Уйғун, Ой-бек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон (дарвоқе, бу ижодкор ҳақидаги «Шоир дунёси» китоби учун материал тўплаш жараёнида архивидан кунда-ликларини топиб, биринчи марта нашр эттирган ҳам Сало-ҳиддин ака бўлади)дан тортиб, то Латиф Маҳмудовгача, Ҳалима Худойбердиевадан бонлаб Сирожиддин Саййидга қадар назаридан қочирмади, уларнинг ижодини синчков-лик билан кузатиб борди, «йилт» этган ютуғидан қувониб, хатосидан қайғуриб мақолалар ёзди. Одатда, талантли ижод-корнинг биронтаси ҳам ҳақиқий олимнинг назаридан четда қолмайди. Лекин, ростини айтганда, Салоҳиддин ака қаламга олган ижодкорларнинг ҳаммаси ҳам адабиётимизда муҳим ўрин тутган деб бўлмайди. Уларнинг баъзилари ҳақида ада-биётшунослар умуман лом-мим демай ўтишган. Салоҳиддин Мамажонов улардан фарқли ўлароқ, танқидчилик эътибори-дан четда қолган ана шундай каммаҳсул, камтарин ва жуда-ям машҳур бўлмаган оддий ёзувчиларни ҳам эсдан чиқар-мас, иложи борича, уларнинг кўнглини кўтаришга, ижодга бўлган меҳрини рағбатлантиришга ҳаракат қиларди.

Назаримда, бу табиати билан Салоҳиддин ака ўз илмий фаолиятида улуг рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг «Ге-

ниаллар номи билан порлаб турмаган адабиёт камбағалдир; бироқ барчаси ҳам фақат гениал асарлардан ёки бўш ва бемаза асарлардан иборат адабиёт ҳам камбағалдир. Оддий талантлар адабиётнинг бойлиги учун зарур ва улар қанча кўп бўлса, адабиёт учун шунча яхши» деган ўғитига амал қиларди. Биз, шогирдларига ҳам «Хар бир ижодкор шахсига катта-кичиклигидан қатъий назар, алоҳида ҳурмат билан авайлаб, унинг асарига, биринчи навбатда, тинимсиз меҳнат самараси сифатида қарашни ўрганинг. Шунинг унутмангки, ҳар бир асар ортида Сизнинг илиқ сўзингизга муҳтож бўлган ижодкор турибди. Ижод аҳли ҳар доим меҳрибонликка муҳтождир» деб ўргатарди. Шу боисдан Салоҳиддин акани баъзан «тишсиз мунаққид», «юмшоқ танқидчи» деб чимдиб ҳам ўтишган. Бироқ бундай «тишсизлик» ва «юмшоқлик» умуман талантсиз, қобилиятсиз қаламкашларни кўкка кўтариш ҳисобига эмас, балки ундаги талант булогининг кўзини очишга хизмат қиларди. Кези келганда олим адабиёт баданидаги жароҳатларни ўткир танқидий тишлари билан узиб олар, улар ўрнини тузатиш учун илиқ сўзлари билан малҳам қўярди. Бу юмушни шу қадар усталик билан амалга оширадидики, танқид қилинган ёзувчи бадани оғриганини сезмай қоларди.

Салоҳиддин Мамажонов қайси ижодкор ҳақида фикр юритмасин, биринчи галда унинг ўзига хос услубини аниқлаб олишга ҳаракат қиларди. Бу шеърятда кўпроқ шоир танлаган ранг ва оҳанг билан белгиланади. Мунаққиднинг таъкидлашича, шеър оҳангини аниқлаш учун даставвал шоирнинг юрак зарбига қулоқ тутиш лозим. Ана шундай усул билан атоқли шоир Миртемир шеърларидаги уч муҳим оҳанг (биринчиси, «шодлик, меҳнат ва кураш»ни ифодаловчи «кўтаринки оҳанг»; иккинчиси — «фожиавийлик оҳанги»; учинчиси — «майин ва самимий ҳазил» оҳанги)ни аниқлаган мунаққид бошқа кўплаб шоирлар ижодига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиб, уларнинг ўзига хослигини очишга эришади. Масалан, Э.Воҳидов шеърларида озодлик, адолат, ҳақиқат, маърифат ва халқ бахти учун

курашадиган қалбнинг «ғоят жўшқин, ўткир, ҳужумкорлик» билан тўлган оҳангини тинглаймиз. А.Орипов шеърларида энг аввало, ҳаққонийлик, самимийлик, эҳтирослилик, жозибаторлик оҳанги устувордир. Б.Бойқобилов ўз «фикр-мулоҳазаларини, туйғу-кечинмаларини жанговар-публицистик пардада ифодалашни» афзал кўрса, иқтидорли ва теран фикрли Ҳ.Шарипов шеърлари учун хос хусусият «оҳангнинг хилма-хиллиги, яъни кўповозли бўлишидир». Бундай кўповозлилик фазилатига шоир «гоҳ ўз номидан, гоҳ халқ тилидан, гоҳ конкрет бирон қаҳрамон нуқтаи назаридан сўзлаш» эвазига эришади. Бу ерда шуни таъкидлаш ўринлики, шеъриятдаги кўповозлилик-полифония масаласини ўзбек адабиётшуносларидан биринчи бўлиб, ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ С.Мамажонов кўтариб чиққанди.

Дарвоқе, ўзбек адабиётшунослигида бадиий нутқ муаммолари бўйича биринчи бўлиб энг кўп ва муҳим тадқиқотлар олиб борган олим ҳам С.Мамажонов ҳисобланади. Ўзининг «Ғафур Ғулом прозаси» номли илк монографиясида рус адабиётшуноси М.Бахтиннинг бадиий нутқ типлари, турлари ва шакллари таснифига муносабат билдириб, улар асосида Ғ.Ғулом, Ш.Рашидовлар ижодини янгича йўналишда тадқиқ этди. Бу хизматлари билан олим ўзбек адабиётшунослигида бадиий нутқ ва услуб тадқиқотчиси сифатида янги саҳифа очди.

Агар домла ҳаёт бўлганида бугун қутлуғ 80 ёшини нишонлаётган ва адабий танқидчиликни ўзининг салмоқли асарлари билан янада бойитган бўларди. Бироқ устозимиз амалга ошира олмаган ниятларини академик Б.Назаров, профессор Н.Раҳимжонов, зукко ва билимдон адабиётшунослар И.Ғафуров, М.Маҳмудов сингари 30 га яқин таланти шогирдлари рўёбга чиқараётганлиги кўнгилга таскин беради. Мен ҳам шундай иқтидорли олим ва бағри кенг инсонга шогирд бўлганимдан фахрланаман. Шогирдлар яшар экан, устоз ҳам ҳаётдир.

Олим яратган мўъжизалар
(Таниқли адабиётшунос
Умарали Норматов портретига чизгилар)

Умарали Норматов деганда кўз ўнгимда биринчи галда ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг энг сермахсул, энг фаол, энг куйинчак, энг меҳнатсевар, шу билан бирга, энг имон-эътиқодли алломаси гавдаланади. Домла қарийб олти-миш йилга яқин даврдан буён адабиёт аталмиш мўъжизалар хазиначисининг садоқатли посбони бўлиб, унинг покизалиги, келажаги, мунтазам ривожланиши ва бойиб туриши йўлида масъулият ҳиссини онгли равишда чуқур англаган ҳолда беминнат хизмат қилиб келаётир. Мен юқорида Умарали Норматов феноменигагина хос бўлган фазилатларни бежиз таъкидлаб кўрсатмадим. Булар мендан олдин бошқа адабиётшунослар томонидан ҳам қайд этилган. Бироқ айнан ана шу фазилатлар у зотнинг кенг қамровли адабиётшунос, зукко мунаққид, бағри кенг олим, хушчақчақ дўст, устозларининг садоқатли шогирди, айни чоғда, шогирдларнинг меҳрибон ва ҳамиша ёрдамга шай турган ғамхўр мураббийи, масъулиятли шахс, ўзи яшаётган юрт, хизмат қилаётган халқ, билим даргоҳи олдидаги қарздорлигини ҳар доим чуқур ҳис қилиб яшаётган юксак маънавиятли инсон эканлигини исботлайдиган омиллар деб биламан.

Аввало, шуни қатъий ишонч билан таъкидлаш жоизки, домланинг сермахсуллиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу фикримизни қуйидаги рақамлар исботлаб беради. 2006 йилда нашр қилинган «Умарали Норматов (Библиографик кўрсаткичлар)» рисоласида адабиётшунос олимнинг 45 та китоби, дарслик ва қўлланмалари, 515 та мақолалари рўйхатга олинган. 2010 йилда нашр этилган «Нафосат гурунглари» номли янги китобида устознинг ўзлари камтарлик билан «ҳозирга қадар 500дан ортиқ адабий-танқидий

мақолам, 50га яқин китоб, дарслик, ўқув қўлланмаларим чиқди» деб ёздилар. Аслида булар ҳам тўла эмас. Менинг ҳисобимга кўра, шу пайтгача У. Норматовнинг 550 га яқин мақоласи, 55 та китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалари босилиб чиқибди. Наҳрга тайёрлаш ва муҳаррирлик ишлари бу ҳисобга кирмайди.

Келинг, бу сермахсулликнинг қадрига етиш учун математика фанини ёрдамга чақирайлик. Умарали аканинг «Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари» деб аталган илк мақоласи «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида босилганига бу йил 54 йил бўлди (1957, 23 март). Шу 54 йилни бир йил ҳисобидан 365 кунга кўпайтирсак, 19710 кунга тўғри келади. Аммо бу рақам бир сутка, яъни 24 соатнинг натижаси. Ахир, одам узлуксиз 24 соат ишлай олмайди-ку, тўғрими? У ҳам ухлайди, дам олади, оила аъзолари, дўст-биродарлари билан суҳбатлашади, тўй-ҳашамларда қатнашади (бунақа хайрли ишларга эса, домланинг «суяги йўқ», ҳар доим «вақт» топадилар) ва ҳоказо. Бунинг устига, Умарали ака бу йиллар мобайнида талабаларга маърузалар ўқиш, шогирдлари билан ишлаш, уларнинг диссертациясини ўқиб, таҳрир қилиш, илмий Кенгашларда қатнашиш, расмий ёки норасмий оппонент сифатида тайёргарлик кўриш, яна 26 йиллик кафедра мудири сифатидаги тинимсиз меҳнат билан банд эди. Булар одамнинг ҳазилакам вақтини олмайди! Бу ишлар учун куннинг ярмини олиб таплаганимизда ҳам Умарали Норматов ихтиёрида 9855 кун қоларкан (аслида бу ҳам кўп, чунки одам 12 соат босим ўтириб ишлай олмайди!). Ана энди ҳар бирини камида 5 бетдан ҳисоблаб, 550 та мақолани (2750 бет), ҳар бири ўртача 180–200 бетдан бўлса, 55 та китоб (11000 бет)ни бу рақамга кўпайтирсак, устознинг нақадар сермахсуллигига, куйинчаклигига, меҳнатсеварлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Умарали Норматов ёзганларининг биронтаси ҳам шунчаки қўлдан чиққан нарсалар эмас. Домланинг ҳар бир саҳифа, ҳар бир

ибора, ҳатто ҳар битта сўз устида соатлаб ўйлашига, уларни қайта-қайта таҳрир қилишига ишончим комил. Ўзи тўла қониқиш ҳосил қилгандан кейингина нашрга берадилар. Мақолаларининг ҳар бирида адабиётнинг муҳим мавзумуаммоларини кўтаради, уни даврнинг долзарб масалалари билан боғлайди. Бу мақолаларда муаллиф тилга олган илмий ва бадиий асарларнинг рўйхатини кўриб, яна бир бор тан берамиз: шунча китобни қачон ўқиб улгурди экан?!

Булар домланинг фаоллигини исботловчи далиллар ҳамдир. Айни чоғда, у киши ўзи мансуб бўлган олий таълим мутахассислиги доираси билангина чекланиб қолмаган. Умарали Норматов умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус таълим тизими учун дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар тайёрлаш, уларни тубдан янгилаш борасида ҳам тинимсиз фаолият олиб боради. Таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган биронта анжуман, фан олимпиадалари ҳам устозсиз ўтмайди.

Умарали Норматов ҳар бир ишга ўта куйинчаклик ва масъулият билан ёндашади. Домла тинимсиз мутолаа қилдилар. Шу боисдан ҳам, Умарали ака фикр доираси ниҳоятда кенг, умумий адабий жараёни чуқур биладиган олимлардан бири ҳисобланади. Шахсан ўзим домла билан суҳбатлашиб, бир дунё сабоқ оламан, бир неча кунгача ўзимни босолмайман. Ҳали кўп нарсаларни билмаслигимга, янада кўпроқ ўқиш-ўрганишим зарурлигига амин бўламан. Аммо шуниси ҳайратга соладики, домланинг ўзлари ҳеч қачон билганларидан қониқиш ҳосил қилмайди. Бу қониқмаслик ҳисси устозни янада кўпроқ мутолаа қилишга ундайди. Масалан, устознинг «Ижодкорнинг дахлсиз дунёси» китобига кирган «Ҳамкасблар билан суҳбатлар»ини, «Ижод сеҳри» китобидаги «Романнинг янги умри», «Дунёни янги гача кўриш эҳтиёжи» номли суҳбатларини эсга олайлик. Уларда Умарали ака ҳозирги дунё адабиётшунослигидаги янги гача назарий маълумотларни шу қадар кўп билиши аён бўладики, ҳайратда қоламиз. Ахир, шу ёшга кирганда ин-

тернет материалларидан фойдаланиш, хорижда нашр қилинган ноёб илмий китобларни топиб ўқиш осонми?

Адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён масалаларига бағишланган бу суҳбатларда илгари сурилган илмий-назарий мулоҳазалар У.Норматов домланинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жаҳон адабиёти мезонлари билан бўйлашаётган ўзбек адабиётининг сир-асрорини муттасил ўрганаётгани, ундан орқада қолмаслик учун тинмай изланаётгани (домла адабий танқид бадиий адабиётдан олдинда юриши керак деган қоидага қатъий амал қиладилар-да!) дан далолат берадики, устознинг бу фазилати нафақат ёш тадқиқотчилар ёки шогирдлари учун, балки тенгқур адабиётшуносларга ҳам ўрнак бўларлидир.

Ўтган 2010 йилнинг ўзида адабиётшунос У. Норматовнинг бир-биридан сифатли иккита китоби босилиб чиқди. Бири олти бўлимдан иборат адабий-танқидий мақолалар, эсселар, хотиралар, қайд ва суҳбатларни ўз ичига олган «Нафосат гурунглари» деб аталган бўлиб, ундаги жуда кўп мақолалар ўқувчилар ҳукмига илк бора ҳавола этилмоқда. Ҳайрон қолдимки, домланинг ижод сандиғида ҳали эълон қилинмаган ишлар ҳам кўп экан! Китобнинг «Устозлар ибрати» ва «Сафдошлар даврасида» деб аталган дастлабки бўлимларидаги мақолаларни ўқиб, У.Норматов домланинг қиёфасига хос яна бир белгини сезиш мумкин. Бу устознинг юксак маънавиятли, қатъий имон-эътиқодга эга бўлган шогирдлик ва дўстлик туйғусидир. Ўзининг тан олишича, университетда ўқиб, ишлаб топган энг катта бойлиги, бахти Озод Шарафиддиновдек буюк устозга шогирд бўлганлигидир. Озод ака туфайли Абдулла Қаҳҳор билан ҳамсуҳбат бўлиш бахтига эришди. Айни чоғда, домла шогирд сифатида «Устози аввал»и Фулом Каримов, ажойиб «Одамохун сиймо» Субутой Долимов, «Шарқу Фарб тадқиқотчиси» Фозила Сулаймонова, «Олим, таржимон, мураббий» Шоислом Шомухамедов каби устозлари, ҳамкасб дўстлари Нуриддин Шукуров, Бегали Қосимов, Норбой Худойберганов, Абдуғафур Расуловлар тўғрисида ҳам самимият

ва меҳр билан ҳикоя қиладилар. Шу билан бирга, қандай мартабага, обрў-эътиборга эришган бўлса, бунинг учун Умарали ака энг аввал ана шу устозларига таъзим қилади. Эҳтимол, шунинг учундир домланинг ўзи ҳам шогирдларининг юксак меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб бўлиб келаётир. Ахир, бу қайтар дунё-да!

Яна бир китоби Умарали Норматовнинг қирқ йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўрганиб келган Абдулла Қодирий ижодига бағишланган бўлиб, «Қодирий мўъжизаси» номли монографиядир. Чиндан ҳам, А.Қодирий миллий адабиётимиздагина эмас, балки жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчанса арзийдиган мўъжизалар яратган. Устоз китобга ўзбек адабининг ана шу жаҳоншумул ижодий портретига мос келадиган ном топа олганлар.

Адабиётшунос Умарали Норматовнинг ўзи ўрганаётган, фикр билдираётган ҳар бир ижодкор шахсига, унинг меросига, маҳорати даражасига улкан муҳаббат ва ўта масъулият билан ёндашиши мана шу монографияда, айниқса, яққол намоён бўлади. Китоб муқаддимасида Абдулла Қодирийни даҳо санъаткор деб билган ва буни илмий жиҳатдан исботлаб бера олган муаллиф ёзувчи яратган мўъжизаларни ўқувчи олдига очилдастурхондек ёзиб қўйибдилар-у, тагин камтарлик қилиб, бу «айтганларим, ёзганларим мўътабар қалам соҳиби шаънига, у қолдирган мўъжизакор мерос даражасига мос келармикан? Қодирийдек сўз заргари «қаламим ожиздир» деб турганида, камина каби бир *ғариб мунаққид* (таъкид бизники — Й.С.) бу ишни қойиллатдим дейишга йўл бўлсин!» деб ўқувчидан узр сўрайди.

Ҳа, Умарали Норматов адабиёт аталмиш мўъжиза ичида яшаб, ажойиб мўъжизалар яратмоқда. Олим яратган ана шундай мўъжизалардан яна бири нуқул адабий суҳбатлардан ташкил топган «Ижодкорнинг даҳлсиз дунёси» номли китобидир. Дарвоқе, У.Норматов ўзининг ярим асрдан ортиқ давом этаётган илмий фаолияти мобайнида 30 дан зиёд ёзувчилар, шоирлар ва олимлар билан суҳбат уюштирилган ва ўзбек адабий танқидчилигида ҳақли равишда ада-

бий суҳбат жанрининг асосчиси деб тан олинди. Мен кенг-роқ фикр юритмоқчи бўлганим ушбу китоб бунга тўла кафиллик бера олади. Чунки бу ёруғ оламда дунёқараши кенг, фикрлаши чуқур, ўз соҳасини мукаммал билган донишмандлар суҳбатидан баҳраманл бўлишдан лаззатлироқ лаҳзалар бўлмаса керак. Зеро, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари лутф қилганларидек:

*Донолар лабидан тўкилуру гавҳар,
Ким кўксин хазина қилолса аъло.
Ҳикмат ғазнасини донолар дили,
Ундан узоқ тутма ўзингни асло.*

Чиндан ҳам, «Ижодкорнинг дахлсиз дунёси» китобидаги оқиллар суҳбатидан ана шундай баҳраманлик туйғусини ҳис қилиш мумкин. Ундан ўрин олган суҳбатлар ўзининг ғоят холислиги, чуқур илмийлиги ва том маънодаги баҳс-мунозарага асосланганлиги билан қимматлидир. Назаримда, нуқул адабий суҳбатлардан ташкил топган бундай китоб ўзбек матбаачилиги тарихида ҳам, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам биринчи марта амалга оширилди. Аслида, бундай адабий суҳбатлар оғзаки ва ёзма шаклда қадим Юнон ва Шарқ адабиётида мавжуд бўлган. Аммо у пайтдаги суҳбатлар билан кейинги давр адабий жараёнда яратилган суҳбатлар шаклан ва мазмунан бир-бирдан тубдан фарқ қилади.

Ўттиздан зиёд адабий суҳбат... Бу ҳазилакам хирмон эмас. Агар «Улар жамланса, иккита салмоқли-салмоқли китобга сиғмайди» (Д. Куронов). Бироқ адабиётда миқдор ҳеч қачон ижодкорнинг ўрнини белгиловчи асосий мезон бўлган эмас. Биттагина асари билан ҳам тарихга кирган ижодкорлар бор ва аксинча... Устоз Умарали Норматов суҳбатларининг ҳар бири бадиий ижоднинг алоҳида назарий масалаларига бағишланган бўлиб, яхлит олганда, санъаткорнинг бадиий оламидан сабоқ берувчи илмий дарслик вазифасини бажаради.

Бу дарсликдаги суҳбатлар ўз мавзуси ва кўгарилган муаммоси жиҳатдан ҳар хил бўлса-да, уларни битта умумий

фикр ўзаро пайвандлаб, уларнинг яхлитлигини таъминлаб турибди. Адабий суҳбатларнинг композицион марказини ташкил этган ягона муаммо бу — ҳар бир санъаткорга хос бўлган ижод психологияси, ёзувчининг дахлсиз дунёси ҳисобланган ижодий жараён ҳақидаги мулоҳазалардир. Сиртдан қараганда, бу масала биргина Асқад Мухтор билан олиб борилган «Ижодкорнинг дахлсиз дунёси» номли суҳбатга тегишлидек туйилади. Айнан Асқад Мухтор билан ўтказилган шу мавзудаги суҳбатнинг бошқа ҳар қандай адиб ҳам нозик ҳис этавермайдиган ғоят мураккаб жараён — ижод психологияси масаласига бағишланганлиги ҳам ибратлидир. Негаки, суҳбат уюштирилган ўн нафар ёзувчилар орасида энг тажрибалиси ҳам, энг ёши улуғи ҳам, энг кўп жанрларда сермахсул ижод қилгани ҳам, бинобарин, ижод психологиясини бошқалардан кўра теранроқ ҳис қиладиган, яхшироқ биладиган ва тушунадиган санъаткор ҳам Асқад Мухтордир. Тўғри, бундай суҳбатни маҳоратли адиб Саид Аҳмад, саргузашт ва фантастик асарлари билан китобхонларнинг меҳрини қозонган Худойберди Тўхтабоев, ўзбек насрига лирик туйғулар оҳангини олиб кирган Ўткир Ҳошимов ва бошқалар билан ҳам ўтказиш мумкин эди. Лекин улардан фарқли ўлароқ, Асқад Мухтор ҳам шоир, ҳам прозаик, ҳам драматург, ҳам публицист, ҳам олим («Ёш дўстларимга», «Шеър - шоир виждони» номли китобларини эсланг) сифатида танилган ва ижод психологияси моҳиятини чуқурроқ тушунган адиб эди. Айни чоғда бошқа адиблар билан уюштирилган суҳбатларда ҳам вақти-вақти билан ижодкорнинг дахлсиз дунёси бўлмиш — ижод психологияси масаласига эътибор қаратилади. Бу эса, китобнинг номланиши бежиз эмаслигини исботлайди ва илмий яхлитлигини таъминлайди.

Бу илмий дарсликнинг муҳим сабоқларидан яна бири суҳбатга тайёргарлик кўриш жараёнидир. Умарали Норматов, аввало, адиблар билан ўтказадиган суҳбат мавзусини чуқур ва ҳар тарафлама ўйлаб олади. Уни тўлақонли ёритиш учун айнан шу соҳани яхши биладиган, ҳис қила ола-

диган муаммо ёки адабиётда воқеа бўлган асари ҳақида саволлар тайёрлайди. Бунинг учун дастлаб суҳбатдош адиб ижодида устувор ҳисобланган хусусиятларни ажратиб олади. Натижада, ўқувчи суҳбат сарлавҳасини ўқибоқ гап нима ҳақида боришини англаб етади.

Мунаққид суҳбат моҳиятини ҳар тарафлама чуқур ва ишонарли ёритиш учун ўзига хос «қитмирлик» қобилиятини ишга солади. Яъни ҳар бир адибнинг қалб тубидаги яширин гапларини, ўзи кутган илмий ниятига мос «дарди»ни суғириб олишга йўл топади. Бунинг учун домла гапни анча узоқдан бошлайди, бирданига «Сиз шунақа адибсиз» ёки «мана бу ерда шундай демоқчи эдингиз» демайди. Эҳтиёткорлик билан адибнинг «қитиғини ўлдириб», «Шунақа гаплар ҳам бор. Сиз нима дейсиз?» ёхуд «Шу масалада Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим» қабилда қармоқ ташлайди. Қармоқдаги хўракка маҳлиё бўлган адиб юраги пучмоқларида яширинган фикрларини ўртага ташлаб, «илинганини» билмай қолади. Натижада, мавзу кўлами тобора кенгайиб, битта ёзувчининг ижоди доирасидан чиқиб кетади ва адабиёт илмининг муҳим муаммоларига бағишланган икки билагон олим, икки тенгдош дўстнинг, куюнчак адабиёт ихлосмандларининг беғараз мунозараси тусини олади.

Бундай мунозара руҳи, кўтарилаётган масалага ҳақиқатнинг синчков кўзлари билан қараш истаги деярли барча суҳбатларга хос фазилат ҳисобланади. Умарали Норматов иложи борича, рост гапни айтишга, ҳеч йўқ уни очиш йўллариини излашга интилади ва ёзувчини ҳам шу истагини амалга оширишига «мажбур қилади». Агар адиблар билан суҳбатларнинг деярли барчаси Шўролар даврида ўтказилганлиги инобатга олинса, уларда кўтарилган айрим масалалар мунаққиднинг беқиёс жасорати эканлигига амин бўламиз. Бу жиҳатдан олимнинг Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидовлар билан олиб борган суҳбатлари характерлидир. Бу суҳбатларда адиблар ўзларини эҳтиёт қилиш ниятида Умарали Норматовнинг фикр-

ларига қарши кескин муносабат ҳам билдирадилар, ўша даврдаги адабий танқидчилик савияси ҳақида ўз мулоҳазаларини дадил айта оладилар ва исботлаб берадилар. Бундай пайтда мунаққид суҳбатдошига шароит яратиб, адабий танқидчиликдаги камчиликларни тан олади, ўзини оқламоқчи бўлади. Суҳбат давомида ёзувчиларни саволларга кўмиб ташламасдан улардан кўпроқ фикрлар олишга уринади ва бунга эришади ҳам.

Ҳамкасблар билан бўлган суҳбатларда эса, мунаққиднинг қулфи дили янада очилиб кетади. Эътибор берилса, бу суҳбатлар ҳозирги адабий жараёнда назария масаласининг ўрганилиши, тадқиқ этилиши ва бадиий асарга татбиқ қилиниши муаммосига бағишланган. Уларда илгари сурилган назарий фикрлар адабиётшунос Умарали Норматовнинг тез суръатлар билан янгиланаётган, жаҳон тамаддуни билан бўйлашаётган бадиий адабиётнинг сир-асрорини ўрганиш, ундан орқада қолмаслик учун тинмай изланаётганидан далолат берадики, бу нафақат ёш тадқиқотчилар, балки тенгдош адабиётшунослар учун ҳам жонли ибрат бўларли фазилатдир.

Домла ҳозирги адабий жараёнда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланаётган назарий тамойиллар тўғрисида шу қадар тўлиб-тошиб, ҳис-ҳаяжонга берилиб кетдиларки, агар суҳбатдоши устозни вақти-вақти билан тўхта-тиб, муҳокама қилинаётган мавзу ва муаммо ўзанига солиб турмаса, бир неча кун бўлса ҳам гапираверадилар. Буни тиниб-тинчимас изланувчан мунаққид Умарали Норматов ҳозирги адабий жараённинг ҳам бадиий, ҳам илмий-назарий ривожидан қониқиш ҳосил қилмаётганидан, кунчақлигидан келиб чиқадиган фазилат деб баҳолаш ўринлидир. Устознинг ана шу фазилатини таъкидлар эканман, ўйланиб қоламан: ахир, бу дахлсиз дунё бадиий ижод билан шуғулланаётган санъаткоргагина эмас, балки шу жараёнга ундан кам бўлмаган вақт, ҳис-ҳаяжон, тафаккур, билим сарфлаётган, шу соҳага чексиз меҳр қўйган мунаққидга ҳам бевосита дахлдор эмасми?! Шу маънода олим-

нинг ўзига хос қарашлари, муносабати, куюнчаклиги, янгиликларнинг рўёбга чиқишини тезроқ кўриш истаги йирик адабиётшунос олим Умарали Норматовгагина дахлдор тафаккур дунёсининг яшовчанлиги ҳамда камолотидан далолат беради.

Адабиётшунос сифатида домланинг қиёфасини тўлдирадиган яна бир чизги тўғрисида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу У.Норматовнинг қачон бўлмасин, билдирган фикрлари шаклан ҳам, мазмунан ҳам эскирмаслик хусусиятига эгалигидир. Масалан, шахсан ўзим кўпроқ ўзбек наصري, хусусан, роман жанри муаммолари билан шуғулланганим учун домланинг 70-йилларда эълон қилган «Роман ва замон» масаласидаги ўз-ўзи билан олиб борган адабий-танқидий баҳси билан орадан 30 йил ўтиб, мустақиллик даврида яратилган «Романнинг янги умри»ни аниқлашга бағишланган суҳбатини (суҳбатдош Д.Қуронов) қайта-қайта ўқийман ва ҳар гал улардан олам-жаҳон билим оламан. Чиндан ҳам, бундан 30-40 йиллар олдин роман жанрининг шакли ва мазмунини тубдан янгилаш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазалари мустақиллик даврида амалга ошганлигига ишонч ҳосил қиламан.

Устоз Умарали Норматов адабий анжуманларда, учрашувларда сўзга чиқиб, биринчи каломини «*Азизларим, қадрдонларим, дўстларим*» каби меҳр уфуриб турган сўзлар билан бошлайдилар. Ҳа, домламиз учун ёшидан, миллатидан, ирқидан қатъий назар, ҳамма одамлар *азиз ва қадрлидир*. Эҳтимол, шунинг учундир, Умарали Норматовнинг ўзи ҳам ҳамма учун *азизу мукаррам ва қадрдон* бўлиб қолаётгандир. Оллоҳдан ана шу мартабани у киши учун узоқ йиллар бардавом қилишини тилаб қоламан. Омин!



Тўртинчи бўлим

АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

«Улисс» дунёсидаги эврилишлар

Жеймс Жойснинг «Улисс» романи таржимони, атоқли адабиётшунос Иброҳим Фафуров билан суҳбат

ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВ: Иброҳимжон ака! Келинг, суҳбатимизни ушбу романни мутолаа қилиш жараёнида қалбимда туғилган ташвишли бир савол билан бошласак. Очиғини айтсам, аввало, романни ўқиш, ўқиганда ҳам уни тушуниш ниҳоятда қийин. Сабаби бу асар бизнинг ўқувчилар ўрганиб қолган батартиб воқеалар тизимидан иборат эмас. Сиз «Воқеа» деб таржима қилган ҳар бир эпизодда шу қадар телба-тескари, бири боғдан, бошқаси тоғдан олинган гаплар, фактлар, исмлар, саналар қалашиб, аралашиб кетадики, уларни идрок этгунча ўқувчининг энка-тинкаси қурийди. Тўғриси, ўзим ҳам ўтган асрнинг 80-йилларида касбим тақозосига кўра «Улисс»нинг рус тилидаги китобини ўқишга киришгандим. Бироқ ҳеч нарса тушунмаганлигимдан, қийналиб кетганлигимдан ярмидаёқ ўқишдан воз кечгандим.

Мана, орадан кўп йиллар ўтиб, Сизнинг беқиёс ва машаққатли меҳнатингиз эвазига бу роман илк бор ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Айтинг-чи, устоз, ҳозирги ўқувчилар «Улисс саргузаштлари» романини оммавий равишда қабул қиладилар, уни севиб ўқийдилар, идрок қила оладилар деб ишонасизми? Ахир, ўзингиз қайд этганингиздек, ҳатто «буюк психиатр, психолог олим Карл Юнгни уч йилдан ортиқ ўйга толдир»ган бу асар ўзбек китобхонига тушунарли бўлармикан?

ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ: Чиндан ҳам, «Улисс» каби романларни оммавий суратда қабул қилиш қийин. Бу асар оммага мўлжалланмаган ва унга қаратилмаган. Жеймс Жойс бу асарини Европа ва Америка интеллектуаллари, ақлий, илмий ўсишларида анча илгарилаб кетган Фрейд, Юнг, Эвра, Эллиот сингари ўзига тенг даражада турган замондошларини мўлжаллаб ёзган, уларнинг тушунишлари, аксадо беришлари, баҳс-мунозараларини назарда тутган. XX асрнинг 20-йиллари бошланишидаёқ журналда босилиб чиқа бошлаган бу асарни тушуниш қийин деб бутун дунёда тан олинган. Лекин бу асарни тушуниб бўлмади дегани эмас асло. Фақат «Минг бир кеча»ни ўқиш билан «Улисс»ни ўқишнинг фарқи бор. «Улисс»ни ўқиш бу қаттиқ меҳнатни талаб қилади. Узлуксиз бош қотиришга, бутун диққат-эътиборни шу асарга қаратишга, унинг ранг-баранг оламлари ичида яшашга тўғри келади. Унинг ичига чуқурроқ кириб борганингиз сари, адабиётимиз билан ўхшаш томонларни ҳис қилиб бораверасиз.

«Улисс»ни ўқиш том маънода осон эмас. Лекин ичига кирган, мағзини чаққан ўқувчига у туганмас гўзал онларни бахш этади. Инсон майллари, эҳтирослари, кайфиятлари, қарашлари, кечинмаларининг чексиз ранг-баранглиklarига, онг ва ҳиссиёт оқимлари ичида ҳар қадамда инсонни — унинг миллати, мамлакати, диний эътиқодидан қатъий назар, илгари ҳеч қачон кўрилмаган, англолмаган, ўйланмаган, беҳад оригинал бир нуқтадан кашф этгандай бўлади. Шунинг баробарида, Жойсни ўқиш кишига чексиз бир мароқ бағишлайди. Жойсни мутолаа қилишга киришган китобхон аҳдида қаттиқ туриб, китобни охиригача ўқиши керак. Агар асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири Леополд Блумнинг хотини — қўшиқчи аёл Моллининг оз эмас-кўп эмас, росмана қирқ саҳифадан иборат биронта нуқта, биронта вергул ёки бошқа тиниш белгилари қўйилмаган Турон даштидай бир текис ички монологини зерикмай ўқий олса, у, албатта, ададсиз ҳиссиётлар, турли фикрлар дарёсига фарқ бўлади. Дастлаб тушунолмайд қийналиш-

нинг охири ҳайрат билан тугайди. Бу, таъбир жоиз бўлса, насрдаги чексиз маҳорат, чексиз кашфиётлар водийсининг ҳайратларидир. Аммо ўқиб бўлгач китобхон бармоқ тишлабгина қолмайди: ўйлайди, ўйлайди, ўйлайверади... энди ўйлаш мудоваматини ҳосил қилади.

Ахир, ўзбек китобхони ўз тилида Жойс билан яқин-яқинлардан бери таниша бошлади-да! Адибнинг бир қанча ҳикоялари ҳамда «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» номли романи (Аҳмад Отабоев таржимаси) босилиб чиқди. Ўқувчилар бу асарларни яхши қабул қилдилар. Шуни назарда тутиб, Жойс билан танишувни чуқурлаштириш, кенгайтириш мақсадида «Улисс» романи таржимасига журъат қилинди. Унутилмас Озод Шарафиддинов ўзбек китобхони Жойсни ўқишини орзулаган ва Нитше, Маркес ва Жойсни («Зардўшт таваллоси», «Бузрукнинг кўзи», «Улисс») таржима қилишни бизнинг зиммамизга юклаган эди. Ўйлайманки, закийтабиат ўқувчиларимиз ушбу мураккаб асарни қизиқиш билан ўқийдилар ва уқиб оладилар.

Й.СОЛИЖОНОВ: Атоқли рус санъаткори Ал. Толстой ёш ижодкорлар билан ўтказган суҳбатларининг бирида ёзувчи бир пайтнинг ўзида ҳам адиб, ҳам файласуф, ҳам кўп қиррали олим бўлиши керак деган экан. Мен романи ўқиш жараёнида Жеймс Жойсни айнан ана шундай аллома – ҳам тарихчи, ҳам философ, ҳам иқтисодчи, ҳам сиёсатшунос, адабиётшунос, табиб, дин аҳкомлари ва шариат қоидаларини яхши билган руҳоний эканлигига иқрор бўлдим. Масалан, қаҳрамонлари чўмилишаётганида денгиз сувининг шифобахш фойдаси ҳақида гап кетади, овқатланишаётганида қайси таомларнинг қандай дардга даволиги тўғрисида маълумот берилади. Кўчада кетишаётганда ҳиди чиқаётган газнинг кўк йўталга дори эканлигини, сил билан оғриганда янги иссиқ қон ичиш наф беришини ёзади. Айниқса, Жойс адабиётшунос сифатида Европа адабиёти, ўнлаб таниқли адиблар (хусусан, Шекспир) ижоди тўғрисида шу қадар кўп ва қизиқарли маълумотлар берадики, ҳайратга тушамиз. Ўқувчики, асарни

ўқиш давомида шунча кўп маълумот олар экан, Сиз таржимон ва адабиётшунос сифатида Ж.Жойснинг яна қандай қирраларини кашф этдингиз?

И. ФАФУРОВ: «Улисс» жаҳон адабиётида кутилмаган воқеа бўлди. Шу пайтгача бундай фавқулодда бадиий кашфиётлар билан тўлиб-тошган, дунёга янги бадиий тасвир тизимлари ҳамда воситалари, усуллари, техникасини таклиф қилган асар ёзилмаган эди. «Улисс» романи билан бирга модерн адабиётининг қуёши чиқди. У тасвирда «онг оқими» деган янги бир ажойиб ҳодисани яратди. Дунё ва инсонни универсум каби – ягона ва яхлит тасвирлаш ҳамда тасаввур қилишнинг бадиий, фалсафий имкониятини очди. «Улисс»гача дунё адабиётида фақат Ҳомернинг «Одиссея» ҳамда «Илиада» дostonлари, «Инжил», «Таврот», «Янги аҳд», «Қуръон» сингари китоблар универсум – барча учун ягона ва баробар қимматга эга бўлган китоблар деб қабул қилинарди. Жеймс Жойс «Одиссея» ва унинг қаҳрамонларини, воқеалари ва ғояларини ўзи учун, ижодий нияти учун универсум – яъни универсал модел деб қабул қилди.

Ёзувчи ўз олдига XX аср Одиссейи ва унинг ҳозирги замондаги саргузаштларини ёритишни мақсад қилиб қўйди. Ўз монументал асарининг ўн саккиз бобини «Одиссея»нинг ўн саккиз қўшиғига ажиб бир тарзда уйғунлаштирди, мувофиқлаштирди. «Одиссея»га ҳар жиҳатдан муодил бир асар яратди. Лотин халқлари Одиссейни Улисс дейишади. Жойс шундан келиб чиқиб, романига «Улисс» деб ном берди. Бу бизнинг тилимизда Алпомиш деган маънони англатади. Адиб романининг асосий икки қаҳрамони – Блум ва Стивен худди Одиссей ва унинг ўғли Телемак каби саргашта, олам кезувчи қаҳрамонлардир. Блумнинг хотини қўшиқчи аёл бўлса, бамисли Одиссейнинг уйида интизор кутиб қолган ва куёвлар таъмаларидан безор бўлган хотини Пенелопа кабидир. Стивен эса, ота дийдорини излаган, ота марҳаматидан баҳрадор бўлишни истаган, ота соғинчи ичида изтиробли ўйларни бошидан кечирган ёш Телемак мисолидир.

Одиссей ва унинг атрофидаги шериклари, ҳамроҳлари Блум ва Стивен теварагини қуршаб олган ранг-баранг жамоа кишиларини эслатади. Жойс дастлаб асарининг бобларини ҳам «Одиссея» қаҳрамонлари ва ҳодисотлари номи билан атаган эди. Лекин кейинги таҳрирда у ушбу номларни олиб ташлади ва номлар асарнинг дастлабки чизгилари ва режаларидагина қолди. Аммо Жойснинг дунёдаги сон-саноксиз тадқиқотчилари ҳанузгача асарнинг бобларини муаллифнинг илк чизгилари бўйича аташни одат қилиб келадилар. «Одиссея»га ўхшатма «Улисс»нинг фақат техник қурилишидаги кашфиётдир. Бу техник кашфиётни тақлид деб атаб бўлмайди.

Асарнинг асл воқеаси тамомила янги ва оригиналдир. Унинг марказига Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳри қўйилган. Асар 1904 йилнинг 16 июнида бир кун мобайнида Дублинда рўй берган воқеаларни соатма-соат, дақиқама-дақиқа ўз сюжет чизиқларига эга ҳолда қамраб олади. Дублин шаҳри, унинг манзаралари, кўчалари, саройлари, каналлари, трамвайлари, кеблари, уйлари, дўконлари, қовоқхоналари, емакхоналари, черковлари, мозорлари, қабрлари, бозори — бари ўта аниқ, маҳаллалари, одамлари, уларнинг касб-корлари ҳам шу қадар аниқ; яъни ҳаммаси ёш санъаткор Жойс кўрган пайтларида қандай бўлса, баайни ва худди шундай тасвирланган. Жойс ўзи аниқ билган, аниқ кўрган, аниқ эшитган, аниқ бошидан кечирганларини жуда батафсил аниқлик билан тасвирга киритади. Қаҳрамонлари, воқеалари худди ҳаётдаги одамларнинг айна ўзлари бўлган бундай асар дунё адабиётларида камдан-кам топилади. Ундаги барча персонажларнинг прототиплари мавжуд. Стивен ва Блум эса, муаллифнинг баайни ўзидир.

Менга қолса, «Улисс» Ўзбекистонга, ўзбекларга жуда яқин асар деган бўлардим. Ҳатто жуда қадрдон асар дейишим ҳам мумкин. Нега шундай деяпман? Бу фикримни тунтиришига ҳаракат қиламан.

Албатта, юзаки бир қарашда Жеймс Жойснинг «Улисс» романи Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳаётига, тарихига, дунёни

қабул қилиши, унга муносабати, англаши, тушуниши, тутими ҳамда мезонларига, тасаввурлар дунёсига бегона бир асар бўлиб туйилиши ҳам мумкин. Номатълум ва нотаниш воқелик, номатълум ва нотаниш коллизиялар, ўлчовлар ва ҳоказолар... Асарнинг ёзилиш йўллари (усули) ҳам тамомила бошқача. Ёзувчиларимизнинг хаёлига ҳеч қачон келмаган ёзувлар, хатлар, усуллар. Биз бунақа нарсаларга яқин йўламаганмиз. «Улисс» романи XX асрнинг ўнинчи йилларида ёзилиб, йигирманчи йилларга келиб юзага чиқа бошлаган пайтда дунё тарихи ҳаракати ва табиатининг ажиб бир ўхшашликлари туфайли Ўзбекистонда, Тошкентда Абдулла Қодирий деган, худди Жойс каби ёш, ўт-олов йигит юртнинг, халқнинг яқин ва узоқ тарихига қизиқиб, жон-дили билан ўрганишга киришган, отаси ва бобосидан эшитган қизиқ-қизиқ тарихий воқеалар унга қаттиқ таъсир қилган, томирларида оққан ижодий кучларни жўш урдирган, Фарб романлари йўналишида миллий роман ёзиш орзусига тушган эди.

«Ўткан кунлар»нинг нияти худди «Улисс»нинг нияти каби туғилган ва ёш адибни тамомила уйқудан маҳрум этганди. Ирландияда ХУІІІ асрдан то XX аср бошларигача бўлиб ўтган озодлик учун курашлар, тинимсиз ғалаёнлар, миллий буржуазиянинг уйғониши, озодлик курашининг олдинги сафларига чиқиши ва уни турли йўллар билан бошқариши, ўртадаги Англия-Ирландия муносабатларида тинимсиз тўкилган қонлар, алам-умидсизликлар, хиёнатлар, қатллар, миллатнинг озодлик ҳамда бирлашиш тарафдорларига ажралиб кетишлари, булар ўртасидаги турли низолар, ихтилофлар — ҳамма-ҳаммаси Жойсдан олдинги авлод бошидан қандай ўтган бўлса, Жойс авлоди бошидан ҳам шундай оғриқ, азоб-уқубатлар, умидсизлик, тушкунликлар, ватанни тарк этиб кетишлар, ҳижрон, айрилиқ кечинмалари тинимсиз ўтиб турган замон эди.

Тасодифни қарангки, XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам ана шундай миллий озодликка интилиш, курашга отланиш, қўзғо-

лонлар бир зум бўлсин, тинмаган эди. Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар авлоди худди Жойс авлоди каби озодлик ва маърифат курашига белни маҳкам боғлаб чиқди. Ирландиядаги кураш тажрибалари ва тарихи Ўзбекистондаги кураш тажрибалари ва тарихи ҳамда йўналишига жуда яқин эди. «Улисс» «Ўткан кунлар» билан бир давр, бир пайтда оқ саҳифага тушди. Икки халқнинг кураши ўхшаш манзараларга, ўхшаш йўналишларга эга эди. Фақат ирландлар Европа ва Америка таъсирида бу масалаларда анча илгарилаб кетгандилар. Хонликларнинг таназзуллари Ирландиядаги таназзулга ғоятда ўхшаб кетарди. Миллий озодлик ғояси, ўз-ўзини бошқариш орзуси жойсларга қанча яқин бўлса, қодирийлар, отабекларга ҳам шунчалар яқин эди. Зиёлиларимиз ўхшаш ғоялар қуршовида ўртанардилар. Шунинг учун ҳам, «Улисс»даги озодлик интилишлари бизга яқин ва қадрдон, энг муҳими, тушунарлидир. Қодирий Фарб адабиёти руҳидаги миллий роман ёзишни орзулаб, кўзини Гюго, Вальтер Скотт, Жўржи Зайдон, Рабиндранат Тагор кабиларга тиккан бўлса, Жойс романини ёзаркан, бутун Европа мамлакатларини кезиб, бу ердаги энг илғор илмий-фалсафий ғояларни дунёқарашига сингдирар, Гомер, Аристотель, Платон, Сократ, Рабле ва Дантедан тортиб, Нитше, Л.Толстой, Достоевский, Фрейдгача тафаккур оламларини онгига сингдирар, улардан улги олиб илҳомланарди.

Шунинг учун Қодирий, Чўлпонни ўзига яқин кўрган киши ҳеч қачон Жойсга бегона деб қараши мумкин эмас. Ўлай агар, шоир, адиб, файласуф ва муаллим Стивен Қодирийга жуда ўхшаб кетади. Жойс бу қахрамонини Қодирий ёки Беҳбудийдан олиб чизмаганмикан деб ўйлаб қоламан. Одам асли шу Стивендай, Блумдай бениҳоя мураккаб. Беҳбудий, Фитрат, Қодирийлар ҳам мана шундай ўта мураккаб феъл-атвор ва қараш-интилишлар эгаси бўлишган. Лекин Жойс Фрейднинг кўзойнагидан қараб, кўриб, илғанган, тасвирлаган ҳодисаларни қодирийлар ҳали кўрмаган ва тажрибаларидан ўтказмаган эдилар.

Й. СОЛИЖОНОВ: Жеймс Жойсни диндан юз ўгирган, ватани Ирландиядан воз кечган деб «айблашади». Аммо унинг асарларини ўқиб бунга ишонмадим. Биргина «Улисс саргузаштлари»нинг ўзида динлар ҳақида шу қадар билимдонлик билан фикр юритадики! Шу билан бирга, «Инжил», «Таврот», «Қуръони Карим» каби муқаддас китоблардан кўплаб оятлар, қоидалар келтиради. Масалан, бир жойда мистер Блум нуқтаи назари орқали «Муҳаммад алайҳиссалом мушукнинг фароғатини бузмаслик учун тўнининг этагини қирқиб қўйганлар» дейди. Менинг фикримча, у диндан воз кечган шаккок, кофир эмас, балки уни чуқур билган, билганлиги учун ҳам унинг айрим чекловчи ақидаларига қарши исён кўтарган (хулди биздаги Мансур Халлож, Машраб сингари) бўлса керак.

Жойсшунос олим Т.Жўраев «Модерн бизга бегона эмас» номли суҳбатида («ЎЗАС» 17.08.09) айтишича, ёзувчи ўз ижодини эпифаниялар ёзишдан бошлаган. Бу сўз ўзбек тилида «Тангрининг юз кўрсатиши, тангрига етишув» деган маънони англатар экан. Ахир, бу биздаги тасаввуф таълимотига тўғри келади-ку! Энди, инсоф билан айтганда, шундай одамни динсиз, кофир деб бўлармикан?

И.ФАФУРОВ: Бу масалада сал эҳтиёт бўлиб фикр юритган маъқул. Айримлар ўйлаб-ўйламай, Жойсни яхши билмай, унинг қалбига қулоқ солмай кескин хулосалар чиқардилар. Аслида, Жойс кўп билимдон файласуф бўлган. Жеймс Жойс ўзининг исёнкорона фикр-қарашлари билан XX аср бошидаги Ирландиянинг ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий, маданий ва диний муҳитига сиғмай қолди. 1904 йилдан у Ирландиядан Европага чиқиб кетди, тинимсиз Европа мамлакатларини кезди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотди. Турли миллат халқларининг ҳаётини ўрганди. Яқинлашиб келаётган биринчи жаҳон урушининг алангалари, инсон ҳаёти, руҳи - ички дунёсининг таназуллари унинг ёзаётган асарларига ўз фожиали, аламли, аччиқ шуълаларини тўхтовсиз ташлаб турди.

Адабиётдан маълумот олиш ва оқибатда маълумотли

одам деб ном қозониш, албатта, яхши нарса. Аммо кўп ва ранг-баранг маълумот олишни истаган киши энциклопедияларга мурожаат қилса кифоя. Роман эса, энциклопедия эмас. Лекин «Улисс»нинг энциклопедияга ўхшаб кетадиган томонлари йўқ эмас-да! Нега уни Дублин ҳаётининг ёки Ирландия озодлик ҳаракатининг энциклопедияси дейиш мумкин эмас? Дублин ер юзидан йўқолиб кетса, менинг романимдан Дублинни яна аниқ тиклаш мумкин, дейди Жойс. У ёзаётганида доим Дублиннинг энг аниқ харитасини кўз ўнгида сақлар ва ҳар доим қаҳрамонлари юриб бо-раётган кўчалар, йўллар, муқолишлар, жойлар, биноларни кузатиб турар, маконни аниқ тасвирлар экан. Бундан таш-қари, ҳозиргача «Улисс»га ёзилган изоҳлар, маълумотно-малар романнинг ўзидан юз баробардан каттароқдир. Дунё адабиётида Жойс тадқиқотчилари лашкари мавжуд. Улар-нинг синчков назари доим адиб асарларида. Жойс универ-суми мудом фикр кўзғатади. Ақл муҳокамаларига тўхтовсиз озуқа беради. Унда алақандай фикр оҳанрабои, фикр жозибаси тинимсиз ўзига тортиб туради. «Улисс» хориқу-лодда фикр қайновлари, гирдоблари, пўртаналари ичида дунёга келган асар бўлгани боис, ҳар қандай ўқувчига ҳам шу қайновларни юқтира олади, ўз фикр гирдоби ва пўрта-налари ичига тортиб кетади. Унда бутун Европа адабиёти-дан жамланган ва одамнинг онги ҳамда юрагига йўналти-рилган қандайдир мислсиз сеҳрлагувчи фокус борга ўхшаб кўринади.

Бу фазилатлар Жойснинг юртини ташлаб кетган ношу-кур киши эмас, балки унинг дарди билан яшаган, тақдири учун курашган ватанпарвар шахс бўлганлигидан далолат бермайдими?

Й. СОЛИЖОНОВ: Жойснинг «Улисс»и роман жанри имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи ажойиб намунадир. Унда ҳаётнинг ҳамма соҳалари, инсон турмушига хос барча икир-чикирлар жуда кенг ва ранг-баранг тарзда берилган. Уни ўқиб, ўтган аср бошидаги Ирландия-нинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий турмуши

манзараларини тўла тасаввур этиш мумкин. Янада тўғриси, «Улисс» мамлакат ҳаётининг бадиий қомуси, ирланд халқининг руҳияти, ахлоқи, маданий сажиясини акс эттирувчи миллий кўзгудир. Биргина мисол: Дублиндаги «Қирол канали» ҳақида гап кетганда муаллиф бу каналнинг қурилиш тарихи, аталиши тўғрисида тўхталиб ўтирмайди-да, тўғридан-тўғри «бутун Ирландияни босиб ўтадиган» бу каналнинг нақадар ифлосланиб кетганлигига эътиборни тортади. Каналда биқинига «Бугабу» деб ёзиб қўйилган солга биргина одам ахлат, чиринди, балчиқларни юклайди. Юзлаб одамлар эса, унинг ёнидан бепарво ўтадилар, томошабин сифатида четдан кузатадилар, холос. Бу тасвир менга таназзулга юз тутган мамлакатнинг рамзий манзараси бўлиб кўринди. Умуман, романда рамзий тимсоллар жуда кўп берилган. Шу маънода уни «панорама роман» деб атаса бўлади. Сиз ўзингиз романни таржима қилиш жараёнида унинг яна қандай янги хусусиятларини кашф этдингиз?

И. ҒАҒУРОВ: Романда XX аср бошидаги Ирландия ва унинг пойтахти Дублин ҳаётининг кенг қамровли манзаралари акс эттирилади. Романдан ўрин олган ўн саккиз эпизоднинг ҳар бири (биз уларни ўзбекча таржимادا «Воқеа» деб бердик) инсон организмнинг бирон аъзосини рамзий тарзда ифодалайди. Бутун ҳолида эса, роман инсон вужудини инъикос этади. Шулар билан боғлиқ ҳолда, Жойс ҳар бир эпизоднинг ўзига хос санъати, ўзига хос қурилиши, архитектураси, ўзига хос такрорланмас услубини яратади. Шундай ажойиб-ғаройиб санъатлар, бадиий кашфиётлар (чунончи, ҳар бир эпизоднинг ўз ранг-бўйи бор) воситасида Жойс ўқувчини қаҳрамонларнинг ғоят мураккаб ҳамда мафтункор руҳий-ақлий-тафаккурий оламлари ичига олиб киради. Жойс ҳар бир эпизод воқеаларини вақт оқими билан ҳам чамбарчас боғлайди ва ҳар бир эпизодда янги ривоят, янги таҳлил усулларини очади.

Ота ҳамда она мавзуси Стивенни ҳар қандай ҳолатда ҳам тарк этмайди. Бу мавзулар ёзувчи-муаллифнинг баёни ёки тасвири орқали берилмайди. У Стивеннинг эмранган ке-

чинмалари, турли сирли ишоралар, нозик эсланишлар орқали ёритилади. Худди шунингдек, Блумнинг хаёл оламини ажодлар юрти ва унинг руҳонияти мавзуси ҳам қайта-қайта ишғол қилади. Блум ўзи асли яҳудий. У доим Шарқни, Исроил, Фаластин, Миср, Нил бўйларини ёдидан ўтказди. Ажодлар юрти соғинчи Блумнинг эмранишларига айланган. Бу унинг образига жуда юксак бир шоирона тўлқин ҳамда фазлият бағишлайди. Стивен билан Блум ўй ва кечинмалар гирдобдаги одамлардир. Уларнинг кечинмалари ва буюк оқим тусини олган ўйлари, хаёлларида оҳанрабо ҳоким. Шу оҳанрабо қайта-қайта Блум ва Стивеннинг ўйларига ошно бўлишга, уларнинг теран маъноларига етишга чорлайди.

Булар беҳад нозик хаёл ўйинлари...

Асар қаҳрамони Стивен ўзининг ўлаётган, ўлим тўшагида ётган онасини нақадар севмасин, унинг ҳузурда тиз чўкиб дуо ўқишдан бош тартади. Жойсининг ўзи онаси ўлганда худди шундай воқеани бошидан кечирган эди. Мана шу воқеа доим Стивеннинг хаёлида айланади. Уни чексиз изтиробларга солади. У ўзининг дуоси онасини қутқариб қололмаслигини билгани учун сохтакорлик ва, қолаверса, мунофиқлик қилишни истамади. Кейин унга онанг тарракдек қотиб ўлаётганида дуо қилишни истамадинг деб таънадашном қилдилар. Буни у юрагига ниҳоятда оғир олди. Бу гапни айтган дўстидан тамомила юз ўгириб кетди. Лекин шу азоб Стивенни романнинг бошидан-охиригача тарк этмайди. Азоб унга ҳар томондан келади, ҳар турли ҳолатларда тинчлик бермайди. Унинг мана шу азобларни бошидан кечириши, ғам-ситама дарёсига чўмишида бир-бирини такрорламайдиган фикр дунёлари намоён бўлади. Бу худди Ҳамлетнинг отаси ҳақидаги изтиробларига ўхшайди. У юраги тубига жуда чуқур чўккан мунг орқали дунё ишларига боқди ва уларга ўз баҳосини беради.

Шунга ўхшаш эпизод Блумнинг ҳаётига, толеига беҳад чуқур из солиб ўтган. Блумнинг Руди деган ўғли сабийликда қазо қилган. Блум қайда бўлмасин, қандай юмуш билан

банд бўлмасин, атрофидагилар унга нечоғлик мазах ва таҳқир назари билан қарамасин, қандайдир бир тарзда маъсум ўғилча ёди сизиб чиқаверади. Блумнинг ўзи ғоятда маъюс, ҳузн-қадарга ботган одам, Рудининг шарпаси уни янада бепоеён қадарга солади. Бу туйғулар умуман олам, умуман одам ва умуман инсон ер юзига келибдики, айрилмас ғуссага айлангани сезилади.

Й. СОЛИЖОНОВ: «Улисс» ўқувчини тил хазинасининг том маънодаги «очил дастурхон»ига таклиф қилади. Аввало, ёзувчининг ўзи инглиз тилидан ташқари, француз, лотин, немис тилларини жуда яхши билганлиги аён бўлади. Асарнинг ўзбекча таржимаси ҳам она тилимизнинг нақадар бойлиги, имкониятларининг кенглигини амалда ишотлай олган. Жойснинг алмойи-алжойи сўзлайдиган персонажлари ўзбек тилида шу қадар батартиб, тушунарли, нафосат билан гапирадиларки, ўқувчи суҳбатдошининг нима демоқчи эканлигини англаб туради. Чунки роман нутқидаги бу тартибсизлик таржимада кўзга кўринмас тафаккур ришталари билан боғланган. Бундан ташқари, Сиз таржимада шундай сўзларни қўлагансизки, уларнинг жуда кўпини 5 жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан ҳам топиб бўлмади (масалан, «уфунат», «олифтавор», «ўртук», «жайноқлаган», «ғуддасимон бош», «шодлангил, Ожиза», «улвий ожиза», «вирди забон қилмоқ», «харосон кўнгил», «йилтир кўз» ва ҳоказо). Бунга қандай эришдингиз? Яна бир савол: Сиз жаҳон адабиётининг ўнлаб шоҳ асарларини таржима қилгансиз. «Улисс»ни таржима қилишда ўзингизни қандай сездингиз?

И. ҒАҒУРОВ: Романда ҳар бир эпизоднинг ўз ҳайратлар олами бор. Кашфиётлар киши билмас ҳолда юзага чиқаверади.

Жойснинг роман қаҳрамонлари фикри ва муносабати орқали образ яратиш маҳорати ҳар қанча таҳсинга сазовор. Мисол учун Ирландия озодлигининг миллий қаҳрамони, халқ йўлбошчиси Чарлз Стюарт Парнелл сиймоси роман персонажларининг фикрлашлари, кечинмалари, баҳолаш-

лари, муносабатлари воситасида гавдалантирилади. Ота, Она, Ўғил, Йўлбошчи, Севгили, Маъшуқа образлари шунчаки баён, тасвир орқали эмас, балки лейтмотив бўлиб ўтади.

Романнинг ҳайратомуз томонларидан яна бири шуки, ундаги биронта сўз бирон ерда бекор ётмайди, битта сўз ҳам унутиб қолдирилмайди. Ҳар бир сўз, ҳар битта ҳаракат, фаолиятнинг мантиқи бошқа боблар, бошқа муносабатлар ичида чақилади, мағзи очилади, олдингидан бошқачароқ қирралари ва хусусиятларини кўрсатади. Сўз Жойс матнида доим ва ҳар қайда, ҳар қачон намоён бўлиш фазилатига эга эканлиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Жойс ҳам, унинг қаҳрамонлари ҳам ҳеч нарсани эсдан чиқармайдилар. Сўзлар воситасида ифодаланган ажабтовур тағмаънолар эса контекст ичига шимилиб боради. Сўзлар ҳеч вазифасиз турмайди. Доим бир ёки бир неча нарсалар, ҳодисаларга ишора қилади, рамз тусини олади.

Жойснинг синчков ва ишончли тадқиқотчиларидан бири, қадрдон дўсти Ф. Бадженнинг гувоҳлик беришича, бир куни Жойсдан «иш давом этяптими?» деб сўрабди. Жойс «бугун кун бўйи қаттиқ ишладим» дебди. «Нималар қилдингиз?» «Иккита жумла туздим». «Аниқ сўз қидириб қийналгандирсиз?» «Менинг доим аниқ сўзларим бор. Лекин мен қидирган нарса жумлада сўзларнинг энг етук тартибини топиш. Ҳар бир ҳолатда қандайдир аниқ бир тартиб мавжуд. Ўйлайманки, мен уни топишга қодирман». Жойс бу хаос олам ичидан энг юксак тартиб қидиради ва уни топади. Шунинг учун у ҳар қандай адабий усулда энг юксак маҳорат билан ёза олади.

Адиб ўзигача бўлган барча адабий усулларни ўхшата олган, усулларнинг ҳайратомуз ўхшатмаларини яратган. «Улисс»нинг «Тебранган қоялар» деган эпизодида Дублин кўчаларидан ўтиб бораётган вице-қирол карвони ўн саккиз ерда ўн саккиз нуқтаи назарда тасвирдан ўтади. Ўн саккиз турли макон ва ҳолат яратилади. Дунёнинг янги манзаралари ва янги айланалари, янги маъно йўналишлари чи-

зилади. Жойс ўз эпизодларининг тасвирларида тинимсиз айланиб турган олам ҳаракатига тақлид қилаётганга, унга эргашаётганга, уз бадий оламининг универсумини бино қилаётганга ўхшайди. У ўз асарларининг фойдали маънодорлигига қаттиқ ишонарди. Бир куни унга «Польшани босиб олишибди» деб хабар беришади. У эса: «Айтинглар, «Финнеган ёди»ни эздан чиқаришмасин» деган экан.

Таржима менга лабиринтлар (қадимги Греция ёки Мисрда қурилган кўп хонали ва эгри-бугри, чалкаш йўлаклари бўлган катта қаср; киши кирса адашиб қоладиган кўп хонали катта бино) ичида юришга ўхшаган бир машғулот бўлиб кўринади. Албатта, сўз, жумла ва образлар лабиринтлари ичида юргандек бўлади одам. Бу юришда ҳар бир сўз сари йўл топиш керак. Ҳар битта жумланинг қалбига кириш керак. Жумлалар қалбига кириш учун эса, уни юрагингизга тегирмонга дон солгандай солиб, тинимсиз айлантисиз, ўнгдан, сўлдан қарайсиз, кир жойини, шираси яширинган ерини топишга уринасиз. Таржимонлик - бошдан-оёқ топқирлик. Топқирликка эса, минг турли тусмоллар билан борасиз, аниқ бир сўз, аниқ бир жумла излайсиз. Жойснинг лабиринтларини-ку асло кўяверасиз! Ёзувчи матнининг бутун маъно йўналишлари, маъно қаватлари (маънолар эса, унинг асарларида худди тош каваклар орасидаги қимматбаҳо антрацит каби) қаттиқ зичланиб, зўр қаватлар, қатламлар ҳосил қилиб ётади.

Жойсни таржима қилишдан кўра, уни ўқиш, тинмай, қайта-қайта ўқиш одамга мислсиз роҳат бағишлайди. «Улисс»нинг ўзбекча таржимасини такрор-такрор ўқиб ўтираман. Бошқа иши йўқ деб ўйлайсизми? Лекин унинг қандайдир оҳанрабои, жозибаси ўзига тортаверади. Жойс «Улисс»дан кўра бир неча бараварроқ юксак экспериментал руҳда яратилган «Финнеган ёди» романини йигирманчи йиллар бошида ёзишга киришган пайтида дўстига йўллаган хатида шундай деган экан: Бу янги асар «худди катта тоққа ўхшайди, мен унинг ичига бирданига ҳамма томондан ўпириб кирмоқчи бўламан-у, лекин унинг бағридан

нимани топаман, билмайман». У романида Лиффи дарёсининг ўртасида ётган қаҳрамонининг кўраётган тушлари ва бу тушларида бутун Ирландиянинг тарихи ҳамда тақдирини акс эттириш, уларда оламнинг қайта-қайта айланиб келаврадиган ҳаводисларини — одамнинг фантазияси ҳам етолмайдиган эврилишлар — метаморфозаларни мажоз ва рамз воситасида гавдалантирмоқни мақсад қилиб қўяди. Тилни, сўзларни янги мақомга кўтаради. «Улисс»да Ирландиянинг бир кунини тасвирладим, «Финнеган ёди»да Ирландиянинг бир кечасини ёритаман. Бунинг учун менга одатдаги сўзлар эмас, одатдан ташқари сўзлар керак бўлади, дейди ва шундай ноодатий сўзлар, ифодаларни топишга уринади. Баъзан юз ҳарфдан иборат сўзлар топади, гоҳида бошқа тиллардаги сўзлардан тузилган ибораларни қўллайди. Уларнинг бирида ҳатто ўзбекча «индамай» сўзини ҳам қўшиб юборади.

Жойснинг бундай экспериментлари шунчаки техник шаклий бир нарсалар эмас. Асло! Жойс жумбоқларининг тагига етсангиз, у кашф қилган хазиналар эшигини очишга муяссар бўлсангиз, дунё ва инсон ҳаёти, толеининг беҳад мағиздор, бағирдор қатламларига дуч келасиз. Жойснинг ўзи менинг бу асарим одамларга, ер юзига юз йилдан сўнг тушунарли бўлади, дер экан.

Ҳар ҳолда Жойс асарлари дунё модерн адабиёти ва санъати карвонларини инсониятнинг келажак замонларига етаклаб кетаётир. «Минг бир кеча»нинг ёнгинасида «Улисс» борлиги инсоният саргузаштлари савдоси ҳеч қачон тугамайдиган маънолар ва мундарижага эга эканлигини кўрсатади.

СЎЗ – ГАВҲАР, ФИКР – ОЛМОС

(Китобхон билан адабиётшуноснинг эркин мулоқоти)

КИТОБХОН. Мен оддий китобхонман. Ўқиганларимни адабиёт қоидалари, бадиий ижодга хос қонуниятлар асосида таҳлил қилишга қобилиятим етарли эмас. Шунинг учун асарни тушунишимда айрим етишмовчиликлар, қарама-қарши мулоҳазалар бўлиши табиий. Уларни тўлдириш, фикримни бойитиш учун адабиёт илмини яхши биладиган мутахассисларга муҳтожман. Чунки биронта асарни ўқиганимда хаёлимда кўп саволлар пайдо бўлади. Уларга жавоб топишга уринаман. Мабодо, топсам – ўзимдан хурсанд бўламан, тополмасам – алламаҳалгача қийналиб юраман. Китобдан олган таассуротларимни ким биландир ўртоқлашгим, баҳслашгим келади. Афсуски, суҳбатдошларимнинг барчасидан ҳам кўнглим тўлавермайди. Охири ўйлаб-ўйлаб адабиётшунос-мутахассис сифатида Сиз билан суҳбатлашишга келдим. Нима дейсиз?

АДАБИЁТШУНОС. Жуда яхши қилибсиз-да. Ташрифингиз хайрли бўлсин! Очиги, кўп ўқийдиган, асарнинг баланд-пастини, бадиий савиясини фарқлай оладиган билимдон китобхон билан фикр алмашиш менга ҳам завқ бағишлайди. Тўғриси, кейинги йилларда китобхонлик сусайиб кетди. Ўқийдиганлар ҳам асосан олди-қочди воқеалар баён қилинган енгил-елпи китобларни мутолаа қилиб, вақтини ўлдирипти. Менга эса, бунақа «бозор адабиёти» ёқмайди. Ишқилиб, Сиз ҳам шунақа асарлар ҳақида тортишиб, бошимни қотирмасангиз деб хавотирланиб турибман.

КИТОБХОН. Кўнглингиз тўқ бўлсин, домла! Мен ҳам унақа китоблардан иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат қиламан. Лекин на илож, қайси китоб дўконига кирсам ўшанақа китоблар қалашиб ётганини кўраман. Ҳоят сифатли муқоваларида совуқ қурол кўтарган, нигоҳи даҳ-

шатли ва тоғ-тошлар орасига яширинаётган ёки бир-бирига эҳтирос билан тикилиб турган антиқа кийим ва қиёфадаги йигит-қизларнинг расми ишланган бундай китоблар, айниқса, ёшларга ёқса керак-да! Мен эса, асарларни танлаб ўқийман. Ўзимнинг суюкли ёзувчиларим бор. Шулардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов. Тўғри, Ўткир ака қарийб 20 йилдан буён йирикроқ янги асар ёзгани йўқ. Асосан публицистик мақолалар, ҳикоялар ёзди, «Дафтар хошиясидаги битиклар» китобини эълон қилди, холос. Биласизми, бу битикларнинг ҳар бирида мен каттагина қисса ёки романга арзигулик масалалар кўтарилганлигини ҳис қиламан. Эҳтимол, шунинг учундир, улар ўқувчилар ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди. Аслида бозор иқтисодиёти шароитида вақтнинг қадрига етган одамлар шунақа ихчам, мазмунли, таъсирчан нарсаларни ўқишни истаб қолади.

Шунга қарамай, мен Ўткир Ҳошимовнинг ўша «эски» китобларини қайта-қайта ўқигим келаверади, ҳечам зерикмайман. Уларнинг қандайдир оҳанрабои бор. Ҳар сафар мутолаа қилганимда олам-олам завқ, янги-янги фикрлар оламан, илгари ҳис қилмаган туйғуларни бошимдан кечираман. Айниқса, «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби асарлари мен учун туганмас хазина. Буларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гаплашгим келади. Келинг, вақтимизни ҳисобга олиб, шулардан биттаси тўғрисида батафсилроқ гаплаша қолайлик.

Яқинда ёзувчининг «Баҳор қайтмайди» қиссасини нечанчи мартадир қайта ўқиб чиқдим ва, қизиқ, ҳар галгидек яна қарама-қарши фикрлар, ажиб туйғулар қуршовида қолдим. Асарнинг ёзилганига 40 йилдан ошди (1969 й.). Лекин унда айнан бугуннинг гаплари айтилган, бугуннинг одамлари ва манзаралари тасвирлангандек. Ҳозир, айниқса, Алимардонлар уруғлаб кетганлигидан хабарингиз бордир. Улар санъат воситасида осмонга учиб, пастга тушишни хаёлига ҳам келтирмай юришибди. Замонавий Алимар-

донларнинг қилмишлари оқибатида қанчадан-қанча Муқаддамлар бахтсиз, Шавкатлар етим бўлиб қолаётгани ҳам бор гап. Клара сингари енгилеёқ аёллар эса, беҳисоб. Ҳашаматли қасрлар қуриш, қўша-қўша машиналар миниш одатдаги ҳолга айланиб қолди. Қанийди, улар Алимардоннинг фожиасидан, Муқаддамнинг қисматидан тегишли хулоса чиқариб олишса?! Асарнинг яшовчанлиги, ёзувчининг узоқни кўра билиши, қаҳрамонларнинг ҳаётийлиги деганда шулар тушунилса керак-да?

АДАБИЁТШУНОС. Чиндан ҳам, Ўткир Ҳошимов ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётининг янгиланишига улкан ҳисса қўшган ли ёзувчи ҳисобланади. Шеърятда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Жамол Камол, Омон Мухтор, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, насрда Худойберди Тўхтабоев, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров сингари янги ижодкорлар авлоди адабиётнинг шаклини ҳам, мазмунини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Шўро мафкурасининг талабига кўра, илгари асарда социалистик воқелик биринчи ўринга қўйилиб, инсон унинг орқасида қолиб кетган бўлса, бу янги авлоднинг саъи ҳаракати билан инсон фаолияти ва унинг руҳий кечинмалари асар марказига олиб чиқилди.

Ўткир Ҳошимов, бошқалардан фарқли ўлароқ, ўз асарлари билан насрий баёнга лирик йўналиш, баландпарвозликдан холи кўтаринки кайфият, мусиқий оҳанг олиб кирди. Мафкура тазйиқи туфайли бундай фазилатлардан маҳрум бўлган адабиётимиз бу асарларни худди эрта баҳорда очилган бодом гулларидек соғиниб қабул қилди. Эътибор берган бўлсангиз, инсон бошига тушган энг қайғули воқеа-ҳодисаларни тасвирлаганда ҳам Ўткир Ҳошимов ўқувчиси қалбида умидбахш туйғулар уйғота олади, натижада, у ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Бу хусусият адибнинг ҳикояларига ҳам, қиссаю романларига ҳам хос. Чунки ёзувчи энг аввал ҳар бир асарининг мазмунига мос умидбахш оҳангни топиб олишга уринади. Бунга эришмай туриб қўлига

қалам олмайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзганди: «Чинакам асар туғилмасидан олдин унинг оҳанги, муסיқаси пайдо бўлади. Бу — ғоя эмас, сюжет ҳам эмас, айнан оҳангдир. Мана шу оҳанг адибни қўлидан судраб келиб, столга «мих-лаб» қўяди. Асарнинг жони дегани шу бўлса керак».

Бунинг энг яхши намуналаридан бири мана шу «Баҳор қайтмайди» қиссасидир. Қисса худди тугалланган муסיқа асарига ўхшайди, унинг ўз даромади, ўрта авжи, баланд авжи, якуни бор. Оҳанг воқеалар ривожига қараб босқич-ма-босқич кўтарилиб бораверади. Орада унинг ўзига хос нолаларию фарёди мавжуд бўлиб, улар асарга жон бағишлайди.

Мен бу қиссанинг муסיқий тузилишини худди ноталарнинг тартиб билан жойлашувидек тасаввур қиламан: у «до»дан оҳиста бошланиб, «си» билан баланд пардада тугайди. Назаримда, қиссанинг «Бўстон қишлоғига оғир-вазмин қадамлар билан куз кириб келди» деган ахборот-тасвири билан куйнинг даромади бошланади. Алимардоннинг даҳшатли туши унинг ноласи; эрининг хиёнати туфайли ярим кечада Муқаддамнинг уйдан чиқиб кетиши ўрта авж; онасининг уйдан ҳайдалиши баланд авжидек эшитилади. Алимардоннинг Ойнатоғ қишлоғига бориб ўғли ва хотини билан учрашиши мунгли нола, қайтишида жарликка қулаб ҳалок бўлиши фарёд сифатида янграйди. Якун яна мунгли, аммо умидбахш куй билан тугайди. Ажабки, нечоғлик нола-фарёд эшитмайлик, кўнглимиз чўкмайди. Негаки, тасвирдаги «яйраб-яшнаб баҳор»нинг кириб келиши, ложувард осмонда турналарнинг шодон қичқириши, «қатор-қатор тераклар япроқ ёзиб» оҳиста шивирлай бошлаши ҳаёт давом этаётганига, Муқаддамлар, Шавкатлар, албатта, кўнгли Кабир (катта) одамларнинг марҳамати билан бахтли бўлишига ишоралар. Дарвоқе, ёзувчининг ғоявий нияти қиссанинг ҳар бир қаҳрамони исмига ҳам яширинган.

Ҳа, Ўткир Ҳошимовнинг ҳар бир асари — каттами-кичикми, бир марта ўқишга арзийдиган олди-қочди, енгил асарлар эмас. Уларнинг ғоявий юки ниҳоятда оғир, бадиий

савияси юксак, қаҳрамонлари соғлом ва салобатли (ҳатто салбийлари ҳам), манзаралари ишонарли, сўзлари рангли ва таъсирчандир. Таниқли адабиётшунос И.Фафуров бундан 40 йил олдин «Ўткирнинг қалами сўзнинг рангини оча билади. У сўзга қут ва меҳр бағишлашдай ноёб туйғуга эга» эканлигини таъкидлаган эди. Ваҳоланки, ўша пайтда Ў.Ҳошимов эндигина иккита қисса-ю, ўнга яқин ҳикоя ёзганди, холос. Зукко адабиётшунос башорат қилган экан: бора-бора адибнинг бу хусусияти барча асарларини нурлантириб турувчи бош услубига айланди. Ҳозир у яратган тасвирдаги ҳар бир сўз гавҳардек, англашиладиган фикр эса, олмос сингари товланиб туради.

КИТОБХОН. Юқорида айтганингиздек, Ўткир Ҳошимов қиссани куз фасли тасвири билан бошлайди. Тасвирдан англашилишича, ҳаво совиган, осмонга елпигичдек паға-паға булутлар ёпирилган, чор-атроф дув-дув тўкилаётган япроқларнинг мунгли шивир-шивирига тўлиб кетган. «Одамлар қиличини кўтариб келаётган қишдан чўчигандай, шоша-пиша ҳаракатга тушиб қолган» пайт. Бу манзара менинг кўз ўнгимда октябрь-ноябрь ойларини гавдалантирди. Бироқ ёзувчи мана шу вақтга тўғри келмайдиган бир детални киритади: Алимардон иситмадан алахсираб ётган хонага «Қаердандир бир қалдирғоч отилиб кирди. Шифт тагида айлана-айлана вассажуфтдаги узун михга келиб қўнди. Фамгингина вижирлаб қўйди. Оқ-сарғиш бўйини буриб Алимардонга қаради. Мунчоқдек кўзларини тикиб узоқ қараб турди-да, яна бир сайраб қанотини ёзди. Лип этиб пастга шўнғиди, деразанинг очиқ тавақасидан ҳовлига отилди». Ахир, қалдирғочлар августнинг охири, сентябрнинг бошларида иссиқ ўлкаларга учиб кетади-ку! Фикримни исботлайдиган яна бир қуш бор: бу «Ёнғоқ шохида сайраган зағизғон»дир. Ахир, зағизғон (қарға) келганда қалдирғоч бўлмайди-да! Нима дедингиз?

АДАБИЁТШУНОС. Ёзувчи персонажларининг руҳиятини чуқурроқ очиш, характерини тўлдириш ниятида ташқи омилларга, хусусан, пейзаж тасвирига, табиат ҳодисалари-

га, турли деталларга жуда катта эътибор беради. Қиссада булут, шамол, ёмғир, хазон, кўлмак, лой сингари табиат унсурлари жуда кўп учрайди. Уларнинг биронтаси ҳам бежиз киритилмаган, ҳар бири сюжетни ҳаракатлантиришда муҳим ўрин тутаети. Табиатдаги энг майда-чуйда ўзгаришлар ҳам муаллифнинг синчков нигоҳидан четда қолмайди. Шу нуқтаи назардан, Сиз айтган ўша қалдирғоч масаласига келсак, унинг яшаши ёки учиб кетиши вақти-соатидан қатъий назар бу деталь зиммасига жуда катта маъно юкланган. Унинг вазифасини шарҳлашдан олдин Сизга ёзувчининг вақтни белгилашга ёрдам берадиган бир иборасини эслатиб ўтай. Эътибор берган бўлсангиз, қиссанинг иккинчи хатбошисиде «Сумбула туғди» деган жумла бор. Аслида «Сунбула» шаклида ёзилиши шарт бўлган бу сўз (чунки «Сумбула» эртапишар пиёз навининг номи) ўн икки буржнинг бири бўлиб, Асад билан Мезоннинг ўртасида жойлашган ва у 22 августдан 21 сентябргача давом этади. Сунбула пайтида сув совийди холос, ҳаво хийла илиқ бўлади. Куннинг илиқлигини дўстидан хабар олгани келган Анварнинг исиб кетганидан «кўйлаги тугмаларини ечиб юборгани, ичидаги майкаси терлаб, баданига чиппа ёпишиб қолгани», Муқаддамнинг енгилгина кийингани, қайтишларида ялангоёқ бўлиб олиши ҳам исботлаб турибди. Демак, куз фасли энди бошланяпти. Бу пайт августнинг охири, сентябрнинг бошларига тўғри келади. Сиз айтган зағизгон эса совуқни бошлаб келадиган қарға эмас, балки қишин-ёзин юртимизда яшайдиган ҳақкадир. Ёзувчи тасвирда ўзининг ҳар бир сўзи ғоявий мазмунни бойитиш учун қандай юк ташишини олдиндан ўйлаб қўллайди. Ундан биронта сўзни олиб ташлаш мумкин бўлмаганидек, қўшиб ҳам бўлмайди.

Маълумки, қалдирғоч Оллоҳнинг энг суюкли жонивори, одамнинг яқин дўсти. У ҳамма уйга ҳам ин қуравермайди, энг осойишта ва файзли хонадонларни танлайди ҳамда шу ҳовлига қут-барака олиб киради. Демак, бу қалдирғоч Алимардоннинг онаси тириклик пайтида шу ерга ин қурган, яшаган, болалаган. Аммо бу галги келишида она йўқ,

эшик берк бўлгани учун киролмаган. Энди қайтишидан олдин қадрдон гўшаси билан видолашгани келди (отилиб кириши шундан!). Афсуски, керакли одами яна тополмади (шунинг учун «Ғамгингина вижирлаб қўйди»). Кроватда ётган йигитни эса, танимади (гарчи «Мунчоқдек кўзларини тикиб узоқ қараб» турса-да!). Унинг чиқиб кетишидан олдин яна бир сайраб қўйишида ҳам чуқур маъно бор. Қалдирғоч тилсиз жонивор, аммо ёзувчининг сеҳрли қалами воситасида қушчанинг кўзлари гапиряпти: «Сен кимсан? Нега ётибсан? Хонадонингдан файз кетибди-ку. Хушёр бўл!» Табиат мўъжизасининг бу огоҳлантиришини Алимардон англамади.

Қалдирғочнинг уйдан отилиб чиқиб кетиши баҳор элчисининг йигит билан видолашувидек туйилади. Мабодо, Сиз айтгандек, кузнинг совуқ кунларида қалдирғоч нима қилади деб, айтайлик, мусичани киритганида шунча маънони уқармидик? Ўткир Ҳошимов бу ерда қалдирғочни онгли равишда тўғри танлаган ва ғоявий мақсадини янада ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилдирган. Бинобарин, қалдирғоч билан бирга бу хонадондан бахт, омад, тотувлик, садоқат ҳам кетди. Нега бўлмаса Муқаддам келин бўлиб тушгандан кейин шу қалдирғоч қайтиб келмади? Дарвоқе, Муқаддамнинг ўзи шу қалдирғоч тимсолида намоён бўлган бўлса-чи?! Ахир, у ҳам айнан шу қалдирғочга ўхшаб не-не умидлар билан кириб келди-ю, кутгани(бахт)ни тополмай ғамгин бир ҳолатда чиқиб кетмадими? Кўрдингизми, ли санъаткор қўллаган ҳар бир детал бадиий матнда муҳим ғоявий-эстетик вазифани адо этади ва мазмунни бойитади.

КИТОБХОН. Қаранг-а, биргина қалдирғоч билан боғлиқ 43 та сўздан ташкил топган матн остида қанча маъно яширинган экан! Ёзувчининг маҳоратига қойил қолдим.

Келинг, энди қисса қаҳрамонларининг характери, ички ва ташқи хатти-ҳаракатларининг мантиқий бирлиги тўғрисида гаплашайлик. Бу масала ҳам мени жуда қизиқтиради. Масалан, Алимардоннинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ўқувчида ҳечам шубҳа уйғотмайди. У онасининг ёлғиз эр-

катойи бўлган, ўжар, худбин ва ҳасадгўй. Ҳамма нарса менга бўлса дейди. Бошқалар учун энг азиз, муқаддас ҳисобланган нарсаларни топтаб, тортиб олишдан ор қилмайди. Аксинча, бу унга завқ бағишлайди, ўзгаларни камситишдан ҳузурланади. Алимардоннинг характерини белгилайдиган битта ибора бор: у ҳар доим суҳбатдошига «қошини чимириб қарайди». Бу унинг ўжар, мағрур, манмансираган табиатига жуда мос тушади. Атай санаб чиқдим: Алимардон йигирма мартага яқин қошини чимираб экан. Ўзигагина ярашиқли бу қилиғи ўғли Шавкатга ҳам ўтади ва бу табиий. Лекин қайнотаси Қори аканинг ҳам шунақа «қош чимириши» менга тақлиддай туйилди. Бу қилиқ Қори аканинг ёшига ҳам, касбига ҳам мос келмагандек кўринди. Анвар ўта уятчан ва тортинчоқ йигит. Шу қадар ҳокисор, уятчанки, оғзидаги тайёр луқмасини олдириб қўяди. Унга баъзан раҳмингиз келади. Лекин на илож, у шу руҳда тарбияланган ва, барибир, ўқувчига жуда ёқади.

Менда кўпроқ Муқаддам характери иккиёқлама таассурот қолдирди. У Алимардонни даволаш учун биринчи келишидаёқ йигитнинг беҳаё қилиқларидан ранжиб кетди. Мен энди ё келмайди ёки Анвар акаси билан бирга келади деб ўйловдим. Йўқ, шифохона врачлари унга яна хонадонлардаги беморлардан хабар олгани борасиз деганида дастлаб уялган ва бироз чўчиган Муқаддам қалбининг туб-тубида «негадир ўзининг ҳам ўша ёққа талпинаётганини сезиб» қанот боғлаб учиб борди ва бу гал қизлик номусидан айрилиб қайтди. Хўш, бунга ким айбдор? Шу пайтгача «Баҳор қайтмайди» қиссаси ҳақида фикр юритилган илмий манбаларда асосан Алимардон айбдор қилиб кўрсатилган. Гўё у тажовузкор, Муқаддам эса, жабрдийда сифатида кўрсатилган. Аслида ҳам шундаймикан?

Менимча, асосий айб қизнинг ўзида, унда қатъият етишмайди. У анча эҳтиросли қиз ва ҳар доим йигит кишининг кескинроқ ҳаракат қилишини, эркалашини истайди. Муқаддам охир-оқибатда вужудидаги мана шу истакнинг қурбони бўлди. Негаки, Анвардан кута-кута шу пайтгача ололмаган

нарсаларни биринчи учрашганидаёқ Алимардондан олди. Шунинг учун унинг ҳаракатларига қарши қаттиқ қаршилиқ кўрсатмаётгандек кўринди менга. Агар истамаса, эндигина касалдан тураётган Алимардонга бўй бермасди. Чунки муаллифнинг таъкидлашича, «Муқаддам кучли эди». Хуллас, Муқаддамнинг Алимардон билан олишуви тасвирланган эпизодни ўқиб туриб, аввало, Муқаддамнинг ўзида истак, хайрихоҳлик бор экан-да, деб ўйладим. Ахир, бундан қалтисроқ вазиятларда Гавҳар («Шамол эсавереди» қиссаси қаҳрамони), Робия («Икки эшик ораси» романи) сингари қизлар қутилиб кетади-ку! Ваҳоланки, уларга ҳужум қилган эркаклар Алимардондан кучлироқ, макон эса кўрқинчлироқ эди. Эҳтимол, мен янглишаётгандирман? Ёзувчининг ўз ғоявий нияти бордир (юқоридаги қалдирғоч детали сингари). Ёки бу муаллифнинг хоҳиш-истагига бўйсундирилганми? Балки ёзувчи атайлаб бадиий интригани вужудга келтирмоқчи бўлгандир?

АДАБИЁТШУНОС. Чиндан ҳам, Муқаддамнинг характерида қатъиятлилик етишмаслигини тўғри пайқабсиз. Ўткир Ҳошимовнинг ўзи ҳам бир суҳбатда кўп серияли «Баҳор қайтмайди» телефильмида Муқаддам ролини ижро этган актриса Гулчеҳра Саъдуллаеванинг «Бошига тушган кўргуликларга Муқаддамнинг ўзи сабабчи. У ўзини, муҳаббатини ҳимоя қилолмайди. Шу жиҳатдан уни оқлай олмайман» деган фикрини маъқуллагани ҳам бежиз эмас. Қиссадаги Анвар – Муқаддам – Алимардон учлиги доирасидаги воқеаларни ўқиб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Эслайлик, Муқаддам Анварнинг илтимосига кўра, Алимардондан хабар олиш учун келганида уйга кириб, ухлаб ётган Алимардонга бир қур назар ташлайди ва қизнинг нигоҳи, энг аввало, йигит қавмидан кўпдан буён кутаётгани – чеҳрасида кўркамлик, мағрур бир қиёфа ва «қатъият балқиб турган»лигига тушади. Унинг қалбида қандайдир орзиқиш юз беради ва бунга адиб Муқаддам «негадир қизариб кетди» деган ибора орқали ишора қилади. Ёнида Анвар билан қайтиб чиқаётганларида Муқаддам «яна бир марта ўгирилиб қаради. Тагин кроватга тикилиб қолди». Нега айнан

кроватьга тикилди? Чунки бу кроватьда ҳаёлидаги йигит ётган-дек туйилди (қизиқ, кейинроқ айнан шу кроватьда қизнинг тақдири ҳал бўлди! Ёзувчининг матн остига яширган имо-ишораларига қойил қолмай иложимиз йўқ). Анвар эса, қизга ишонганидан унинг на қалбидаги, на ташқи қиёфасидаги ўзгаришларни сезади. Кўряпсизми, синчков адиб кейинроқ рўй берадиган воқеаларга бадиий асос яратяпти.

Муқаддамнинг ўз бахтига ўзи болта урганлигига ишонч ҳосил қилиш учун уни кузатишда давом этайлик. Муаллифнинг Муқаддам характерига берган таърифлари, унинг психофизиологик қиёфасида намоён бўлган чизгиларга чуқурроқ назар ташласак, бутунлай акс манзара ҳам кўзга ташланиши мумкин. Мана, Муқаддам Анвар акаси билан уйига қайтяпти: «Муқаддам олдинда кетар, Анвар уч қаламча орқада борарди». Миллий урф-одатларимизга кўра, ўзбек аёли ҳар доим эркак кишидан бир неча қадам орқада юрган. Олдинда юриш аёлнинг менсимаслигидан, ҳурмат қилмаслигидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, Муқаддам Анвардан ҳечам уялмайди, тортинмайди. Бўлмаса, туфлисини ечволиб, ялангоёқ ҳолида эҳтирос алангасида ловуллаб, тепаликдан «Ушланг, Анвар ака!» дея йигит оғушига ўзини ташламасди. Айни чоғда, у Анвар акасидан бағрига босиб эркалашини, қаттиқ қучоқлаб бўсалар олишини кутарди. Ибо, ҳаё, андиша ва уятчанлиги Муқаддамдан ўн карра кучли бўлган Анвар эса, нима қилишини билмай «ўзидан-ўзи уялиб, кўзларини олиб» қочади, холос.

Энди ўйлаб кўрайлик: қизил кўйлак кийиб (эҳтирос ранги) ловуллаб турган қиз икковидан бошқа ҳеч ким йўқ жойда кўнгил кўйган йигитидан кутганини ололмаса, нима қилсин?! Бунинг устига, Анвар акасини ёнига чақиради, анҳорда чўмилишга ишора қилади (агар Анвар «Сув совуқку ҳозир...» демаганида бемалол ечиниб чўмилишдан ҳам тоймасди), шом қорайиб қолганига қарамай, кетгиси келмайди (бу таклиф ҳам охири Анвардан чиқди-ку!). Ахир, булар қизнинг йигитдан ниманидир кутаётганини исботламайдими? Имо-ишораларига Анвардан амалий жавоб

бўлавермагач, Муқаддам «чуқур хаёлга» толади. Табиийки, бундай пайтда истаги рўёбга чиқмаган қиз сўзсиз ҳозиргина кўргани — юзида қатъият балқиб турган йигитни ўйлайди. Кейинги келганида эса, ана шу кутганларини айнан Алимардондан олди ва яна бир карра Анвар акасининг бу йигитга қараганда «бўшгина» эканига амин бўлди.

Дейдиларки, қиз бола биринчи бўсанинг қули. Алимардоннинг ҳеч тортинмай, дадиллик билан қучоқлаши, ўпиши, «Сиз барибир меники бўласиз!» деб қатъий айтиши Муқаддамнинг кўнглини алағда қилиб қўяди. Энди у иккилана бошлади, икки ўт орасида қолди. Чунки шу учрашувдан сўнг у «Алимардоннинг нимасидир Анвардан устунроқ, кучлироқ эканини ҳис» этди. Дастлаб Анвардан кутган кескин ҳаракатларни Алимардондан олганидан кейин аниқ билдики, «Анвар бўш экан, латта экан!» Бу омиллар қиз характерида Алимардонга нисбатан мойиллик туйғусини тобора кучайтириб борди ва оқибат шу бўлдики, учинчи гал борганида Алимардонга ўзини топширди. Ҳа, айнан топширди! Бу ҳодисани бошқача баҳолаш қийин.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, мен ҳам бу воқеада кўпроқ Муқаддам айбдор деб биламан. Агар қиз бола хоҳламаса, эркак киши уни уриб, беҳуш қилиб, кейингина мақсадига эришиши мумкин. Унгача эркак киши ҳам адои тамом бўлади. Негаки, аёл кишининг вужудида ўзи истамаган хатти-ҳаракатларга қарши туғён урадиган қандайдир куч-қудрат яширинган бўлади. Буни Ўткир Ҳошимов билмаслиги мумкин эмас. Ана, ўша Сиз эслаган икки-та асардаги айнан ўхшаш воқеаларни олайлик. Кичкина жуссали Гавҳар, оғир хасталикдан сўнг ҳали тўла дармонга кириб кетмаган Робиялар ниманинг эвазига ўзларидан ўн баравар кучли бўлган рақиблари ҳужумидан сақланиб қолдилар? Биринчи галда ўзига ишончи ва севгисига садоқати кучлилигидан деб биламан. Эсланг: Талъат ва Умар закунчи билан олишаётган Гавҳарнинг ҳам, Робиянинг ҳам хаёлида Мансур билан Кимсан акаси туради. Бу қизларга куч бағишлайди. Муқаддам бирон марта Анварни эслаб қўйди-

ми? Аксинча, баданига эркак қўли тегиб, димоғига ҳиди урилган Муқаддам кўпдан кутган нарсасига етгандек бирдан бўшашиб, жимиб қолади. Гавҳар билан Робиянинг қўлоёқлари тинимсиз ҳаракат қилиб қаршилиқ кўрсатса, Муқаддамнинг қўллари бироздан сўнг йигитнинг юзларини силай бошлайди. Муқаддам характеридаги бу ожизлик унинг бир умр бебахт бўлишига олиб келди. Сиз яна бир нарсани тўғри пайқабсиз: чиндан ҳам ушбу қисса қаҳрамонларнинг тақдири тўғрисида фикр юритган адабиётшуносларнинг ҳеч бири бизга ўхшаб Муқаддамни айбламаган. Аксинча, ҳаммаси Алимардонни тажовузкорликда айблаб, Муқаддамни жабрдийда қилиб кўрсатади. Демак, ҳар бир образнинг ҳолатини баҳолашда шунчаки матнусту манзараларга эмас, балки матнусту маънога, хусусан, одамзоднинг анатомик, физиологик, психологик томонларига ҳам эътибор бериш лозим бўлади.

Кўряпсизми, Ўтқир Ҳошимов ҳар бир қаҳрамони характерининг туб-тубида яширинган индивидуал хусусиятлардан келиб чиқиб тасвирлайди ва ўқувчисини ишонтира олади. Ёзувчи қизлар психологиясини жуда яхши ўрганган, улар табиатидаги мавжуд куч ёки ожизликни керакли ўринда намоён қила олишига аввалдан бадиий асос яратган.

КИТОБХОН. Фикримиз бир-бирига яқинлигидан хурсанд бўлдим. Яна бир мулоҳаза мени кўп ўйлантиради. Муқаддамнинг «маҳалла-кўй «Қори ака» деб орқа-олдидан қаттиқ ҳурматлайдиган» отаси ҳам менда яхши таассурот қолдирмади. Муаллифнинг таърифлашича, «У неча йиллардан бери ўқитувчилик қилиб, одамларга тарбия берган», билимли, маърифатли одам. Пенсияга чиққандан буён маҳалланинг иссиқ-совуқ маъракаларига бош-қош бўлиб юради. Лекин оилада жуда қаттиққўл, асабий, бераҳм, балжаҳл киши. Хотини ҳам, қизи ҳам ундан зириллаб туришади. Бу жиҳатдан Қори ака худди «кўча хандон, уй зиндон» тоифасидаги одамларга ўхшайди.

Ахир, Муқаддам уларнинг биттагина қизи, кўзларининг оқу қораси бўлса. Қори ака деб ҳурматланишига қараганда,

эскичадан ҳам дурустгина илми бор. Шунинг учун ҳисобга олганда, у киши қиз болани отаси урса, бахтсиз бўлади деган ақида-ни билмаслиги мумкин эмас. Афсуски, Муқаддамни «қизалоқлик пайтида дадаси аёвсиз калтақларди». Шунинг учун бечора қиз ҳозиргача жонини ҳовучлаб туради. Алимардоннинг хиёнатидан сўнг ота уйидан паноҳ излаб келган Муқаддам бу ерга ҳам сифмайди. Наҳотки, ота қизини тушун-маса? Ахир, куёви бегона аёлни уйига олиб келиб, бузуқлик қилганини билмаслиги мумкин эмас-ку! Шунга қарамай, у қизини қайтиб кетишга мажбур қилади, «бормайман» дегани учун ярим кечада ёшгина боласи билан (узунинг биринчи набираси!) уйидан ҳайдаб юборади. Кейин эса, Муқаддамнинг тақдири билан умуман қизиқмайди. Қори ака шу раҳмсизлиги, золимлиги, жоҳиллиги билан менга маъқул тушмади.

Адабиётшунос. Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, Ўткир Ҳошимов асарларида оталар ва оналар образлари, улар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат масаласи алоҳида ўрин тутди. Улар бир-бирига ўхшамайди ҳам, бир-бирини такрорламайди ҳам. Шуниси муҳимки, қандай бўлишидан қатъий назар, оталар ёзувчи томонидан оиланинг устунлиги, кўзгуси тарзида тасвирланади. Улар ранг-баранг характери-ли шахслар қиёфасида намоён бўладилар. Бири меҳрибон ва ғамхўр, айни чоғда қаттиққўл; бошқаси — юмшоқ ва индамас, аммо жаҳлдор; яна бири — инжиқ ва золим, боласини чизган чизигидан чиқмасликка мажбур қилади. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам улар фарзандининг бахти ва омадини ўйлаб шу ишга қўл ураётганлигини англаб ту-расиз. Қори ака ҳам шундай оталардан бири. У ёлғиз қизининг биринчи рўзгоридан ажрашиб кетишини истамайди. Маҳалла аҳли олдида номус қилади. Зеро, ўзбек оиласи учун, айниқса, қиз боланинг турмуши бузилиб, ота-онасиникига келиб ўтириши уят саналади. Аммо Қори ака жаҳл отига миниб, номус билан андишанинг, хиёнат билан муҳаббатнинг фарқига бормай қолади. Қори ака чиндан ҳам мураккаб характери қаҳрамон. Уни оқлаш ҳам, Сиз каби бир

ёқлама қараб қоралаш ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, уни тушунишга уриниб кўрайлик. Маҳалласида ўзига яраша обрўга эга бўлган Қори ака «фалончининг қизи эридан чиқиб кепти» деган иснодни кўтаролмайди. Унинг қатъий қарори шундай: «Авлодимизда эридан чиқиш одати йўқ» ва бундан кейин ҳам бўлмайди!

Адибнинг ёзишича, Қори ака асаби ниҳоятда таранг, қони қайноқ, «ўз ҳукмига бўйсунмаганларнинг жазосини» бермагунча кўнгли ўрнига тушмайдиганлар хилидан. Шу боисдан қизининг хоҳиш-истаги билан ҳисоблашмайди. Унингча, «Ёпиғлик қозон ёпиғликлигича қолиб кетгани» яхши. Аёл киши тақдирига тан бериши шарт (айниқса, Муқаддам сингари «ўзи хоҳлаб» эрга теккан бўлса!). Отасининг қарорига қарши «бормайман» дегани учун Муқаддамни «итвачча, кўрнамак» дея ҳақорат қилишдан ва «Йўқол кўзимдан!» деб ҳайдаб юборишдан тоймайди. Шу вазиятда Қори аканинг табиатида чиндан ҳам жоҳиллик устун келади ва бу ҳолат унинг қиёфасига маълум даражада соя ташлайди. Чунки ҳар қандай ота (айниқса, Қори ака сингари собиқ ўқитувчи!) «Нафасни қайтариб юборадиган» даражада қаттиқ шамол эсиб турган совуқ бир пайтда, ярим кечаси ёшгина боласи билан қаёққа боради деб ўйлаши керак эди. Аммо айна чоғда «жаҳолатдан қақшаётган ота» бундай марҳамат кўрсатиш фазилатидан тамомила маҳрум бўлиб қолади.

Муқаддамнинг онаси ҳам шу қадар муштипар ва мазлума аёл сифатида тасвирланганки, унга раҳмларингиз келиб кетади. Онаси эри қаршисида ҳар доим титраб-қақшаб туради. Орада бўлган гапни бир оғиз айтолмайди, эрига гапиришга ҳалли сиғмайди. Ахир, Муқаддам келган куниёқ уйида «бўлган гапларнинг ҳаммасини онасига айтиб берган, энди ҳеч қачон қайтиб бормаслигини» ҳам айтган эди-ку! Шунини эри Қори акага ётиғи билан тушунтирса бўлмасмиди? Шу жиҳатдан уни ҳам, мабодо, эшитган бўлса-ю, қизини яна хиёнат тўшагида ётишга мажбур қилаётган отани ҳам оқлаб бўлмайди.

Энди Муқаддам уйдан чиқиб кетганидан кейин ота-онаси унинг ҳолидан хабар олган-олмаганлиги масаласига

келсак, бу ҳақда ахборот бериш шарт эмаслигини қисса воқеаларининг якуни кўрсатиб турибди. Мабодо берилганида ҳам, бу эпизоднинг сунъийлиги билиниб қолиб, воқелик динамикасини сусайтириб қўйган бўларди. Чунки улар сюжет тизимидаги ўз зиммасига юкланган ғоявий юкни манзилга олиб келиб бўлдилар. Шунинг учун улар билан боғлиқ воқеаларнинг очиқ қолгани яхши. Бўлмаса, Сиз-у бизда шунча фикр-мулоҳаза уйғонармиди?!

Хуллас, «Баҳор қайтмайди» қиссасининг бошқа талай фазилатлари, айниқса, тили, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш борасидаги ёзувчи маҳорати, қаҳрамонлар психологиясини очишда пейзаж тасвирининг ўрни тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Буларнинг ҳар бири алоҳида суҳбатнинг мавзуси бўла олади. Келинг, мулоҳазаларимизга шу ерда нуқтали вергул қўя қолайлик. Бу деганим - асарнинг бадиий имкониятларини кашф этиш, санъаткор томонидан матн остига яширинган ғоявий ниятларни топа олиш ҳақидаги мулоқотимиз яна давом этади. Зеро, китобхон қайта мутолаа қилиш жараёнида сирли-сехрли фазилатларини топа олиш ҳамма асарларга ҳам дахлдор бўлавермайди, энг яхши асарлардангина шундай мўъжизаларни кашф этиш мумкин. Чунки «Ҳар гал ўқиганингизда янги маъно топиш мумкин бўлган бундай асарни катталаргина» ёза олади. Бу Ў. Ҳошимовнинг устоз ёзувчимиз Абдулла Қодирий асарларини қайта-қайта мутолаа қилиб ўрганиши туфайли чиқарган хулосаси. Дадил айтиш мумкинки, Ўткир Ҳошимовнинг ўзи ҳам ҳар гал ўқилганда янгидан-янги маъно ташувчи яширин нуқталар, имо-ишоралар топиладиган юксак савияли асарлар яратган йирик санъаткордир.

Умид қиламизки, бу санъат мўъжизалари хазинасининг қимматли дурдоналарини келгуси суҳбат-мулоқотимизда излаймиз. Ўша қутлуғ дақиқаларда учрашгунча Сизу бизга ҳам, иқтидорли адибимизга ҳам соғлиқ ва ижодий омад тилаб хўшлашайлик.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

XXI АСР НАСРИ МАНЗАРАЛАРИ

Романда мавзу, муаммо ва ечим.....	3
Ғалвир сувдан кўтарилса.....	7
Муаммо ва ечим.....	17
Конфликтсизлик касри.....	24
Йил хирмони, ҳосил сифати (2012 йил романлари мисолида).....	32
Диалог ва унинг қурилиши	48
Миллийлик ва бадийлик талаблари.....	59

Иккинчи бўлим

ШЕЪРИЯТГА ШАЙДО КЎНГИЛЛАР

Дарёдек уйғоқ шоир.....	67
Руҳиятни ёритган шеърият.....	73
Покиза ниятнинг нурли йўллари.....	84

Учинчи бўлим

УСТОЗЛАР ДАВРАСИДА

Ҳамкорлик бахти.....	96
Барҳаёт устоз.....	101
Олим яратган мўъжизалар.....	107

Тўртинчи бўлим

АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

«Улисс» дунёсидаги эврилишлар.....	117
Сўз – гавҳар, фикр – олмос.....	132

ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВ

**КЎЗГУДАГИ
ҲАЁТ**

*Адабий-танқидий мақолалар,
суҳбатлар*

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Бадий муҳаррир *Жўрабоев А.*
Техник муҳаррир *Жўраев А.*
Саҳифаловчи *Турсинов Р.*

Нашриёт лицензияси: АІ №159, 14.08.2009.
Теришга 2013 йил 10 сентябрда берилди.
Босишга 2013 йил 21 октябрда рухсат этилди.
«Times UZ» гарнитураси. Офсет босма. Бичими 60x84.¹/₁₆
Ҳажми 9,25 ш.б.т. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,74.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 37

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

МЧЖ «ИРАК YO'LI POLIGRAF»
матбаа корхонасида чоп этилди.
Манзил: 100170. Тошкент ш., И. Мўминов кўчаси-9.